

РАСУЛ
РАҲМОНОВ

КАЗБЕК БАҲОДИР

(ҚАҲРАМОН ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР)

Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитетининг
«Ёш гвардия» нашриёти
Тошкент — 1977

Рахмонов Расул.

Қазбек баҳодир. (Қаҳрамон ҳаётидан лав-
ҳалар). Т., «Ёш гвардия», 1977.
136 б.

Рахманов Р. Легендарный Казбек.

Ўз 2



Расул Раҳмонов ўзбек ҳалқининг шонли фарзанди, белоруссия партизанлари сафида фашист босқинчиларига қарши мардона жанг қилган Мамадали Топиболдиев ҳақида қизиқарли ҳикоя қиласди. Қаҳрамоннинг ҳаёт йўли ҳар жиҳатдан ёшлиларга ибрат бўлади. Шунингдек тўпламдан илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш илғорларининг мардонавор меҳнатини акс эттирувчи бир қатор очерклар ҳам ўрин олган.

Р 7-3-3-96
356 (06)-77 23-77

© Издательство «Ёш гвардия»— 1977



«АДАШГАН» ХАТ

Хар сафар шошилинч иши бўлса ҳам бемалол гаплашиб, ўтирадиган хатчи ота бугун дераза токчасига ток япрогидай бир парча қофозни қўйиб, Мели бувининг ҳай-ҳайига қулоқ солмай жўнаб қолди. Кампир хатни ҳижжалаб ўқиди. Русча ёзилган экан, тушунолмади. Аксига олиб, шаррос ёмғир ёғяпти. Бўлмаса қишлоқ совети идорасига чиқиб, бирортасига ўқитиб келарди. У нима қиласини билмай ҳардамхәёл бўлиб ўтиради. Бароқ мушук белини дўппайтирганича келиб кампирнинг оёгига суркалди.

— Қорнинг очдими жонивор, ҳозир.— Кампир қутнадан бир бурда нон оларкан, тўқчилик вақтида танлаб овқат ейдиган мушукнинг, токчага интилиб, сабрсизлик

билин деворни тимдалаётганига қараб афсусланиб бош чайқади. Мушукнинг понни қитирлатиб ейишини томоша қилиб ўтираркан, почталъоннинг орқа-ўнгига қарамай кетгани, хатда нима ёзилганини билолмаганини ўйлаб баттар кўнгли ғаш бўлди. Лоп этиб кўрган туши эсига келди. Эмиш, уйида бирон егулик қолмабди. Қаска кийган баҳайбат бир фашист пичоқ кўтариб яхши кунларга атаб бокаётган кора қўчқорини сўйгани олиб кетаётган эмиш. Қампир қўчқорга ёпишиб йиғлармиш, ёлворармиш: ўғлимни тўйнига атаб боққанман, бу йил келади, дермиш. Фашистга ёпишармиш, бироқ кучи етмасмиш, одамларни ёрдамга чақиравмиш, аммо товуши чиқмасмиш...

Хаёл қампирни минг кўчага олиб киравди. «Бу қандай хат бўлдийкин? Нега, хатчи индамай кетди. Ҳеч бунақа қилмасди-ку. Товба!..» У ёмғирга қарамай, ташқарига чиқиб йўл пойлай бошлади. Бирор ўтиб қолса ўқитади. Ҳали қишлоқда ҳеч кимнинг қўлида кўрмаганди бундай қоғозни, конвертни ўрнига, уч бурчак хат келгучи эди. У ёмғирда ивиб кетди. Бадани жунжикди. Чорночор ичкарига киравкан, хаёлан олисдаги чегарачи кийимидағи ўғли билан гаплашарди.

— Қаерларда юрибсан, ўғлим. Отинг ўчгур уруш бошланди. Ҳойнаҳой энди келолмассан. Нега жимсан, нега хатинг тўхтаб қолди. Ёлғиз онангни бундай қийнама, жон болам икки эллик бўлса ҳам хат ёзиб юбор. Донохоннинг ҳам хаёли бирдай сенда. Сўролмайди-ю, ҳар куни бир нарсани баҳона қилиб хабар олиб кетади. Уни ҳам интизор қилма ўғлим...

— Ҳолажон! Ҳолажон!— чўчитиб юбормаслик учун секин чақиравди оstonада турган Донохон.

Қампир ўзи билан ўзи бўлиб қизнинг келганини ҳам сезмай қолган эди.

— Вой... хаёл қурсин... келдингизми, қизим.

Қиз пойгакка чўқди.

— Яхши келдингиз, Хатчи отангиз, иши жуда ҳам

зарур эканми, билмадим мана бу қофозни, деразага қўйиб, ўқиб ҳам бермай кетиб қолди.

Қиз ҳам бундай хатни биринчи бор кўриши эди, қизиқсиниб қўлига олди. Овоз чиқармай ичида ўқиди-ю, бирдан бўшашиб кетди. «...Уғлингиз Ватан учун бўлган жангларда бедарак йўқолди...» Қизнинг кўз олди қоронfilaшиб кетаётгандек бўлди-ю, ҳолатини сездирмаслик учун тез-тез гапирди:

— Бир рус одамнинг хати, адашиб, бу ерга келиб қолипти. Ҳозир, хатчи отага обориб бераман!

— Ростми қизим. Ҳа, шунинг учун, хатчи кирмаган экан-да. Ерда ётган бўлса, четга олиб қўйган... Тўхта, ўзи қўйган хатни, ўзига берасанми. Мени алдамаяпсанми, қизим? Бирон ёмон хабар йўқми?..

— Йўқ, холажон. Нега алдай... Қайси куни нариги қўшнини эридан «Қора хат» келганда ўзингиз кўрдингиз-ку, қишлоқ Советининг раиси, котиби, Оқсоқол бува, хотин-қизлар Советининг раиси — бирга келишиб, айтишиди...

-- Ҳа-я...

Қиз остонадан ўтгунча зўрға ўзини тутиб турди. Эшикка чиқиши билан деворга суюнганича ҳўнграб йиглаб юборди.

Кампирнинг кўнгил ғашлиги ёзилмади. Донохоннинг довдираб чиқиб кетгани унинг нотинчлигини баттар оширди. Нима қиларини билмай тахмондаги китоблардан бирини олиб ўқиди: «Ҳувойдо». Олиб хонтахтага қўйди, сўнг кўзойнагини тутиб, варақлади.

Эмди излаб топмагайман, қайдасан, жоним болам,
Кўргали келдим юзингни, моҳи тобоним болам.
Ҳар замон ёдимга тушсанг, қичкирурман дод деб,
Етмагай эмди сенга фарёду афғоним болам.
Эй болам, ман қайси дардингники айтиб йиглайнин,
Бенишон эрди йўқолгон хонавайроним болам.

Ўқиши ҳам юрагига сифмади. Ўрнидан турди-да, деворда осиғлик турган ўғлининг суратини олиб, сандиқ-

қа солиб қўйди: «Кўрган сари бир қават этимдан тушяпман. Согинчим ортаяпти. Зора дардим енгиллашса».

Эшик очилиб колхоз, қишлоқ Совети раислари, партия ташкилотининг секретари, хотин-қизлар Советининг раиси кириб келишиди. Улар почтальон билан Донохондан ҳамма гапни эшишишган эди. Уларни кўриб кампир довдираб қолди. Деворга суюнганича анқовсираб нуқул бир сўзни такрорларди.

— Келинглар, келинглар...

— Эшигингизни босиб ўтиб кетолмадик. Қалай, сиҳат-саломатмисиз. Мамадалидан дарак борми? Қандай етишмовчиликларингиз бор. Тортинманг, айтинг.

— Шукур.. боламнинг дийдоридан бўлак ҳеч нарсага муҳтож эмасман.

Йўқлаб келганлар бир-бирларига эзмдан қарашиб олишди. Колхоз раиси чуқур тин олди. Партиком секретари эса ердан бош кўтармай ўтиради.

— Бугун хатчи бир қоғозни қўйиб кетган эди. Мамадалидан келдими, десам, Донохон ўқиди, бошқа одамни хати экан. Қани, ёзилишиброқ ўтиринглар, ҳозир чойим қайнайди.

— Раҳмат, чойни мавриди билан ичармиз,— улар ҳам онага бор гапни айтишолмади. Онага фарзанд доғини етказишдан мушкул иш бормикин дунёда.

САФАРГА

Орадан йиллар ўтди. Қайгули, қувончли онлар орқада қолди. Қора хат чиндан ҳам янгиш келган бўлиб чиқди. Мамадали Топиболдиев — Қазбек баҳодир урушдан эсон-омон қайтиб келди.

Улуг Ватан уруши ғалабасининг йигирма йиллигига тайёргарлик борарди. Афсонавий қаҳрамон, партизан Қазбек ҳаётини матбуотда кенгроқ ёритиш маслаҳат кўрилди. Ўша вақтда Фарғонада «Қизил Ўзбекистон»

газетасининг мухбири бўлган, қаламкаш дўстим Абдукарим Набиҳўжаевга учрашиб мақсадимни айтдим.

— Жуда дилкаш йигит,— деди мезбоним.— Гаплашган сари, гаплашгисп келади одамнинг, жон деб бирга бораман.

Сўлим диёрнинг кўм-кўк боғлари, бепоён пахтазорлари оралаб кетган Қўқон йўлидан, тарпф-тавсифга бой Риштон гузарига кириб бордик. Бир оз юқорилаб юргач, Катта Фаргона каналининг кўпригидан ўтиб, сув ёқалаб кетдик. Истиқболимизда толлар билан буркалган файзли бир шаҳарча кўринди.

— Шоир Муқимий ёзган қадимги Зоҳндон, ҳозирги Коммунизм номли колхоз,— деди Абдукарим.

Янги типда қурилган уй-жойлар, қўшқават мактаб, шифохона, боғча, клуб бинолари кўзга ташланди. Қишлоқ марказидаги кенг майдон ўртасидаги катта чаноқ шаклида ишланган фавворадан сув отилиб турибди. Қишлоққа кириб келганим сайн руҳимда ажиб бир ҳаяжон сезардим. Ҳозир қаршимдан эртаклардагиdek девларни, кўп бошли аждаҳоларни енгишга қодир, кенг ягрили паҳлавон, ўқ ўтмас, тиф кесмас пўлат одам, фашистларга қирон келтириб, номи бутун бир халқ тимсоли бўлиб жаранглаган, файритабий бир куч эгаси чиқиб келаётгандек туюларди. Улуғ Ватан уруши йилларида «Темир йўл жанг»ларида юзлаб душман поездини ағдарган, қанчадан-қанча босқинчини ер тишлатган партизанлардан бирини кўраман ҳозир.

— Шу ерда экан,— деди ҳамроҳим кўччани кесиб ўтган ариқ ёқасидаги тахта супада ўтирган одамлар томонга ишора қилиб. Ҳамманинг эгнида тўн, бошлирида қўқон дўппи, фақат икки киши шапка кийган, бирининг ёнида ҳасса.

— Туфли кийгани,— деди ҳамроҳим журналиста га хос зийраклик билан раисни ажратиб турган белгиспни топиб.— Ҳаммага ўҳшаган жўнгина одам...— қўшиб

қўйди у, тасаввуримдаги кишини кўролмаганимдан ажабланганимни сезиб.

Салом-аликдан сўнг. Мамадали ака мулоҳаза қилиб ўтирасдан шартта дилидагини айтди.

— Ҳали қоронги тушади. Янглишмасам эртага барвақт кетасизлар. Шунинг учун қишлоқни бир айланиб чиқайлик. У жавобимизни кутмай «Победа» машинаси томон юрди. Ҳайдовчиси ичида ётган бўлса керак, деб ўйладим. Йўқ раиснинг ўзи рулга ўтириди...

Сұхбатимиз тонгга яқин зўрға тугади. Ўзи ҳақида ҳеч нарса демади, партизан дўйстлари, колхозчилар тўғрисида тўлиб-тошиб гапирди. Эрталаб соат олтида турсам, Мамадали Топиболдиев гўшт тўғраяпти.

— Сизларга ўз қўлим билан, партизанча котлет қилиб бермоқчиман,— деди кулиб.— Бирга жанг қилган белорус оғайниларни чақиргандим. Колхозда бирга ишлашамиз. Партизанлар сизларга мунтазир,— раис қўшни хонага имлади.

Гап котлетдан бошланди.

— Эҳ-ҳе, Толик — Казбек... тўғрисида ҳар қанча ёсса кам,— белоруслар у ҳақда кўп нарсаларни айтиб беришди.

— Белоруссияга, Минска, Могилевга, албатта, боришингиз керак, у ерда Мамадали Топиболдиевни — Казбекни танимайдиган одам йўқ,— деб маслаҳат беришди.— Ҳозирги ёшларимиз ҳам билишади.

Дам олиш ойини ботир партизан ўтган, жанг қилган жойларни кўришга, бирга курашган кишилари, музей, архивдаги ҳужжатлар билан танишишга багишиладим.

Анюта хола — Рилькова Анна Васильевна мени жуда зориқиб кутипти. Минскдан Могилев областидаги Пасирево қишлоғига сим қоқиб, ўғлингиз Мамадали Топиболдиевнинг биродари, Сизни кўргани кетяпти, деб хабар қилишган кундан бошлаб, қувониб ҳозирлик кўрипти. Мен борадиган куни бисотидаги энг яхши кийимларини кийиб ясанибди. Дастурхон тузаб, қўни-қўш-

ниларини чақириб мени кута бошлашибди. Тутинган ўғлининг юртдошига, Мамадали ҳақида, у билан биринчи бор учрашганини, қандай қилиб она-бала бўлиб қолишганини айтиб беришга чоғланиб ўтирган экан.

Е ҲАЁТ, Е ҰЛИМ!

— Уруш қишлоғимиздан оралаб ўтган, оғир кунлар эди. Үрмондан ўтил йигиб, кеч қолдим. Уйга келсам, остоңада нотаниш бир киши ўтирилти. Афтодаҳол, кўзлари киртайиб, ичига тушиб кетган, соқол-мўйловлари ўсган, озғин. Қўрқиб кетдим. Четлаб ўтиб кетмоқчи бўлдим: ким билади, қандай ниятда ўтирибди.

У бўлса мени тўхтатиб, сўради:

— Онажон, хўп десангиз бир кеча ётиб кетсак? Икки кишимиз!

Ўйланиб қолдим: нима қилсам экан, яхши одам бўлса, киритмасам, қаерга боради, кимга сарғаяди, фашистлар қўлига тушиб қолса соғ қўйишмайди. Киритсан балога қоламан, фашистлар ким уйига бегона одамни қўйса, қаттиқ жазолашади.

Йўловчи, худди, менинг иккиланаётганимни сезгандек гап қотди.

— Қўрқманг, онажон. Мени ўғлингиз Иван Рильковдек кўраверинг. Балки, у ҳам бирон жойда саргардон бўлиб юргандир.

Унинг бу сўзларини эшитиб, оёқ-қўлим бўшашиб, нима қилишимни билмай қолдим.

— Ўғлимни қаёқдан биласан? Қўрдингми? Омонми?

— Озор чекманг, онажон! Омон. Шу ерда.

— Қаерда? Уйдами?— ичкарига шошиламан.

— Иўқ,— дейди нотаниш киши.— Эҳтиёт шарт, томорқада яшириниб ётипти.

Ушанда қанчалик севинганимни кўрсангиз, буни менга ўхшаган онагина ҳис эта олади. Томорқага югурдим. Болагинамни ялаб-юлқаб, бизга четлаб йўл бўша-

тиб турган кишига эътибор ҳам бермай уйга кириб кетибман. Бир маҳал Иваним уни сўраб қолди-ку! Ўғлим меҳмонни уйда деб ўйлаган экан. Шу заҳоти ташқарига югурдим. Кетма-кет ўғлим ҳам чиқди.

Иван онаси билан кўришиб, қайтиб чиқишини кутиб, ёғоч уй пешайвонида бошини қуий солиб ўтирган Мамадали, кўзларини артиб, «бўпти!» деб устунга бир урдида, шарт ўринидан туриб, зинага ҳам сабр қилмай, сакраб ҳовлига тушди. Тез-тез юриб, тахта панжарали девор ёнига етай деганида, орқадан эшитилган меҳрибон овоз уни тўхтатди.

— Қаёққа болам! Тўхта, ўғилгинам,— аёлнинг уйдан талпиниб чиқаётганини кўрган Мамадали чопиб бориб, ўзини унинг қучоғига отди.

— Кечирасан, айланай,— деди аёл намланган кўзларини рўмол учи билан артаркан, Иван билан кўришаман деб сени унутаёзиман. Менинг ҳам ота-онам бўлганда, худди шундай қарши олишарди, деб хўрлинг келгандир. Үксима, чироғим... Иваннинг дўсти экансан, кел, болам, она-бола тутинайлик. Мен ҳам шу бугундан эътиборан бир ўғлим икки бўлди деявераман... Қани уйга кир. Вой, айланай, намунча торгинчоқсан?..

Шу маҳал Иваннинг дадаси ҳам кириб келди.

Дийдор кўришиш шунчалик тўсатдан юз беришини ҳеч ким, айниқса мезбоннинг ота-онаси етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Рильковлар хонадони бир лаҳзада шоду хуррамликка тўлди. Чолу кампир топган-тутганларини дастурхонга тўкишди.

Мўйсафид яхши кунларга атаб шиша идишда асраб юрган, ўзи тайёрлаган «қўйл бола» ичимликни қаердан-дир топиб келиб, столга қўйди. Стаканларга қуийиб, йигитларга узатди. Урушнинг тезроқ тугаши учун, шавкатли қуролимиз учун, галабамиз учун қадаҳ кўтаришди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, ҳеч кимнинг уйқуси келмасди.

— Оббо, болаларим-эй! — дерди чол. — Худо ўз паноҳида асрабди-да. Фашистлар панжасидан қутулиш осон иш дейсанларми? Березина дарёсидан қандай ўтдинглар? Ҳартугур, ҳеч ким пайқамадими?..

— Бир амалладик, — деди Мамадали...

Иван қилган ишидан мақтанишни ёмон кўрадиган Мамадалидан ҳеч гап чиқмаслигини яхши билгани учун ҳам гапга тутинди:

— Урмон ёқалаб, соҳилдан биронта қайиқ топилиб қолармикин, кечаси қоронғида бир амаллаб нариги томонга ўтиб олардик, деб келавердик. Қаёқда дейсиз: қайиқ деган нарса сира кўринмайди. Бир пайт бошимиз қотиб турганди, ўрмондан бир қоп нарсани орқалаб, катта сават кўтарган хотин чиқиб қолди.

Ундан йўл-йўриқ олишни маслаҳат берди Мамадали. Мен гумонсираб: «Эҳтиёт бўлиш керак, балки фашистлар атайлаб юборган айғоқчидир», дедим. Ундай бўлса «ғип» деди, бўйини кўрсатиб, дўстим. Таваккал, аёлга мурожаат қилдик.

— Қайиқ зоти қолган эмас, — деди йўловчи аёл. — Ҳаммасини ёқиб ташлашди, иблизлар.

Унинг ғазаб билан беихтиёр «иблислар» дейишидан, аён бўлдики, ўзимизники!

— Шу кўриб турганингиз кўприкдан бошқа нажот ўйқ! — деди у. — Лекин эҳтиёт бўлмасангиз, бир эмас, икки эмас, ғуж-ғуж соқчи турибди.

— Нима маслаҳат берасиз?

— Ўзингиз биласиз! Кимлигингизни сезиб қолса, омон қолишингизга кўзим етмайди. Шу қишлоқданмиз десанглар, ишонишлари мумкин.

— Қопни мен олай, саватни сен... Сиз, хола ҳасса таянинг. Биз сизнинг «ака-укаларингиз» бўламиз. Вазиятга қараб иш тутамиз... Борди-ю, чатоги чиқадиган бўлса — куч етганча олишамиз...

У таклифга жавоб кутиб дам менга, дам аёлга қарарди.

— Нимага ўйланасиз, ахир бу ерда ётавермаймиз-ку! Ҳамма жангда, биз панада!

— Бўлмаса, қаламтарошдан бошқа нарсанинг ҳам-масини улоқтириб ташла, мен ҳам...

Толик норози бўлиб қараб қолди шунда...

— Тўғрими?— деб сўради Иван. Мамадали чой ичиб, хонанинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб ўтиаркан, берилган саволни англар-англамас, калласини қимирлатиб, маъқуллаб қўя қолди.— Мен кейин биласан дедим, у ниманидир ўйлаб турди-да, «бўпти», деди, елкамга қоқиб. Пахталигини шартта ерга ташлаб, кўйлагини ечди, чокидан йиртиб ерга ёйди.— Қўй,— деди у кўйлакни кўрсатиб. Автоматни бўйнимдан олиб оҳиста қўйдим, у чўнтағидаги тўппончасини чиқарди. Иккаласини бир-бирига ишқаланмайдиган қилиб ўради-да, дараҳтзорга кириб кетди. Билдим-ки, яшириб чиқади.

Айтганимдек бўлди, картошкани кўтариб, битта-битта кўпrikка қараб юрдик.

— Тўхта, нима у!— орқамиздан келган фашист солдати оёғининг учи билан саватни титкилади. Бир-иккита картошка отилиб ерга тушди, мен оламан деб энгашган эдим, бошқа солдат зарб билан тепиб юборди. Бошқаларни қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Гепамга югуриб келган Толикнинг титроқ қўлларини кўриб, эсим чиқиб кетди. У бирон нарсага газаб билан ҳамла қилгандан шундай титрарди. Мен шилинган бурнимнинг оғригини ҳам унубиб, «ўзингни бос» дедим.

Кўпrik охиридагилар, бўсағадагиларига ишондилар шекилли, индашмади.

— Жуда оғир йигитсан-да Иван!— деди ҳозиргина бўлиб ўтган воқеани эслаб Мамадали.

— Унчалик воқеани эмас. Мен ҳам, сендан қолишмайдиган қизиқонман. Биласан. Лекин шароит билан ҳисоблашмаса бўлмайди. Шундан, ҳаммасини ичимга солиб, яшириб юраман. Қарабсизки, уйга етиб қолибмиз.

Улар ўтган кунлар ичида биринчи марта ёзилиб кулишди.

Иваннинг онаси чуқур хўрсиниб олди-да, намланган мовий кўзларини Мамадалига тикиб, хазин оҳангда сўради:

— Айбга қўшмайсан, болам... Тилингдан сезиб турбман, бу ерлардан эмасга ўхшайсан... Қаерликсан, ота-онанг, ака-укаларинг борми?..

Онанинг ногаҳон берган самимий саволи Мамадалининг дилига, гўё очилган ярага туз сепгандай жиз этиб тегди. Бусиз ҳам ҳижрон ўтида ёниб юрган йигитнинг кўз олдига сув деса шарбат тутувчи сўлим диёри, гўзал Фарона боғ-роғлари билан оламга машҳур водийси, Зоҳидон қишлоғи, «Ой бориб, омон кел, болам», дея қучоқлашиб, хайрлашиб қолган онаси, ёр-биродарлари, ҳамқишлоқлари келди. Оғир хўрсинди.

— Гапингиз тўғри, онажон!— деди Мамадали кампирга маҳзунлик билан.— Менинг она юртим... Эҳ-ҳа, жуда олис бу ерлардан. Рус эмаслигим ҳам тўғри. Узбекман. Эшитганмисиз, ўзбеклар ўлкаси ҳақида?

— Шошма-шошма, ҳали Тошкентдан келганман, дегин? Бўлмасам-чи, кўп эшитганман. Иван бир куни мактабидан Тошкент ҳақида ёзилган китоб опкелиб ўқиб берганди. Номи нима эди, ўғлим?— кампир у томон ўгирилди.

— «Тошкент — нон шаҳри»,— деди Иван дўстидан кўз узмай.— Неверов ёзган.

— Ҳа, ҳа айланай, Нон шаҳри деб аташаркан юртингни, чиндан ҳам дон қўпми?

— Дон ҳам, нон ҳам мўл бизда, онажон,— деди Мамадали фурурини яширмай.— Биз яшаб турган жойнинг ҳар қисм тупроғи олтинга тенг.

Кампир унинг сўзларини ҳайратланиб тингларди.

— Бизнинг қишлоғимиз ҳалиги сиз айтган Тошкентдан нарироқда. Поездда ярим кунлик йўл.

— Шундай дегин-а...

Шу-шу бирга яшай бошладик. Мен уни ўғлим десам, у мени она, деб ардоқлаб юрди. Шу денг, отинн ҳеч айтолмайман. Бир куни узр сўраб, Толик, деб қўя қолсам, майлими, дедим. Қенг йигит экан, кулиб жуда соз бўлади, деди.

Анна Васильевна бизга яна талай воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Сафар давомида Могилевдаги собиқ партизанлардан ҳам, Мамадали аканинг ўзидан ҳам қизиқ хотираларни эшитдик. Уларнинг ҳаммасини баён этиш мушкул. Шунинг учун фақатгина Мамадали Топиболдиев — Қазбек билан боғлиқ бўлган айрим лавҳаларни қандай эшитган бўлсак, шундайлигича баён этмоқчимиз.

ФАЛОКАТ

Үрмон кўм-кўк либосга бурканган. Қушлар нағмаси астойдил қулоқ соглан одамни энтиклиради. Турли-туман чечакларнинг муаттар бўйидан сархуш бўлиб ке-зид юрган тўпчилар полкининг шоғёри Мамадали ҳарбий хизмат муддати охирлаб қолганини ўйлаб қувонарди. Ҳадемай у она қишлоғига кириб боради. Кекса онаси уни ўтқизгани жой тополмайди. Тўқман, емайман деганига қарамай, майизу туршак, баҳордан қолган сумалак билан роса сийлайди. Ҳали ёр-жўралари билан тузукроқ дийдорлашиб улгурмай дарров тугун кўтариб совчиликнинг пайидан бўлади. Онаси бечора ёлғиз қийналиб кетди. У тенгилар аллақачон тўртта болали бўлишганини айтади... бир ҳисобда тезроқ уйлангани ҳам яхши. Уй-жойи... бола-чақаси билан овуниб яшайди... У ўрмондан чиқиб келганда жангчилар ҳарбий шаҳарчани тўлдириб, ўйин-кулги қилишарди. Клуб саҳнасида рус лапари украин «гоппак»и билан, белорус «левониҳа»си, ўзбек ялласи билан, кавказ «лезгинка»си қозоқ ўлани билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетяпти.

Жангчи ҳаваскорлар қўйиб берган «қўл бола» концертдан кейин бадиий фильм намойиш қилинди.

«Чегарарада» кинофильми уларга жуда маъқул тушди. Гёё картина уларнинг тасодифларга, саргузаштларга бой кундалик ҳаётидан олингандек.

Кино тугагач, жангчилар оромгоҳларига йўл олдилар.

...Ухлашга рухсат берилганига анча бўлган. Жангчилар, командирлар, ҳамма уйқуда. Бутун мамлакат уйқуда. Фақат Ватан осойишталигининг посбонлари — довюорак чегарачилар ўз постида ҳамиша ҳушёр.

Каравотлардан бирда ётган қорачадан келган, қади-басти келишган йигит, у ёнбошидан-бу ёнбошига агардарилиб тўлғанади, ухлай олмайди. Қун бўйи машина рулида ўтириб чарчаганиданми, клубдаги концерт билан кинофильмдан таъсирланганиданми, ҳар қалай минг уринса ҳам кўзини юмолмайди. Казармада жимжитлик. Ҳамма пиш-пиш ухлаяпти.

Бир пайт у ёнидаги қўшниси ҳам нечундир кўзини катта очиб шифтга қараб ётганини пайқади.

— Нималарни ўйлаяпсан, Иван?

— Нимани бўларди, эртанинг ташвиши-да. Дам олиш куни-ку, эртага якшанба...

— Бўлса нима?

— Менга ҳам рухсат беришса икковлон бирга бизникига бориб, қариялардан ҳол-аҳвол сўраб қайтардик. Иложини топсак, сулини ўриб-ийғиб олишга кўмаклашиб юборардик. Бу йил дон йили бўлди, дейишияпти дехқонлар. Ажаб эмас бизниkilар ҳам дурустроқ ҳосил олишса.

— Командирдан сўраб кўриш керак. Жавоб беришса, бирласда ўриб-янчиб келамиз.— Қорачадан келган йигит бошини кўтариб, иккала қўлига иягини тираб, дўстига нигоҳ ташлади.— Бизнинг ота-боболаримиз дехқон ўтган. Мана бу қўллар кетмону ўроқни ишлатавериб, трактор ҳайдайвериб қадоқ бўлган... Ҳозир близ томонлардá ҳам дон ғарқ пишиб, ўроққа тушиб қолган-

дир. Ғўзанинг айни парвариш даври. Пахтани қандай ўсишини биласанми, Жуда нозик, сермеҳнат экин. Буғдой, сули унинг олдида бекорга ўсади.

Икки дўст алламаҳалгача шивир-шивир қилиб ётишиди. Бурчакда ётган жангчи уларни койиди.

Мамадалининг кўзи энди илинганди, дарёning нариги қирғоғида, чегарада ҳаво ёришиб, замбарак овози эшитилди. Навбатчи диққат билан ғарб томонга қулоқ солди. Портлаш! Деразалар зириллаб, ер силкиниб кетди. Йигит соатига қаради, роса тўрт. У казармадан ташқарига югуриб чиқди, яна қулоқ солди. Йўқ, бу туш эмас, ҳақиқат. «Лекин, нима бўлиши мумкин?» Гумбургумбур тобора яқинлашиб келарди. «Дарҳол командирни хабардор қилиш керак!» Шу маҳал навбатчининг ёнидан югуриб ўтган лейтенант жангчиларни қуроллашишга буюрди. Жанговар буйруқ чегарачиларни бир зумда оёққа турғазди. Қуролларни кўздан кечириб чиқишига ҳам вақт йўқ эди... Уруш бошланган эди.

Совет кишилари ҳали душманинг мамлакатимизга ҳужум бошлаганини билишмасди. Еру осмонда лак-лак моторлар гувиллай бошлади. Замбарак отишмасидан кейин, немислар ҳужумга ўтдилар. Офицер Григоренко жангчиларни олға ундади:

— Менинг кетимдан, ол-фа-а!..— Жанг қизиб кетди. Ертўлалардан, уйларнинг деразаларидан, томлардан солдатларимиз душман устига ўқ ёғдира бошладилар. Қандай бўлмасин душманинг йўлини тўсиш керак. Мамадали Топиболдиев бошлиқ бўлинма немисларнинг учта ҳужумини қайтарди. Аммо ҳар қанча талафот етказилмасин душман мўрмалаҳдай борган сари заставага яқинлашиб келарди. Лекин ҳамон чегарачиларга мадад келишидан дарак йўқ. Урушнинг учинчи куни чегарадан чекиниш тўғрисида қўмондонликнинг буйруғи олинди. Олишувга жон-жаҳди билан киришиб кетган Мамадали бундан бехабар, бирин-кетин эмаклаб кетаётган ён-беридагиларга қичқиради:

— Қаёққа? Қайт орқангга! Қайт, отиб ташлайман!

— Фашистлар ҳалқадай қисиб келяпти, ахир! Тушунасанми, йўқми!— кимнингдир фусса билан куйиниб қичқиргани эшитилди.— Буйруқ шунақа!

Чегарачилар қисми қуршовга тушиб қолди. Қуршовни ёриб ўтиш зарур. Дарахтлар зич ўсан, тундай қоронги ўрмон пчида жангчилар тиззадан ботқоқ кечиб бораради. Шу пайт қисм қаршисида зиё кўрингандек бўлди. Ложувард осмон ҳорғин кўзларни қувонтириди. Узоқдан қишлоқ четидаги уйлар, хашак ғарами кўзга ташланди. Ундан нарироқда қуюқ тутун бурқсиб кўкка кўтариларди.

— Фашистлар қишлоққа ўт қўйиб, илдамлаб кетишиган,— деди командир ва бир зум ўйланиб қолди.— Қишлоқда тўхтаган бўлишлари ҳам мумкин. Эҳтиёт — ярим ғалаба, деявер... Қишлоқдан хабар олиш керак. Ким боради разведкага?

— Мен, мен!— дея бир неча жангчи баравар жавоб берди. Шунда тажрибали командир бошқа фикрга келди:

— Мамадали Топиболдиев!

Қораҷадан келган йигит сафдан чиқди-да, командирга честь берди.

— Иван Рильков!

— Мен!— У ҳам Мамадалининг ёнига бориб турди.

Григоренко ён чўнтағидан буқланган қофоз чиқариб, йигитларга кўрсатди. Бу ҳарита эди.

— Секин қишлоққа бориб, аҳволни билиб қайтасизлар,— деди у, кўрсатгич бармоғини қоғоздан кўтармай.— Қишлоқнинг мана бу томонида эски черков бор, эҳтиёт бўлинглар, немислар пистирма қўйган бўлиши мумкин.

Командирнинг тахмини тўғри чиқди. Икки жангчи дарахтларни ~~поналаб~~ чакалакзорларда эмаклаб-пушиб

ҳаракат қылсалар ҳам душман кузатувчилари уларни пайқаб қолиб, ўққа тутди.

Разведкага борган жангчилар қайтиб келгач, шароит тақозоси билан майда гурухларга бўлиниб, Шарққа йўл олган қисмларини излаб кетишиди.

Нима қилиш керак?

Иван йўл-йўлакай она қишлоғига боришни, ҳаракатдаги армия қўшилларига қўшилишни таклиф этди.

Улар йўлга чиқдилар. Фашист постларига рўбарў келиб қолмаслик учун, кундузлари пана пастқам жойларда яшириниб ётиб, фақат тунда юрдилар. Йўл юриш ҳаддан ташқари машаққатли эди. Ҳали ўрманзор, ҳали ботқоқлик, ҳали сув кечиб оч-наҳор йўл босишарди.

Қишлоқлардан ўтганда баҳарнов, егулик нарса топса бўлади. Зим-зиё ўрмонларда-чи, ҳеч вақо йўқ.

— Ташна бўлиб кетяпман!— Ётиб қолди Иван тўсатдан.

Ботқоқни ковлаб сув чиқарган Мамадали, уни ички кўйлагининг енгидан йиртиб олишган дастрўмолдан ўтказиб, тиндириб қўйди.

— Сув!— деди ўзига келиб ҳамроҳи. Мамадали сувнинг ярмини олиб қўйиб, қолганини Иванга тутди. Улар илгарилаб кетишиди. Ейишга нарсалари қолмаган эди. Йўлдаги бир қишлоқдан бирон егулик топишга аҳд қилишиди.

— Иван, қишлоқда фашистлар юришипти. Сен шу ерда қол.

— Йўқ,— деди Иван Мамадалини сўзини бўлиб.— Кемага тушганинг жони бир. Бирга борамиз.

Аммо кутилмаганда рўпарадан чиқиб қолган фашистлар тўдасидан қочиб қутуломмадилар.

Уларни тўғри китоб магазинига олиб бордилар. Шу бинони бўшатиш керак, деб буюришиди. Улар китобларни кўзлари қиймай туришарди.

— Йирт, эшикка олиб чиқиб ёқ!— қичқирди бир немис солдати китобларни кўрсатиб. Мамадали Иванга,

Иван Мамадалига қаради. «Тушунарли, бир амаллаб қочиши керак!» Гаплашишга сира қўйишмайди, қуроллар отишга шай. Бир-икки қучоқ китобни ҳовлига олиб чиқсан Мамадали, оstonада турган фашистни зумда тинчиди. Иван шоша-пиша бир даста китобни қўлтиқлаб ҳовлига отилди.

Ичкаридан кайф билан китобларни титаётган солдатларнинг отишмалари, бақириб-чақиришлари қулоқларига чалнинган қочоқлар ўзларини чакалазор ораспга урдилар.

Ниҳоят яна қуюқ ўрмон бошланди. Улар бир оз нафасини ростлаб олиш мақсадида шу ерда тўхтاشди.

— Зап қутулдик-да, Иван. Агар қочмаганимизда, худо ҳаққи бир-иккитасини нариги дунёга жўнатордим!— деди қўлидаги ўлжа автоматни кўздан кечирапкан Мамадали.

— Бир-иккисини ўлдирапдим, дейсан! Унда ўзимиз соғ қолармидик? Йўқ дўстим, ўлишга шошмайлигу пайтини пойлаб туриб, қирайлик абллаҳларни. Фақат шундагина ота-оналаримиз ҳам, Ватан ҳам, партия ҳам биздан миннатдор бўлади. Тўгрими!

— Ҳақ гап. Ўлиш осон, лекин яшашни билиш қийин... Қани кетдик,— деди ўзбек йигити қўлини дўстининг елкасига ташларкан.— Бўпти!

Мамадали бир нарсадан хурсанд бўлса ёки суҳбатдошининг фикри маъқул тушса, унинг елкасига бир уриб, «бўпти!» деб қўярди.

1939 йилда Совет Армияси сафига олингандан бўён бир машинада ишлаб келаётган навбатчисининг феълини Иван яхши биларди.

— Қани, кетдик!

Дўстлар талайгина йўл босиб, қадимпий сермавж Днепр дарёсига дуч келишиди. Унинг ҳамма кечиб ўтиш имкони бўлган жойларини душман қўриқлар эди. Қўпrikларда қўша-қўша соқчи турар, дарёнинг энсиэроқ ерларидаги қиргоққа миналар кўмиб ташланган эди.

Азим дарё қизғиши рангда, ўшқириб, лапанглаб, лиммолим оқарди. Иигитлар олдида пайдо бўлган катта сув қийин ғов бўлса, бир ёқдан очлик тинкани қуритарди. Қандай бўлмасин Днепрни кечиб ўтиш, Иван тугилиб ўсган қишлоғига етиб олиш зарур эди.

ЮРТ МЕҲРИ

Қишлоқда уларни қандай кутиб олишганини Анюта хола айтиб берди.

— Сизларни бу ерга келганингизни ҳеч ким кўрмадими?— хавотирланиб сўради ота эртасига.

Иван ҳам, Мамадали ҳам елка қисишиди.

— Кўрмаган бўлса керак, тағин ким билади,— деди Иван.

— Сезган бўлганда, шу вақтгача тинч қўйишармиди,— қўшиб қўйди дўсти.

Аслида уларни кўрганлар бор эди. Фашистлар яқинлашиб келаётгани қишлоққа маълум эди. Душман исканжасига олган шаҳар, қишлоқлардан уруш орқасига кўчирилган кишилар, бу ерга келиб, бир кун, ярим кун тўхтаб, ҳамюрлари берган нон-тузни ичиб, еб яна илгарилаб кетишарди. Араваларда ярадорлар, чоллар, ҳомиладор аёллар, қўй, эчки, сигир етаклаган аёллар, қоп, халталарни ортмоқлаб олган ўспиринлар ўтиб туришарди. Улар фашистларнинг бутун кирдикорларини айтиб беришарди:

— Коммунистлар билан комсомолларни, яҳудийларни, қишлоқ советларнинг фаолларини биринчи куниёқ отиб ташлашяпти. Қизил аскарларни тўшакда ётганини ҳам соғ қўйишмайди. Иссик кийим, дон-дунларни қоқлаб олишяпти.

Зиёд куни ҳамма мактаб ёнидаги майдонга тўпланди. Уларни бу ерга И. В. Сталин радио орқали сўзлармиш, деган хабар олиб келганди. У халқни фашист

босқинчиларига қарши умумхалқ қўзғолонига даъват этди.

Ўнинчи синфни тамомлаганларнинг ҳаммаси деярли жангга кетди. Қишлоқда қолган коммунистлар, комсомоллар, билагида куч-қуввати бор кексалар, уй-рўзгор, болалари ташвишидан қутулган аёллар ўрмонга йўл олдилар. Қўйи синф ўқувчиларидан икки бола Қоля Цибульский билан Вания Луговскийлар уларга эргашган эди, қишлоқ советининг секретари қайтарди. Улар қайсарлик қилиб, ўз сўзларида туриб олпшиди.

— Мен бу йигитларни танийман,— деди ўқитувчилардан бири.— Интизомли, иродали болалар. Уларга ишонса бўлади.

Уларни район партия Комитетининг секретари қабул қилди.

— Сизларга шундай топшириқ бор!— деди райком секретари.— Қишлоқда қолиб, ҳамма воқеалардан, ким келиб, ким кетаётганидан бизни хабардор қилиб турасиз. Ҳозир бориб, ўрмон ёқасидаги бирон жойни белгилайсизлар. Бир одам ўртада воситачилик қилиб туради. Воситачи боролмаса, ёзиб қўйиб кетасизлар, вақти билан олинади. Лекин эҳтиёт бўласиз, қўлга тушсангиз, қаттиқ қийнашади, чидайсизми?

— Чидаймиз!— бараварига жавоб беришди йигитчалар.

Орадан кўп ўтмай, қишлоқ ҳувиллаб қолди. Фашистлар катта йўлдан қишлоқни четлаб ўтдилар. Эртасига бўйнига автомат осган тўрт фашист солдат, бир офицер, уларнинг атрофида уч-тўрт шу қишлоқдан чиққан сотқин кеккайиб кириб келди. Улар ҳаммани мактаб биноси ёнига чорлашди. Бир сотқин белорусни оқсоқол қилиб тайинлашди. У шу мактаб биносида иш олиб борадиган бўлди. Дин вакилини кўрсатиб, черковга қатнашни буюришди. Пойлициячилар гуруҳи, комендант тайинланди. Ӯша кундан бошлаб, уларнинг ҳукмидан чиқадиган шахсларга нисбатан қаттиқ чора кўрилиши,

бирон бир полициячига заарар етказилса ўнлаб, юзлаб кишилардан хун олиниши ўқтирилди.

Ўша куни кечаси икки бола белгиланган соатда ўрмон ёқасига боришиди. Қоронгилик қаъридан ўқитувчиларининг таниш овози эшитилди.

— Йигитлар бирон нарса йўқотдиларингми?

— Эчкимиз йўқ!

Болалар хурсанд бўлиб кетишиди.

— Энди йўлдан қурол-ярог ортган машиналар, танклар ўтади, улар қаёққа кетаётганини, сонини хабар қилиб турасизлар!

Иван билан Мамадали келган куни, болалар навбатдаги хабарни етказгани шошилишарди. Кутимагандада Рильковлар уйи ёнида бегона одамни кўриб қолишиди. Унга эътибор бермай бир-бирларини қувлаб ўтиб кетишиди. Ўша заҳоти қўшнининг томига чиқиб, ҳамма воқеани билиб олишиди. Партизанлар бу икки кишидан тундаёқ хабар топишиди. Қаёқдан келишиди, мақсадлари нпма — билишни йигитчаларга топширишиди.

Қишига тайёргарлик кўриш, далаларда пишиб етилган донни йиғиштириб олиш зарур эди. Ўз ҳолича олишга рухсат йўқ. Ўримга тушилмаса тўкилиб кетяпти. Қишлоқ ҳокимларининг қорни тўқ, бу билан иши йўқ. Ўрмон орасида жойлашган бу қишлоққа фашистлар бир тўпланиб келарди-ю, қўлига илинган, кўзига кўринган нарсани аҳолидан тортиб олиб, жўнаб қоларди. Айни замонда фавқулодда учраб қолиши мумкин бўлган газаб кучидан қўрқарди.

Мамадали билан Иван уларнинг кўзига кўринмас, чекиниб бораётган Совет Армияси қисмларига етиб олишни ўйлаб, ўлга ҳозирлик кўришарди. Мамадалининг механизация мактабини тамомлаб, қишлоқ хўжалик машиналарининг устаси бўлиб олганлиги, кейинги вақтда МТСда автомеханиклик қилиб, ҳар қандай машинани тузата олиши қўл келадиган бўлди. У қишлоқдаги ёшу қарининг бирдай фашистларнинг хавфли

«янги тартибларига» қарамай совет жангчиларига ёрдам бераётганини ҳар дамда ҳис этарди.

Иван Рильков Мамадалнинг бу ишга қўл уришини ўйлаб қолди. Қизил Армия сафида бўлганларни овлаоб юрган фашистлар, полиция малайлари ўзбек қизил аскарини сезиб қолишса соғ қўйишмайди. Мамадали эса дехқонлар унинг хизматига муҳтоҷ эканликларини эшитиб, ёрдам беришга аҳд қилди. У бузилиб-ёрилиб кетган комбайнни тузатиб минди. Немис малайлари билан шартнома тузилди. Йиғишириб олинган ҳосилнинг маълум қисми Толикка «касалванд белорус дехқонига» бериладиган, қолганини босқинчилар оладиган, ким ўримда қатнашса у ҳам ишпга қараб ғалла оладиган бўлди.

«Дехқонлар еб-ичиши керак. Йўқ десанг, буғдойзорни ёндиради ёки солдатларини олиб келиб ўриб кетади, қишлоқ аҳолиси донсиз қолади. Яхшиси, ҳарна ёрдам, улушни олай» дея кўнглидан ўтказди «касалванд белорус»— Мамадали ишга кириди.

Қишлоқ аҳолиси донни душманга бермасликка, йиғишириб олинган ҳосилни тезда янчиб, оиласарга тарқатишта, яширишга қарор қилиди. Бу ниятнинг амалга ошиши Мамадалига боғлиқ эди. У донни янчиб, одамларга ошириб бериши керак. Буни оқсоқол ёки полиция сезиб қолса, у соғ қолмасди. Шунинг учун ҳеч ким бу қалтис қарорни ботиниб айтольмасди. Орқаворатда эшигтан Мамадали, юртга ўзининг розилигини билдири: «Кунда кунда ўлгандан, бир кунда ўлган яхши!»— деди. Мақсад ушалди. Бу гап партизанларга маъқұл бўлди.

Бу воқеадан кейин қишлоқ аҳолисининг Мамадали Топиболдиевга бўлган меҳри ортди. Посиревликлар уни душман кўзидан асрай бошлади. Бироқ қилаётган иши Мамадалини қониқтирмасди. Қунлар, ойлар имиллаб бесамар, мазмунсиз ўтайдандек туюларди. Энди у кечалари қаергадир кетадиган одат чиқарди.

Бир куни кўприкни қўриқлаб турган икки немис соқ-чисининг ўлдирилгани ҳақидаги хабар қишлоққа яшин тезлигига тарқалди. Иван ер остидан Мамадалига қаради, у гўё ҳеч нарса билмагандек бамайлихотир овқатланарди.

Демак, шунинг иши,— кўнглидан ўтказди Иван.— Бошқа одам қилган бўлганда қизиқарди. Аммо бундай қилиш хавфли-ку! Бирлашиб ҳаракат қилишга ўтишимиз керак.

Шу пайт Иваннинг онаси Анна Васильевна гап бошлаб қолди.

— Толик, ўғлим бирон нарсадан хафа бўлиб қолдингми! Нега нашъянг паст. Устига-устак, уйга алла-маҳалларда келасан. Ёки бизнисида туриш сенга ёқмаяптими? Уялма, айланай айтавер, эҳтимол бирон қизга муҳаббатинг тушгандир? Ундан бўлса тортинимай очиғини айта қол, уйлантириб қўяйлик. Турмушингдан кўнглинг тўлмай юрганига, мени ҳам дил чироғим ёри-маяпти.

— Қизиқмисиз, онажон! Нимадан хафа бўламан?.. Эгним бут, ётоғим шай, яна нимадан ҳам ранжийман? Ҳаммаси жойида.. Уйланиш — бўлса қочмайди. Уруш тугасин, туғилган қишлоғим Зоҳидонда яхши кўрган қизим бор, насиб этса мен ўшаникиман. Хат олишиб турардик, урушдан аввал... Шу бир ишга киришганман, шунинг учун кечроқ келяпман, холос. Сиз ташвишлана-верманг, онажон.

— Толик, маслаҳатли гап бор!— деди Иван. У партизанлар вакили билан учрашганини, уларга қўшилишини айтмоқчи эди.

— Эшилдингми, Москва оstonасида фашистлар қақшатқич зарбага учрапти.— У қувончини яшиrolмади. Сўнг, ёлғиз ҳаракат қилиб узоққа бориб бўлмаслини тушунтирди. Улар ташкил топаётган партизанлар отрядига бориб қўшилишга аҳд қилдилар. Дон бир кеч-

да ғойиб қилингач, Мамадали ҳар кимницида яшири-ниб кун кечиради.

1942 йилнинг кўклинида Посирево қишлоғини фашист жаллодлари зич қуршаб олишиди. Ҳар бир уй, ҳар бир бурчак тинтуб қилинди. Мамадали, бир неча киши билан қўлга олиниб, Круглое деган жойдаги гарнizonга жўнатилди. У ерда тиканли сим билан ўралган лагерга тиқилди.

Мамадалини сўроққа чақирган фашист-офицер ўзини мусичадек беозор кўрсатишга уриниб, деди:

— Сиз, ўзбек экансиз, мусулмон экансиз, бу ғайридинларни деб ўзингизни қийнаб нима қиласиз. Бизнинг ўзбеклардан гинамиз йўқ. уларга озор ҳам бермаймиз. Қелишиб олсак, олий вазифа эгаси бўлласиз, янги озод Ўзбекистонда. Бир оғиз сўзингиз керак, холос. Қаерда, қанча партизан бор?

— Мени маъзур тутгайсиз, ҳамма ишни қилганман, лекин бир ишни қилмаганман, бундан кейин ҳам қилмоқчимасман. У ҳам бўлса — сотқинлик! Кейин...

— Нима кейин,— ўзини бошқа тутолмади фашист.

— Кейин, этни тирноқдан, ажратиб бўлмайди, дейди ўзбек халқи. Биз — русми, украинми, ўзбекми — бир тан, бир жонмиз...

— Бас! — фашист офицери юз-кўзи аралаш мушт туширди. — Олиб чиқинг биз этни тирноқдан ажрата олишимизни кўрсатинг, тирноқларини олиб қўлига беринг!

Бу хабарни эшитиб Анна Васильевнанинг дарди дунёси қоронғи бўлди, юрак-бағри ўттаниб кетди. «Қандай бўлмасин кўришим, гаплашишим керак!» аҳд қилди она. «Бу ёлғиз эмаслигини сезсин, мен — онаси ёнида эканлигимни, ҳис этсин! Бу унга далда бўлади». Анна Васильевна соқчиларнинг ичидаги иккитаси мол-дунёга ўчлигини суриштириб билди. Бисотидаги қўлга илингудек нимаси бўлса ҳаммасини тугди. «Бу билан рухсат ололмасам нима қиламан?» деб ўйлаб қолди у. Отаси-

дан қолган бирдан-бир совға — олтин ён соат ёдига тушди. Бу соатни у севимли эри янги күёвлигига сўраганида ҳам бермаган эди: «Ўўқотиб қўясан! Уни кўрсам дадамни кўргандек бўламан», дерди. Соатни олиб ўпдида, чўнтағига солди. Соқчи бўғчанинг ўзигаёқ кўнди. Она совға-саломини Мамадалига, тиканли сим орқасидан узатди.

— Ўғлим бардам бўл, қизиққонлик қилма, сени бу ерда узоқ қолдирмаймиз!

Тутинган онасининг ўз жонидан, боридан кечиб, кўргани келгани Мамадалига қаттиқ таъсир қилди, бир кучига минг куч қўшиб юборди. Анна Васильевна уйга келиб кийимларини алмаштириб ҳам улгурмасидан нафаси бўғзига тиқилган Мамадали оstonада пайдо бўлди.

— Қочиб келяпман, ойи. Соқчини бўғиб ташладим. Қочдим,— деди у ҳайратдан қотиб қолган Анна Васильевнани қучиб.

— Кейин гапириб берасан, тезроқ ичкарига кир!— Толикнинг қўлидан тортди она.

— Раҳмат, онажон, энди сизницида қололмайман. Мени сизнинг ўғлингизлигимни билишади. Ҳали-замон келиб қолишади. Партизанлар ҳузурига бораман. Иван билан келишганмиз, ўша ерда учрашамиз. Ҳайр.

Белорус онаси уни дуо қилиб қолди. Чиндан ҳам зум ўтмай фашистлар етиб келишди. Ўйни остин-устин қилиб тинтишди. Охири чол-кампирни олиб кетишди.

— Ўғлинг, қани?

Отани беаёв қўйнашди. Аммо ҳеч нарса билишолмади. Қийноқсиз ҳам хастаҳол чол кўп ўтмай оламдан ўтди. Уйда кампир кичик қизи билан шўппайиб қолди.

ХАЛҚ ҚАСОСҚОРЛАРИ

Иван билан Мамадалига ўхшаб ўз жанговар қисмларидан ажралиб қолган, жангга кетиб улгурмаган

коммунист, комсомоллар, активлар ирмоқдек оқиб келиб, халқ қасоскорлари дарёсига айланарди.

Чегара қўшинларида хизмат қилаётганида урушга кирган, аммо Минск остоналарида чекинишга мажбур бўлган, коммунист командир Герасим Алексеевич Кирпич бир группа разведкачилар билан 1941 йил июлидаёқ Головчино қишлоғига келиб қолади. Лекин бу қишлоқда кўп турмай Шклов райони яқинидаги Ново-Брашченога йўл олади. Бу ерда у маҳаллий активлар билан танишиб, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг 1 юлда чиқарган, коммунистларнинг яширин иш олиб бориш ва партизанлар ҳаракатини ташкил этиш учун жойларда қолиши зарурлиги тўғрисидаги қарорини эшитади.

Ўз разведкачи группаси билан бу ишга машғул кишиларни излашга тушади. Бу пайтда фронт Днепр дарёси орқасида Шарққа қараб борарди. Ўшерикларидан разведкачи Филипп Шваюк, Степан Коняшкинов, Иван Колесников, маҳаллий коммунистлардан Эмиль Антонов ва бошқалар билан бирга Толочин, Орш, Шкловский, Круглое шаҳарларпда, Брашчино, Литовский, Чернов, Старо-Селе, Уланово шунга ўхшаш қатор аҳоли яшайдиган пунктларда бўлиб, шартшароитларни ўрганади. 1941 йил кузида Шклов шаҳар яширин ташкилоти билан алоқа ўрнатади. 1941 йил 20 ноябрида кичкинагина партизанлар отряди тузилади. Отряд ЧК нинг 24 йиллиги шарафига «Чекистлар» деб аталади. 1942 йил январда отрядга Круглянский район Волковичи қишлоғидан 17 киши келиб қўшилди. Фарбий Фронт 4-зарбдор Армиясининг разведка бўлимидан отрядга десант ташланди. Десантчи Виктор Чистяков орқали разведка бўлимига, биринчи бор Шкловск, Круглянский, Толочин районлари териториясида ҳаракат қилаётган «Чекистлар» отрядининг тузилгани ва фаолияти ҳақида хабар юборилди. Кейинги хабарлар бевосита Белоруссия Компартияси Марказий Комитети-

га жўнатилиб, кўрсатмалар олина бошланди. Шундан сўнг отрядга кичик-кичик партизанлар группалари қўшилиб, «Чекистлар»нинг сафи борган сари кенгайди. 1942 йилнинг 17 марта Г. А. Кирпич бошчилигидаги отряд асосида партизанлар бригадаси тузилади. Бригадани Белоруссия Компартияси Марказий Комитети тасдиқлаб унга «Чекист» номи берилди.

Мамадали Толиболдиев собиқ рота сиёсий раҳбари, мордвин Александр Симдянкин командир бўлган отрядга келиб қўшилди.

— Сен бу ерларга қаердан келиб қолдинг? — сўради Мамадали Александран. У ҳам Мамадалига ўшаб душман ҳалқасидан чиқолмай, орқада қолиб кетган экан. Шу вақтгача белорус қишлоқларда ватанпарварлар ёрдамида яшириниб юрибди. Март келиши билан ўн бир киши бригадага келиб қўшилибди.

Ўрмон жангчилари ҳаракат доирасини тобора кенгайтирадилар, стратегия жиҳатидан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган Могилев — Орша — Толочин йўналиши бўйлаб жанг қила бошладилар. Фарбдан-Шарққа, Шимолдан — Жанубга хабар етказувчи душман алоқа воситалари шу ердан ўтарди. Партизанлар душманнинг кичи-кичик группаларига ҳужум қиласар қурол-аслаҳа омборларини портлатардилар. Партизанларни маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватларди. 1942 йилнинг июлида «Чекист» партизанлар бригадаси сафида мингдан ортиқ ҳалқ қасоскори жанг қила бошлади. Штаб Толочинск районининг Воронцевичи қишлоғида жойлашган бўлиб, партизанлар таъбирича «пойтахт» деб аталарди. Партизанлар оғир жанглардан кейин шу ерда дам олишар, шу ердан жангга кетишарди. Александр Симдянкин бошлиқ отряд бригадада алоҳида ҳурмат билан тилга олинарди. Бу отряд энг мушкул топшириқларни бажаарарди. Биргина отрядда эмас, балки бутун бригадада Мамадалининг олдига тушадиган разведкачи, довюрак жангчи йўқ эди. У ҳеч нарсадан тап тортмас, ҳар

қандай шароитда идрок билан, мардонавор ҳаракат қиласарді. Ү ўлжа олган пулемётини қўлидан қўймасди. Үнинг ботирлигига, ишни қўзини билиб ҳаракат қилишига, ҳамма партизанлар тан беришарди. Қечалари ўн-ўн беш чақиримга кетиб қолар, қимматли маълумотлар олиб келарди. Қўпинча кавказча қора чопонини кийиб, тўриқ отга миниб елиб юрарди. Шу туришда у худди Қазбекка ўхшаб кетарди. Қазбек тоғидек метин иродали, эл-юрт баҳти учун кўқсини қалқон қилган бу жасур йигитни ҳамма Қазбек деб атай бошлади.

Отрядда йигирмадан ортиқ миллат вакили жанг қиласарди. Партизанларнинг бекиёс ҳурматига сазовор бўлган, катта обрў қозонган отряд командири мордвин Александр Федорович Симдянкин ўз иши, шахсий намунаси билан бу дўстлпкни мустаҳкамлаб борарди. Отряд комиссари Шклов район Старо—Селе қишлоғида туғилган белорусс Федор Иванович Букштинов эди. Собиқ қиравчи-учувчи рус Виктор Богомолов, украин Николай Опонасенко, қозоқ Мусул Мажитов, татар Султон Мурмаҳмет, удмурт Яков Гусев, асетин Данил Айдаров, чуваш Иван Данилов, марий Иван Христолюбов, қолмиқ Илдерхон Умахонов, яхудий Муля Ельканич бирга-бирга жанг қилишар, вайрон бўлган шаҳарлар, ҳалок бўлган дўстлари, бевақт тул қолган аёллар, етим гўдаклар учун, топталмоқчи бўлган эрк учун душмандан қасос олишарди.

Мамадали Топиболдиевнинг номини машҳур қилган, үнинг катта ишларга ҳам қодир эканлигини исботлаган воқеа партизанлар сафига қўшилганидан кейинги ҳафтадаёқ юз берди. Навбатдаги разведкага борган Мамадали Жукнево қишлоғига жойлашган фашистлар хунрезликни, ёвузликни ҳаддидан ошириб юборишганини, сал шубҳаланган одамни қамаб, қийноққа солаётганини, атрофдаги қишлоқларни талон-тарож қилишашётганини аниқлади.

«Бу қутирган аблаҳларнинг адабини бериб қўйиш керак!» ўшандаёқ кўнглига тугиб қўйди Мамадали. Отрядга келиб ўз режасини айтди.

Эртасига тонг палласи гарнizon жойлашган ердан бир километрча беридаги Максимово қишлоғига уч партизан кириб келди. Улар мост кишилардек чайқалиб, бақириб-чақиришар, дехқонларнинг уйига кириб, бўлар-бўлмас гаплар айтишарди. Улар гўё бу ерларда «фашистлар ҳокимлик қилишини унтиб қўйишганга ўхшашарди. Қишлоқ оқсоқоли одамларнинг кўзини шамғалат қилиб аравада гарнizonга хабар қилишга жўнади. Унинг ҳам, фашистларнинг ҳам хаёлига гарнizonдан сал берида қишлоқ йўлидаги чакалакзорда партизанлар пистирма қўйгани келмади. Гарнizonдан чиқиб келган ўн саккиз фашист Максимово қишлоғига шошилинч йўл олди. Чакалакзор ёнидан ўтаетгандаридан Мамадали Топиболдиев ўрнидан озод турди-да, қўл пулемётини сайратди. Душманлар ҳатто қаршилик кўрсатишга ҳам улгурishмади.

Толочино қишлоғига борганд Мамадали ишончли кишилардан фашистлар қишлоқларни талашаётганини дон-дун беришдан бош тортган кишиларни жабрлашаётганини билиб олди. Партизанлар бу қирғинни олдини олишга киришишди. Немислар йўлига пистирма қўйилди. Мамадали Топиболдиев Зайкова тегирмони яқинидаги Толочин—Лаговшина йўлида етти киши билан турарди.

Тонготарда отряд командири А. Симлянкин жойлашган ерлари жанг учун унча қулай эмаслигини англаб, Мамадали Топиболдиевга партизан Сашка Шиток билан йўлни нариги бетига ўтишини буюрди.

Мамадали эндиғина катта йўлнинг четига чиққанда, кутилмаганда муюлишдан юқ машинаси кўринди. Машинани тўлдириб ўтирган фашистлар Мамадалини кўриб «Партизанлар» деб бақириб қолишиди. Мамадали саросимага тушмай кўчани ўртасида тик турганича пу-

лемёт тепкисини босди. Машинага қараб кетма-кет граната ирғитди. Чакалакзорда бекиниб ётган партизанлар ҳам душманга ўқ селини ёғдирдилар. Бир зумда йнгирма етти немис солдати қириб ташланди. Партизанлар машина маторини, қурол-яроғларини, ҳужжатларни олиб, кўздан ғойиб бўлишди.

ЯНГИ ЙИЛГА «СОВФА»

— Ўртоқ командир,— дея Александр Федоровичга мурожаат қилди Мамадали.— Рухсат берсангиз янги йилни немислар билан кутсак.

Командир ўйланиб қолди. Мамадалининг кўнглида қандай нияти борлигини кўзларидан уқиб олмоқчи бўлгандек синчков боқди. Тиниб-тинчимас йигит. Душманга бир нафас ҳам тинчлик бермаса... қаердан оларкин-а, шунча ғайратни?..

— Үзи нима гап?

Улар анча гаплашиб ўтирилар.

— Бўйтими!— деди Мамадали режасини лўнда қилиб тушунтириб бераркан.

Мамадали белорус йигити Толя Мачаховский икковлари Орша яқинидаги Хими қишлоғида яшовчи комсомол қизлар билан олдиндан гапни бир жойга қўйиб, режани пухталаб олишганди. Қизлар янги йил кутиш баҳонасида қишлоқ чеккасидаги уйга уч немис офицерини меҳмонга чақиришди.

«Меҳмон»лар бехавотир кайф-сафо қилиб, яйраб ўтирганларида оstonада пулемёт ўқталган Мамадали билан Толя пайдо бўлди... Фашист офицерларининг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Биттаси юрак ютиб эндиғина қўлини биқинидаги тўппончасига узатмоқчи бўлган эди Мамадалининг гурзидай муштидан гурсиллаб ерга қулади. Икковлашиб немисларнинг қўлини боғлаб, янги йилга «совфа» қилиб бригадага олиб келишди.

«ХУДО ЁР БУЛСИН»

Могилев областининг фашистлар ишғол қилиб турған қишлоқларидан бирига разведкага келган Қазбек бозор атрофида немислар бошлиқ ўттиз киши хона-донларни талаб, бор ем-хашакни аравага ортиб олиб кетаётганини эшитиб қолди. Отрядга хабар бергунча вақт бой берилади, улар кетиб қолишиди. Ўт очай деса шунча одамга бир ўзи бас келолмаслиги аниқ. Нима қилиш керак? Вазият танг. Тезлик билан аниқ бир қарорга келиш керак. Агар бирор чора тополмаса дарҳол изига қайтгани маъқул. Мамадали ҳали аниқ бир қарорга келмай туриб ўйларни паналаб бозор томонга бораверди.

Ўйлардан бирининг томига чиқиб душманни кузата бошлайди. Охирги бурда нонидан ажралаётган онанинг ёлбориши, қўндоқ билан уриб йиқитилган чолнинг фарёди, тўсатдан уйга бостириб кирган кишиларнинг ёвузлигидан қўрқан гўдакларнинг йиғиси Қазбекнинг қулоқларига «Қутқарсанг-чи!» дегандек эшитиларди.

— Режа, режа тузиш керак!— дея бир зум ўйланиб турди. Сўнг,— Бўпти!— деди тиззасига бир муштлаб ўрнидан тураркан.

Дарвоза ёнида турган немис солдати тепадан елкасига тушган кишининг зарбасидан тил тортмай ўлди. Томдан сакраган довюрак шартта ўрнидан турди. Жасаднинг устига томдан олиб тушган пичанини ташлаб, қўшни эшикка ўзини урди. Шу лаҳза унинг рўпарасида қорачадан келган бир киши кўринди. Унинг орқасидан чинқалиб чиққан кампирнинг сўзларп қулогига чалинди.

— Шу икки дона тухум билан бари бир тўймайсан, ўтиниб сўрайман, ялинаман лоақал биттасини қолдириб кет! Онасини ўлдирдиларинг, боласини ҳам йўқ қилмоқчимисан! Шу тухум билан тириқ, шўрлик... Лоақал биттасини қолдир!..

Шунча ялиниш, шунча илтимос тош юрагини заррача эритмаган киши Қазбекнинг залворли муштидан умбaloқ ошиб тушди.

— Нима? «Худо ёр бўлсин!»— ерда чўзилиб ётган кишининг енгидаги, ёқасидаги сўзларни такрор ўқиди:—«Худо ёр бўлсин!»..

Демак, унинг чеҳраси таниш кўринганича бор эканда. У — мусулмон, ўзбек ёки тожик бўлиши керак...

— Менга қара, ҳой инсон! — Қазбек неча йиллардан бери биринчи марта ўз она тилида гапирди.— Кимсан?

Ерда чўзилиб ётган киши фуфайка, этик кийган одамнинг соф ўзбек тилида гапиришидан таажжубда.. Ўзини ўнглаб олгач, тилга кирди.

— Яширининг, ичкарида фашист бор!— деди у.

— Неча киши?

«Қазбек»нинг саволнга у ўнг қўлининг кўрсаткич бармоини кўрсатиб, «бир» ишорасини қилди. Қазбек «Кетма, остона ёнига яшириниб тур!»— деди-да, яшириниш ўрнига ичкарига яшиндек стилди. У кирди-ю, қаттиқ бир қичқириқ эшитилиб тинди. Шу заҳоти қайтиб чиққан Қазбек, остона ёнидаги кишини ичкарига имлади.

— Кимсан, нима қилиб юрибсан бу ерларда? «Худо ёр бўлсин!» деганинг нимаси? Тез гапир!

— Биз, душман қуршовида қолган ҳарбий асиirlармиз. Бизни ҳаммаёқдан йиғиб келиб, бўлажак миллий армиянинг, яъни «Туркистон легиони»нинг командирлари бўласизлар, «Худо ёр бўлсин!» сизнинг шиорингиз, деб қўйнаб, ишлатиб юришибди. Йингирма етти кишимиз, учта немис қўриқлаб келган бизни...

«Демак, немис солдатидан яна бири қолибди-да!»— кўнглидан ўтказди Қазбек.

— Уларга сотилганлар кўпми ораларингда?

— Йўқ, уч-тўрт киши, холос.

— Йоп, мен буюрган ишни қўл! Ма, буни ол!— у ўл-

дирган фашист солдатининг автоматини узатди. Ёқангдаги билан этагингдагини йиртиб ташла!

Улар пешайвонга чиққанда, ҳамма ҳашак тагидаги ўлган фашист тепасида тўпланиб турарди. Осмонга отилган автомат ўқининг товушини эшитиб, ҳамма ўгирildi.

— Қўлингни кўтар!

Улик тепасида турган фашист солдати асир олинди.

Талаб олинган нарсалар эга-эгасига қайтарилиди.

— Сизларни ким деб аташга ҳам ҳайронман,— деди Мамадали қўлини кўтариб турган легиончиларга.— Ҳа, майли, келажак кўрсатади. Ўзингизни оқлайдиган бир йўл бор, у ҳам бўлса, мен билан бирга ўрмонга бориб, душманга қарши курашиш.

— Отиб ташламайсизларми?

— Үндаи қиладиган бўлсак, ҳозир тинчитмасмидим. Мақсад — ёрдам бериш. Адашган бўлсангиз — қайтариш, мажбур қилинган бўлсангиз — қутқариш. Бўлди гапни чўзманг...

Улар қароргоҳга етиб келганларида кузатув пунктидагилар тўсатдан жанговар теревога эълон қилдилар. Ҳамма тезда мудофаага ҳозирланди. Ўзоқдан немис солдатлари қуролсиз, хотиржам келишарди. Орқада, аравада тиззасига пулемётини қўйиб олган Мамадали ўтиради. Воқеа маълум бўлгач, партизанлар анчагача кулиб юришди, легиончилар отрядга қабул қилинди. Улар ўзларига билдирилган ишончни оқладилар.

КИРА ҲАҚИ — ҮЛИМ

Қутқарилган ҳарбий асирлар билан тўлдирилган партизанлар отряди озиқ-овқатдан қийналиб қолди. Энг яқин аҳоли пункти улар жойлашган ўрмондан 20 километрча узоқда эди.

— Ўртоқ командир! Рухсат этинг, мен қишлоқقا

бориб керакли нарсаларни топиб келаман!— деди Мамадали.

Отряд командири А. Ф. Семдянкин унинг уддабуронлигига ишонарди. Шунинг учун бу таклифга рози бўлди.

Мамадали қишлоқ яқинидаги ўрмонда ўтина қирқиб юрган чол билан учраши.

— Фашистлар йўқми, отахон?— оҳиста сўради Казбек. Чол улар қаергадир тўпланиб кетишганини айтди. Партизаннинг нима мақсадда келаётганини билгач, қўлидан келганича ёрдам беражагини айтди.

У хонадонларга кириб, ҳоли-қудрат ёрдам қилишни сўрарди. Лекин йиғиб чиққан нарсаси бир бурда қотган нон, тарашадек бир тилиш гўшт парчаси бўларди холос.

— Бўлса жонимизни ҳам аямаймиз! Жуда уятли бўлди-ку!— ҳамма шундай дерди хижолат тортиб.

— Душманлар исканжасида азоб чекаётган қишлоқ-қа берган ёрдамимиэми, бу! Қўйинг ота, уларни уялтирунган. Бошқа бир иш бор, ўшани қиласмиш! Бўптими? Бўпти!— деб қўлини отанинг елкасига қўймоқчи эди, чолнинг қордек оппоқ соқолига кўзи тушиб, чап қўлига «қарс» этиб урди.

Мамадали отанинг уйида тунаб қолишига қарор қилди. Уйга киришаркан, мезбон олдинроқ даҳлизига ўтди. Чап қўлдаги уйнинг эшигини зичлади-да, қўшни хонага таклиф этди партизанни. Буни дарров англаган йигит чолнинг сирини билгунча ўзини эҳтиёт қилиб ўтишга аҳд қилди.

Ўтиришгач, нариги уйдан қандайдир бўғиқ овоз эши-тилиши билан, уни босиш учун чол йўталарди. Мамадали чол билан жиндай ичгач, яна ҳам сиқилиб кетди. Отанинг «йўтали» борган сари зўраярди. Нима гаплигини сўрасаммикин ё сабр қилсаммикин? Сабр қилганим тузук, чолнинг бирон нияти бўлса, сезганимни билдириб қўяман. Бирон киши яширинган бўлса, ғойиб бў-

лишга сабабчи бўламан. Яхшиси... бўпти!— у шу қадар эпчиллик билан қўшни хонага ўзини урдики, «олинг, олинг» қилиб ўтирган мезбон йўлини тўсишга ҳам ул-гиролмай қолди. Каравот этагида ўтирган муштипар она дарҳол чойшабни ёзиб бир чеккасига чўзилиб ётди. Ичкарига кирган йигит, бу ҳаракатдан гумонсиради: узр сўраб, чойшабни кўтарди. Она яшираман деб, чалқанча ётмоқчи бўлиб ўғирилган эди, чойшаб ёпиниб ётган кимса оғриққа чидамай инграб юборди.

— Йўқ, йўқ, бермайман! Бу ердан йўқол! Кўзимга кўринма!— она гёё бутун вужуди билан каравотдаги кишини яширади.

— Ким бу!— деб сўради йигит бўсағада қалтираб турган чолдан.

— Ўғлим, азизим, ўғлим! Куни кеча келди. Қўли жаҳоратланган. Бўлмаса, сенга айтардим...

— Айбга буюрмайсизлар, мен бошқа хаёлларга бориб, сизларни безовта қилиб қўйдим! Узр, қани, юринг ота,— қўлини кўкрагига қўйиб, таъзим билан чиқди партизан.— Нега, энди очигини айтиб қўя қолмадингиз?

— Энди болам, ҳар хил одам бор, ҳозирги вақтда...

— Очигини айтаверинг, отахон, мен Қазбек бўламан!

— Қазбек?!— ўрнидан туриб кетди ота.— Сен-а? Оббо азамат-эй... Кел, бошқатдан кўришайлик! Ҳали юзларча фашист билан олишиб, қишлоғимизни ёнгиндан сақлаб қолган йигит мен бўламан дегин? Эшелонни ағдариб, озиқ-овқатини деҳқонларга бўлиб берган ҳотатмой мен бўламан, дегин? Нега ўзинг кимлигингни танитмайсан? Сени бошимизга кўтарсан арзийди...

— Бўлди, бўлди! Қалай, қўли тузукми, ўглингизнинг?

— Ҳамма гап шунда-да! Дард зўрайяпти! Доридармон йўқ. Билганимизча, туркана дори қилиб турибмиз, бўлмаяпти.

— Қани кўрайлик-чи!— деди-ю, Қазбек ярадорнинг

қўлини кўздан кечиракан, танишиб ҳам олди. Оила жамул-жам бўлиб дастурхон атрофига ўтиришди.

— Толик, сенга мен ҳақимда келган заҳотинг айтишмаганига хафа бўлма. Ҳозир бирорвга ишонадиган замон эмас. Яқинда бир гапни эшитиб жуда ҳайрон қолдик.

Уруш бошланмасдан олдин, овчилар союзида ишлардим. Овчиликни касб қилиб олган кишилар қатори ишқибозлар ҳам келиб туарди. Уларнинг ичида Толочин станциясига яқин бир нефть базасининг директори, Андрей Дорошков деган одам бўларди. Үзи коммунист эди, тузуккина кўринарди. Кечагинда эшитсам, Толочин қишлоғига бургомистр бўлиб, фашистларга малайлик қилаётган эмиш!

— Ноилождан мажбур бўлгандир!— луқма ташлади Қазбек.

— Қайдам, ишқилиб душман билан оғиз-бурун ўпшиб юрган эмишда...

— Майли, тузалавер-чи, бир маслаҳатли иш бор. Үшани қиласан. Шунда нималиги маълум бўлади. Бўпти! Эрта-индин врач ҳам келиб қолади... Алламаҳал бўлиб қолди, энди ётсак...

* * *

— Қоп борми?— деб сўради Қазбек нонуштадан кеин чолдан.— Бўлса олиб юринг. Бозорга бориб келамиз. Қетини ўйламаган сотқинлар, ортиқча нарсасини сотгани олиб чиқишиади...

— Немислар ҳам келади бозорга. Яна бир фалокат юз бериб ўтирмасин, болам. Кечагидек, оз бўлса ҳам халқдан йига қолайлик...

— Юраверинг отахон...

Бир қоп ҳар хил емишни орқалаб олган йигит Толочин районидан партизанлар отряди турган томонга қараб йўл олди. Эллик-олтмиш қадам чамасида йўл босган эди ҳамки, орқадан автомашина келиб қолди.

Унинг кузовида 15—20 чоғли фашист солдати ўтирибди. Аксига олиб унинг ёнига келганда машинанинг баллони тешилиб қолса бўладими! Шофёр терлаб-пишиб уни тузатиш билан овора, солдатлар эса бир-бираига алланарсаларнг ҳикоя қилиб, хаҳолаб кулишарди.

— Тўхта!— деди кабина эшигини очиб турқи совуқ немис офицери. Казбек қопшинг тагидан кўтармоқчи бўлиб, этигининг қўнжидаги гранатани ушлаб қўйди...

— Қаерга кетяпсан?

— Круглянскийга, уйга — жавоб берди Казбек,— бозорга келгандим!

— Фидиракни қўйишиб юбор! Йўл-йўлакай ташлаб кетамиз.

Хаш-паш дегунча фидиракни ўрнатиши. Машина йўлнда давом этди. «Белорус деҳқони» бора-боргунча солдатларга эрмак бўлди. Бу камситишлар, хўрлашлар, унинг ғазабини қайнатар, бирор ножўя гап айтиб юборишидан ўзини баъзўр тийиб ўтиради. «Деҳқон» қишлоғига буриладиган жойга етганда қопини пастга ташлади-да, машинани тўхтатишларини илтимос қилди. Машина секинлагани ҳамон сакраб тушди-да, қўнжидаги гранатани олиб улоқтириди. Ўзи эса жон ҳолатда сойликка қараб сакради.

ЖОН ШИРИНМИ, ПУЛ!

Қўлидаги жароҳати тузалиб кетган Владимир Завадский ҳам Казбекнинг тавсияси билан партизанлар отрядига кирди. Бир куни Казбек Владимирни ёнига чақирди.

— Эсингдами, Володя? Бургомистр Андрей Дорошковни танийман дегандинг.

— Бўлмаса-чи! Қани энди, душманга йўл кўрсатадиган кўзларини ўйиб, уларнинг гапини маъқуллайдиган тилларини сугириб олсам...

— Намунча қизишишасан? Шошқалоқлик қоқилтира-

ди, дейдилар бизнинг ўзбеклар. Арқонни узунроқ ташлаш керак, дўстим. Менда бир фикр бор. Шунга сен нима дейсан...

* * *

Ҳар хил ташвиш билан бургомистрнинг қабулига келган кишилар қатори Владимир ҳам навбатга турди. Шу пайт деразадан ташқарига назар ташлаган Андрей Дорошков, эшикда ўтирган фашистга ҳаммани ҳайдаб юбориб, Владимирни чақиришни буюрди.

«Қўлга тушдим,— деб ўйлади у,— гаплашиб, жўнатадиган бўлса, бошқаларни нега тарқатиб юборди».

— О, кел оғайни! Қандай шамол учирди!— деди бургомистр самимий оҳангда. Владимирнинг нохуш турганини кўриб, қўшиб қўйди.— Расмиятчилик, нола ва фифон жонимга тегди, оғайни... Кел, бир отамлашайлик.

— Бажонудил, чақир, ановининг ҳам ўтирсин!— Владимир соқчига ишора қилди.

— Иўқ, иўқ... Қўйвер уни. Тўғри кулсак ҳам, тушуммай қўнглига келиши мумкин.

Ёлғиз қолишгач, партизан ўзи олиб келган саватни очиб, «шунчаки кўргани келганини» айтди.

«Қиттай-қиттай» қилишиб, бир оз ўёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, Владимир секин мақсадга кўчди.

— Шу қадаҳни Ватанимизнинг ғалабаси учун кўтарсак!— деди у синамоқчи бўлиб.

— Ундай қалтис гапларни гапирма бу ерда!— бургомистрнинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетди.— Акс ҳолда ҳозир тегишли жойга бериб юбораман сени...

— Бошига урсинми мени? Ўнг қўлим ишламаса, партизанлик қиласам...

— Жим!.. Жиннимисан! «Партизан» сўзини оғзингга олиб нима қиласан?

Анчагина яна бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида гаплашиб ўтириши. Владимир яна гапни муддаога бурди.

— Шу дейман, бизниклар бу урушда ғолиб чиқса ҳолимиз нима кечаркин? Яхиси, партизанларгами,

яширин ташкилотгами, озми-кўпми қўлимиздан келганча қўмаклашиб турсак... Бунга қандай қарайсан, Андрей?..

— Мен сенга бу ҳақда вайсама дедим-ку! Агар қайта әшитсам, мендан гина қилма, ўзингни жаҳаннамда кўравер!

— Ҳўп, хўп! Шунчаки айтяпман-да. Станцияга қачон әшелон келиши, Москва-Минск йўлидан қачон ҳарбий қисмлар ўтиши, ҳали ўзинг айтдинг, аввал сенга маълум бўларкан, ҳаммасини бўлмаса ҳам, баъзисини етказиб қўйсанг бас, бошқаси билан сенинг ишинг бўлмасин. Менга барибир-ку, партизанлар ўқидан ҳоли қолармидинг дейман-да! Ҳар қалай буёғини ҳам пишифлаб қўйганинг яхши бўлармиди, дейман-да...

— Бас қил! Хоҳласанғ ўзинг бор! Мени тортма бу ишга. Улардан нима фойда? Ботқоқликларда, ўрмонларда, бола-чақадан узоқда қийналиб юрайми? Йўқ, беш кун бўлса ҳам одамдай яшай!

— Одамдай ўлимни ҳам ўйлаш керак эмасми?

— Бас, ҳаддингдан ошяпсан!

— Кечирасан, кўнгил ёзай деб келсам, зардоб бўлган юрагимни баттар эзадиганга ўҳшайсан... Афсус, иложим қанча. Майли, энди, менга жавоб...

— Айтганингдек қилдим,— деди ҳафсаласи пир бўлиб қайтган Владимир Қазбекка.— Сира кўнмади, кўкка сапчийди хоин...

— Кўнади,— деди Қазбек.— Кўндирамиз!

Улар суҳбатлашиб ўтиришаркан, отряддаги ўртоқлари ҳам даврага қўшилишди. Салга кулиб юборадиган очиқ чеҳрали йигит қизиқчилик қиларди.

— Хужумга отландик,— деди у ҳаракат билан қилган ишини ифода этиб.— Командиримиз «Олга!» дейиши билан, коптоқни қувоётган футболчидек учиб кетибман. Бир пайт қарасам, бўлинмамиздан бир чақирим олдинда боряпман,— у ёнидаги кишига қараб қўзини қисиб, қўйди.— Ҳа бир чақирим. Шу тобда, рўпарам-

дан окоп чиқиб қолди. Энди сакраб ўтаман десам, бир бадбашара фашист автоматини менга ўқталиб турибди. Тепкисини боссами, вассалом, алвидо ёруғ дунё, деявер... Мен бунга қўярмидим? Ҳеч-да! Нима қилдинг, денг! Ўзимни орқага тортиб туриб, бир сакрадим. Қарасам, шундай устига тушибман! Отишга ҳам улгуролмай қолди.

— Йўғ-э!— деди кимдир қизиқсиниб.

— Ҳа, ҳа! Отолмай қолди! Нега десангиз, мендан олдин ўтган жангчи фашистни ўлдириб, жойида қотириб кетган экан!

— Ва-ҳо-ҳо!..

Шу пайт партизанлардан бири Қазбекни командир чақираётганини айтди.

— Бургомистр нима бўлди?— деб сўради командир.

Қазбек Симдянкинга сотқин таклифга қўнмаганини айтди.

— Афсус,— деди командир,— ундан кўп иш чиқарди-да.

— Қўндирамиз,— деди Қазбек ишонч билан.— Яхшиликча рози бўлмадими, энди ўзидан кўрсинг.

Бургомистрни қандай қилиб ўз таклифларига қўндириш ҳақида турли хил режалар тузиб кўришди. Ниҳоят аниқ бир қарорга келишди. Бу қалтис топшириқни амалга ошириш Қазбекка юклатилди.

— Бўлти!— деди Қазбек ўрнидан туаркан.— Мен кетдим!

— Оқ йўл... Эҳтиёт бўл!

* * *

Қазбекнинг назарида, кеч кириши чўзилиб кетгандай эди. Ниҳоят, кутнлган он келди.

— Тайёрмисан, Володя?— сўради разведкачи.— Командирнинг гапи эсингдами? Ё ўлим, ё ғалаба! Кетдик!..

Толочин станцияси одатдагидек фашистлар томонидан қаттиқ қўриқланарди.

— Оғайнингнинг уйи қайси?— деб секин сўради Қазбек. Улар деразадан уй ичкарисини кузатиши. Бургомистр ҳали келмабди.

— Соқчини тинчтайми?— сўради Владимир.

— Хўжайин келгандан кейин!— қатъий буюрди Қазбек.

— Итни нима қиласми?

— Қани ит?

Қазбек уни аллақачон «саранжомлаб, картошка палагига ўраб қўйган эди. «Қачон улгурди экан-а?»— дея кўнглидан кечирди Владимир.

— Келиши билан соқчини тинчтиб, кетма-кет кираман. Хотини, болалари меҳмон билан келганини билишин, яхши кутишсин! Сен — деразадан автоматни пешонасига тўғрилаб турасан. Меҳмон қурол билан келмайди-ку! Тушунарлимий?

— Тушунарли, Толик!

Остонага қадам қўйган хўжайин, соқчининг «Хайл, Гитлер!» деган саломига жавоб бериб ичкарига кирди. Эшик ёпилди-ю, шу заҳоти яна очилди. Даҳлиз чироғини ёққан бургомистр «ҳамроҳи»ни кўриб, қуролига қўл узатди.

— Хотинингиз, меҳмонни ўлдиргани олиб келдингими, деб ўйламасин!— у деразага имлади, у ерда автомат билан тўппончанинг «оғзи» кўринди. Ҳолироқ гаплашиб олайлик.

— Меҳмон билан таниш! Етоққа жой тайёрла!— титроқ овоз билан гапирди мезбон.

— Мен, 25 минг рейх марка, 200 килограмм туз, лавозимни оширувчи омад, муҳташам уй-жой — Қазбекман, ушла, сот хўжайнинларинга!

Бургомистр ранги ўчиб сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Қазбек?!— Дорошков тўппончасига қўл узатди. Қазбек деразага имлади, автомат ҳалигидек пешонасиги мўлжалга олиб турарди.

— Гап бундай, ватанфурӯш хоин, эртадан бошлаб

билганларинг ҳақида бизни хабардор этиб турасан. Тушундингми?— Бургомистрдан садо чиқмади.— Тушу нарлими?— тақрорлади Мамадали.

Бургомистр ўйланиб қолди. Йўқ десам ҳозир ўламан. Бу аниқ. Қабул қилсаму бажармасам-чи! Исталган бурчакдан отилган ўққа учаман. Фашистлар, сирларини очаётганини сезиб қолишиша, нима бўлади! Сезиб қолишиганича яшаб турай-чи, у ёғи бир гап бўлар. Қазбекнинг ўзи келибдими, ҳеч қаерга қочиб қутуолмайман!..

— Тушунарлими?— столпи муштлаб тақрорлади меҳмон.

Мезбон чўчиб тушди.

— Ҳа, ҳа, тушунарли. Кимга, қаерда айтаман?

Қазбек унга аниқ кўрсатма берди.

Кутилмаган меҳмонлар кетиши биланоқ бургомистр деразага ўқ узиб, бақириб, айюҳаннос солди.

— Қимни овляяпсанлар! Гитлернинг содиқ хизмат-чисиними? Овора бўласанлар!

Бир зумда кўча одамларга тўлди. Немис солдатлари етиб келишди.

— Партизанлар!— деди бургомистр темир йўлнинг нариги томонидаги ўрмонни кўрсатиб.— Деразадан пешопамни мўлжаллашган экан, кутилмаганда кўриб қолмаганимда, шу пайтда ўлигимни кўрардинглар. Соқчи қани, уни суд қилиш керак!

Шу пайт соқчининг жасадини олиб келишди.

— Ўрмонга қочди улар! Борсанглар-чи...

Бироқ қайси бир «шоввоз» ўрмонга кира олади!

Тонг отди. Штабга чақирилган бургомистр партизанларга бўш келмагани учун мақталди, сергак турмагани учун, ёнига келган душманни сезмагани учун ажалидан беш кун бурун ўлдирилган солдатга эса ўлим мақбул кўрилди.

— Фюрер армиясига сергак, душманни ҳидидан биладиган довюрак солдатлар керак!— деб вайсади штаб ходими.— Партизанлар кўпмиди?

— Уч-тўрт киши эди чамамда, қоронгида аниқ кўролмадим.

— Ана, айтмадимми?— деди ходим штаб бошлигига мурожаат этиб.— Қазбек — бу ясама от. Партизанлар доим қўпчилик бўлиб юришади. Улар қўрқмас, жасоратли киши — Қазбек номини ўйлаб чиқариб, бизга даҳшат солишмоқчи, парокаидалик туғдирмоқчи бўладилар? Жуда бўлмагандан, ранги, бўйи-басти аён бўлмасмиди? Аслида бу одам йўқ...

Гитлерчилар разведкасининг тажрибали офицерлари ҳам Қазбекнинг кимлигини билишмасди. Унинг қайси миллатга масуб эканлиги ҳам номаълум. Жуда бўлмагандан унинг рус ёки белорус, ўзбек ёки кавказли эканлигини билиш зарур эди.

Ранги қанақа? Оқми, сариқми, қорами? Бу ҳам номаълум. Шуларни билгандан ҳам топиш мумкин бўлармади, деб фашистларнинг хуноби ошарди. Бирон кишининг узоқдан бўлса ҳам уни кўрганини ҳеч ким билмайди. Зероки, Қазбек орқасида жонли гувоҳ қолдирмасди. Шунинг учун ҳам немислар уни кўриш — ажал исканжасига тушиш, деб оловдан қўрқсан йиртқичдек чўчиб турардилар.

Эшелонларнинг ҳар қанча қўриқланишига қарамай портлатишга эришган, немис офицерларини асирга туширгач, ҳаракатдаги армияга олиб борилаётган яроғаслаҳа, озиқ-овқатлар ортилган юқ машиналарини ағдарган Қазбекни фашистлар ҳар қандай қилиб бўлса ҳам қўлга туширишни ўйлардилар.

Шундай ҳаракат қилиб, Қазбекни ушлаш у ёқда турсин, бўйи-бастини, ранг-рўйини ҳам билолмаган фашистлар одамларни пул билан сотиб олмоқчи бўлардилар.

— Ҳа, аслида бу одам йўқ,— тақрорлади штаб ходими.

Шу тобда бургомистр «Бор, бор» демоқчи бўлди. Ҳозир борлигини айтиб, кейинчалик алоқачисини қўлга тушириб, чинакамига бундай кишининг борлиги аниқ-

лангач, 25 минг рейх маркасини қуртдек санаб олишни ҳам хаёлидан ўтказди. Жон ширинми, пул?... Сотқин икки ўт ичиди ёнарди. Аммо пулдан ҳам кўра жон ширинроқ туюлди. Ў хўжайинларидан соқчилар сонини кўпайтиришни илтимос қилиб чиқиб кетди.

СҮНГГИ ҮҚҚАЧА

Жулдур энгил-бош, оёққа чипта ковуш кийган уч «дэҳқон» шалоги чиққан, фидираклари ёғсираб қолган аравада Витебск областининг Воронцевич қишлоғи чеккасидаги ўрмонга «ўтин кесгани» боришарди. Ўрмонга киришлари билан чийилдоқ фашист солдати уларни тўхтатди. Лекин, шу пайт аравадан сакраб тушган Қазбекнинг қўллари унинг оғзини ғиппа бекитди, бўйнидаги автоматни тортиб олди. Унинг ёнига югуриб келган шериклари топшириғига мунтазир эдилар.

— Олег, сўраб кўр-чи, нима қилиб юрибди бу ерда?

Разведкачилардан бири — Олег немис тилини салпал биларди. У командирнинг саволини асирга етказди. Тутқин аввалига индамади. Лекин кейин ўлдирмасликка сўз беришса ҳаммасини айтажагини билдириди.

Маълум бўлишича, у билан изма-из 700 га яқин душман солдати қишлоқни ёндиргани келишаётган экан. У эса эҳтиёт шарт қишлоқда партизанлар бор-йўқлигини аниқлаш учун илгарироқ юборилган экан.

— Олег!— деди Қазбек.— Сен тезда бориб отряддагиларга бу гапни етказ. Биз Қоля билан иложи борича душманинг йўлини тўсиб турамиз.

Қоля ҳали узоқлаб улгурмасиданоқ ўрмон ичиди душман солдатларининг каскалари кўринди.

Ҳалиги фашистдан олинган автомат ҳамда қўл пулемёти икки жойга ўрнатилди. Кутимагандек ёғилган ўқ фашистларни дув тўқди, орқадагилар эмаклаб, дараҳтни пана қилиб кетига тисарила бошлашди.

Кутилмаганда ўқ тугади. Навбат гранаталарга келди. Қазбекнинг гранатага узатилган ўнг қўли ўзига итоат этмасди. Билагидан қон сизарди.

Қазбекнинг хиралашган кўз ўнгидага энди бўйини ростлаб келаётган немислар шарпаси кўринди. У чап қўли билан гранатани маҳкам сиқимлади-да, қулочкашлаб отди. Гранатанинг гумбурлаган овозига орқадан етиб келган партизанларнинг «Ура!» си уланиб кетди.

У юз элликдан ортиқ хонадонли қишлоқ аҳолиси, жанговар дўстлари Қазбекка жасорати учун чин юракдан миннатдорчилик билдиришди.

КАТТА ЕР¹

Катта ер билан мустаҳкам алоқа ўрнатган партизанлар бригадаси барча жанговар топшириқларни муваффақиятли бажаришарди. 1942 йилнинг кузидаги тўсатдан Катта ер билан алоқа узилиб қолди. Зудлик билан алоқани тиклаш керак эди. Шунда отряддан бир кишини Москвага юборишга қарор қилишди. Бутун отряд бир овоздан бу вазифани разведкачилар группасининг командири Мамадали Топиболдиевга юклади.

— Фронт линиясини ёриб ўтиш, фашистлар чангалидан чиқиб кетиш мушкул,— деди солдатлардан бири.— Буни фақат идрокли, довюрак Мамадали эплай олади.

Эсон-омон Москвага етиб келган Мамадали Топиболдиев Белоруссия Компартияси Марказий Комитетига Могилевда фашистларга қарши олиб борилаётган курашнинг тобора кенг қулоч отаётгани ҳақида гапириб берди.

— Қайтишга шошмайсиз,— дейишиди эртасига.— Мина қўпориш ишини ўрганиб кетасиз.

¹ Уруш пайтида мамлакатимизнинг душман эгалламаган територияси «Катта ер» деб аталарди.

Қазбек 1943 йилнинг баҳорида қадрдан бригадасига қайтиб келди.

— Бугун дам ол,— деди бригада командири.— Иш қочмас.

Қазбек «Катта ер»дан олган бир топшириқни командирга айтди-да, руҳсат берса, йўлга чиқишини сўраб. узоқдан эшитилаётган мотор овозларига ишора қилди.

Ўрмоннинг йўлга уланган жойлари фашистлар томонидан кесилиб, тап-тақирилди. Ўнинг устига йўл ёқаси кечаси ҳам улкан прожекторлар ёрдамида кундуздаги топшириқни кўйилган эди. Унинг фойда бермаяпти. Нима қилиш керак? Мамадали у дарахтдан бу дарахт панасига ўтиб, яширганича, қалин ўрмонда санқиб юрган соқчиларни кузатарди. Соқчилар йўл ёқасига яқинроқ келишдан чўчир, имкони бўлса, ўша машиналар ичидаги юришни афзал кўришарди.

Солдатлар навбатни алмаштиришди. Бир соқчи тўсатдан гуп этиб йиқилди-да, думалаб кетди. Қазбек унинг оёғидан тортиб судраб борарди. Бақириб-чақирилмас — оғзига латта тиқилган. Қазбек соқчини ечинтириб, энгил бошини ўзи кийди. Ундан зарур маълумотларни ҳам билиб олди.

Бир неча кундан кейин Катта ердан Қазбекнинг тақдирланганни, партизанлар йўллаган янги маълумотлар аниқ эканлиги хабар қилинди.

Қазбек жанговар топшириқни бажариб қайтганидан кейингина сафар таассусротларини қуролдош дўстларига ҳикоя қилиб берди.

— Москва тинч, осоишига, ғалабани таъминлаш билан банд. Биз партизанлар ҳақида кўп нарса билишаркан. Анчагина совға-салом юборишди.

— Сендан олдин самолёт келиб кетди. Энди, рациямиз бор, Москва — партизанлар штаби билан алоқа ўрнатдик.

— Душман туну кун тинчлик нималигини билмаслиги керак,— деди Қазбек Москвадаги гапни эслаб.— Қўпорув иши нималигини, энди билиб олдим. Эртадан бошлаб дарс ўтамиз, кимки ўрганишни истаса марҳамат.

Эртасиданоқ партизанлар қароргоҳида қўпорув ишлари бўйича машғулотлар қизиб кетди.

Шундан кейин портлашлар илгаригидан ҳам тез-тез содир бўла бошлади. Бугун темир йўл портлатилса, эртаси тош йўлда бораётган душман юқ машинаси осмонга учарди, бошқа куни фашистлар аслаҳа омборларидан айрилардилар.

...Саралаб олинган группа лейтенант Кренов бошчилигига темир йўл томон жўнатилди. Улар темир йўлга мина қўйдилар. Қўп ўтмай фронтга ўқ-дори, қурол-аслаҳа ҳам юзлаб солдат олиб кетаётган поезд кўринди. Қўпорувчилар нафасларини ичига ютиб, портлашни кута бошладилар. Паравоз мина устига етгач, бирдан кўкка сапчиди. Вагонлар бир-бирининг устига мингашиб, гумбурлаб агдарила бошлади.. Қоханово — Толочин йўлидаги бу воқеадан душман таҳликага тушиб қолди. Шунча соқчи, тинмай учнуб, кузатиб турган самолёт, кўз илғамас қўнғироқ чалувчи симлар партизанларнинг йўлини тўсолмаганидан фашистлар ажабланишарди. Шундан сўнг темир йўл ёқасидаги дараҳтлар 100—150 метргача битта қолдирилмай кесилди, ҳамма ёқ текисланди. Темир йўлга олиб борувчи ҳамма йўллар миналаштирилди. Соқчилар ҳамиша қуролларини отишга шай қилиб сергак турардилар. Бироқ портлашлар давом этаверарди. Биргина Мамадалининг ўзи бешта эшелонни яксон қилди, тўққизтасини группа билан ҳамкорликда портлатди. Александр Симлянкин командир бўлган 5-отряд қўпорувчилари 54 фашист составини

ер билан яксон қилдилар. З броневикнинг, 4-ўқ-дори омборнинг кулини кўкка совурдилар.

Разведкачи Қазбек чекинаётган фашистлар мустаҳкам мудофаа ишоотлари қуришга киришганлари ҳақидаги хабарни келтирди. Партизанлар қандай қилиб бўлмасин, душманинг режасини амалга оширишга йўл қўймаслик, уларнинг саросимага тушиб чекинаётгандаридан фойдаланиб қақшатгич зарба бериш режасини ишлаб чиқдилар.

1943 йилнинг 4 сентябрида партизанлардан юз нафар кўнгилли саралаб олинди-да, немис формаси кийдирилди. Улар Смоленск полициячилари сифатида Круглое шаҳридан беш километрча жанубдаги Пригань гарнizonига жанг-жадалсиз кириб боришиди. Бу группага офицер Севостьяннов бош эди. Унга немис тилини яхши билган Совет Армияси офицерлари Кримцев ҳамда Қарпушенек ёрдамчи эдилар. Гарнizonга кираверишда уларни гарнizon коменданти, СС оберлейтенанти Ганци кутиб олди ва нонушта тайёrlигини айтди. Демак «ёрдам келаётгани» ҳақидаги овозалар иш берган. Партизанлар вақтни бой бермай ҳамма ўти очиш нуқталарини аниқлаб, эгаллаб олдилар. Ганц партизанларнинг шубҳали ҳаракатларини кўриб шовқин солди. Жанг бошлиниб кетди.

Қазармалардан чопиб чиқсан фашистлар партизанларнинг ўқига дуч келарди. Отишма овозини эшигтгач, ўрмонда яшириниб турган Қазбек бошлиқ отлиқ партизанлар гарнizonга бостириб кирдилар. Фоят тезкорлик билан амалга оширилган бу операция Совет Армиясига йўл очиб берди.

Улуғ Ватан урушида партизанлар сафида курашган, немис-фашистлари билан бўлган жангларда мислсиз жасорат кўрсатгани учун СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 15 августдаги Фармонига мувофиқ Мамадали Топиболдиев — Қазбекка энг олий унвон — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Мардлик — мангулик, дейди ҳалқимиз. Баҳодир ўзбек йигитининг жондош ва қондош белорус элида, эркесвар белорус ҳалқининг озодлиги йўлидаги қаҳрамонликларини абадийлаштириш мақсадида Белоруссия қишлоқларидан бири унинг шарафига «Топиболдиевка» деб аталди.

Бошига теккан ўқ ҳамда оёғини жароҳатлантирган снаряд парчаси ҳам қаҳрамоннинг гайратини сўндиrolмади.

Қизил Армия қўшинлари Могилев обlastини душмандан озод қилиб, илгарилаб борарди. А. Ф. Семянкин командирлигидаги отряд партизанлари ҳаракатдаги армияга қўшилишди. Улар ғалаба кунигача жангда қатнашиш ниятида эдилар. Бироқ кунлардан бирида командир Мамадали хизмат қилаётган, собиқ партизанлардан тузилган қисм жангчиларини сафга тизиб:

— Транспортдан хабари бор жангчилар икки қадам олға чиқсин!— деб буюрди.

«Танкчилар бўлинмасига ўтказса керак»,— ўйлади Мамадали. Дадил қадам ташлаб у ҳам сафдан олдинга чиқиб, қуролдош дўстларига юзланиб турди. Командир салмоқлаб гапира бошлади:

— Ёвуз душман бошимизга мислсиз оғир мусибат солди. Лекин ўзингиз шоҳидсиз, ниятига етолмади. Адолат енгди! Энди бундан бўён фашизмга нисбатан бўлган қаҳр-ғазабимизни тинч, ижодий меҳнатдаги қаҳрамонликларга қаратишимиш керак. Биз сизни тракторларни бошқаришга даъват этамиз. Қишлоқ хўжалигини кўтариш жангдаги ғалаба сингарп зарур!..

«Ҳалқни ташвишдан холи этиш лозим», ўйларди Мамадали. У Берлинга қизил байроқ қадамай изимга қайтолмайман деб туриб олди. Лекин ҳалқ хўжалигига ёрдам зарурлигидан талаби ўтмади.

Мамадали «оқ олтин» дурданаси билан дунёга донғи кетган гўзал водийнинг Олтиариқ районидаги, туғилиб ўсган Зоҳидон қишлоғига қайтди.

СУЮНЧИ

Хатларни саралаб ўтирган алоқа бўлимнинг ходими ёшина ўспирин ҳаммани ҳайратга солиб, овозининг борича «Йўғ-э!» деб бақирганча ўрнидан туриб кетди. Туморга ўхшаш уч бурчак хатни олиб қишлоқ Совети биноси томон югурди.

— Сўрамайсизми, нима гап экан?— деди квитанция ёзайтган киши.

— Улгуролмадим, чопиб кетди.

Шу пайт кўчадан бояги йигитнинг овози эшилди:

— Тирик, у тирик, тирик!

Бино ичкарисидан қишлоқ Советининг раиси чиқди.

— Суюнчи беринг, у тирик, тирик. Мамадали ака тирик экан, мана хати...

Раис хатни олиб, у ёқقا-бу ёқقا айлантириб кўраркан, бола қўшиб қўйди:

— Мен чисолосини текширдим, янги хат, энди Мамадали акамнинг оналарини олдига ёруғ юз билан борадиган бўлдингиз!— унинг кўзларида ёш филтиллади, томоғига тиқилган нарсани ютиб оҳиста деди:— Дадамдан ҳам келармикан!

— Келади ўғлим, келади. Мана Белоруссия озод этилди, фашистлар тумтарақай бўлиб қочишаپти. Да-данг ҳам бирон ерда жанг қилиб юрган бўлиши керак. Партизан бўлиб кетган ўзбеклар озмунчами.

Мамадалининг ҳалок бўлгани ҳақида қора хат келганда, раис бошлиқ бир гуруҳ кишининг унинг уйига бориб, онаси билан гаплашиб, шум хабарни айтишга тиллари бормай қайтиб келишганини қишлоқда кўпчилик биларди. Шундан ҳам Мамадалининг тириклнги ҳаммани қувонтириб юборди.

— Қадрли дўстлар,— деди йиғилганларга мурожаат қилиб раис.— Ҳамқишлоғимиз Мамадали Топиболдиев ҳаёт экан. Бизни кечиришар, кўпчиликнинг иродаси билан хатни ўқиб бераман:

«Азиз онажон, меҳрибон жигаргўшаларим. Узоқ вақт хат ёзолмаганим учун узр сўрайман. Имконини то-полмадим. Партизанлар сафида эдим, Белоруссияда. Яна Совет Армияси сафига қўшилдик. Энди фашистлар билан рўйи-рост олишадиган бўлдик. Бир кунда чегарагача қувиб бордик. Берлинга тақаб олиб бормай қўймаймиз. Хайр, сиҳат-саломат бўлинглар!»

У хат сараловчи боланинг елкасига қўлини ташлади:

— Хушхабар олиб келганинг учун раҳмат. Суюнчи-сига сенга бир пуд буғдой берамиз.

Раис бошлпқ икки киши Мамадалининг уйига кетишиди.

Одатдагидек эшик ланг очиқ. Она рўпарадаги уйнинг деразасидан йўлга тикилиб ўтирибди. Одам кутилмаган қувончдан ёки ўта хафагарчиликдан оғир аҳволга тушиб қолади, деб эшитган раис хушхабарни дарров айтмаслика қарор қилди.

— Ўй-жойлар ҳам анча тўкилиб қопти,— деди раис салом-аликдан кейин. Қампир бу гапни эшитиб, қўнглидан ёрдам беришга, кўришга келишибди-да, деган фикрни ўтказди. Раиснинг кўзи дераза токчасининг таҳтасига тушдн. Онанинг кўча эшигига термилиб, тирсагини тираб ўтирган жойи ейнилиб, чуқурча бўлиб қолибди.

— Ҳафа бўлманг ая, Мамадалининг уйланишига яхшилаб созлаб берамиз.

— Айтганингиз келсин,— деди кўзлари жиққа ёшга тўлиб она. Сўнг дастурхонга ишора қилди.— Боримиз шу, айбга буюрмайсиз,— у дастурхондаги катта пиёланинг оғзидек иккита зофора нон билан, бир сиқим туршакка ишора қилди.

— Маъқулми, онажон,— деди раис гапни уламоқчи бўлиб.

— Оғзингизга шакар, маъқул ҳам гапми, олдин эсон-омон келишини айтсангиз-чи. Хат-хабар ҳам йўқ-ку!

— Бу уруш-да, ая. Баъзан хатлар вақтида етиб

келмайди. Ҳали почтальон бола Мамадали акамдан хат келди, деган эди.

— А-а?!— она қаловланиб қолди.

— Бизнинг шу ёққа келаётганимизни билиб мендан бериб юборган эди.

— Ростданми?— она ўрнидан туриб кетди.— Қани, қанн ўша хат, ростдан боладанми?.. Билардим, тушларимда аён эди, тириклиги. Нима гуноҳ қилибдики, душман ўқига учиб кетади.

У хатни олиб ўқий олмаса ҳам, ҳарфма-ҳарф кўздан кечирди. Сўнг ҳидлай туриб ўпди. Ўғлининг хати! Бўйи келиб турибди. Болагинаси...— Қампир беҳуш йиқилди.

Мамадали Топиболдиевнинг қайтиши ҳақидаги хабар бутун қишлоқни тўйхонага айлантириб юберди. Область, район партия, совет ташкилотлари Зоҳидондан чиққан қаҳрамонни муносиб кутиб олиш тарааддудига тушишди. Уни қаршилаш учун Тошкентга вакиллар юборилди.

Анчадан бўён чалинмай, занглашга келиб қолган карнай, териси тоб ташлаб қолган ногора ҳам топиб келтирилди. Духовой оркестр созандалари энг қувноқ, тантанавор музика ёзувларини топиб қўйиши. Музика раҳбари хурсанд: илгари минг илтимос, қанча шарт билан зўрға келадиган ижрочилар машқларга бажонидил келишарди. У кейинчалик ўша вақтдаги ижрочилардан бирининг «Қелиш машқини ҷаладиган кун ҳам бор экан-ку!» деб йиглаб юборганини айтиб бергани эсимда.

Ахир, бўлажак осуда дамлардан дарак бериб, тўрт мучаси бут паҳлавон, паҳлавон бўлганда ҳам минг-минглаб ботир партизанлар, қўрқмас жангчилар, довюрак ҳалқ қасоскорлари тан берган, партия ва хукуматимиз хизматларини юқори баҳолаган — Совет Иттифоқи Қаҳрамони қайтарди.

Вокзалда бир пайтларда тутилган, кейинчалик эҳтиёт қилиб асралаётган, бир оз оҳари кетган қизил алвон-

лар, ҳар хил ҳарфлар билан ёзилган катта-кичик шиорлар кўзга ташланади. Вокзал биносининг шаҳарга чиқаверишига минбар қўйилган. Электр қуввати камлигиданми, одат бўлмаганиданми, ўша вақтда керакли асбоб-анжомларнинг йўқлигиданми, ҳарҳолда микрофон ўрнатилмаган. Тантанали митингдан сўнг, Мамадали ўтирган машина Риштонга қараб йўл олди. Йўл-йўлай кексалар, аёллар, болалар уни кузатиб боришидп.

Қаҳрамоннинг келпши қуёш тафтини оширгандек эди. У қалблардаги зафар, дийдор, вафо умиди қўрини янада алангалатди.

Мамадалиларнинг ҳовлисига кичикроқ кўчадан кириб борилярди. Ботирни кўргани, қутлагани келганлар на кўчага, на уйга сиғарди. Мамадали катта кўчада машинани тўхтатиб, шиёда юрди. Остонада она қўринди. Она қувончдан ҳўнграб йиғлар, фарзандини ширин сўзлар билан эркалааб, қайта-қайта бағрига босаркан, Мамадалининг кўзлари она елкалари оша, бир четда қўнтиниб турган қизга тушди. У на йиғлашни, на кулишни, на кўришишни ва на олислаб кетишни билмай турарди. Қимдир, қишлоқ оқсоқолларидан Мамадалини она бағридан узиб қучоқлашиб кетдп. Йигитнинг кўзлари яна ўша оҳанрабоси бор қизни излади. Бу ўша, аҳду паймонида маҳкам турган вафодор қиз. У шунчалар очилиб, гўзаллашиб кетибдики, йигит беихтиёр толеидан қувониб кетди. Одамлар товсилиб, кўришишлар тугади. Икки ёш беихтиёр бир-бирларига интилдилар. Қизнинг орқасидан аёл кишининг «Уят-а!» дегани эшишилди. Қиз лабларини тишлиб, жойида тўхтади. Ерга қараб, эшитилар-эшитилмас «Ассалому алайкум», дедиу орқасига қайтди. Йигит ҳам одоб сақлаб саломлашди. Йигитлар уни тўрдаги уйга бошлашди. У бенхтиёр орқасига қараб қўйди...

Хўжаликда тузукроқ бино юйқлигидай колхозчиларнинг умумий йиғилши Катта Фарғона канали ёқасидаги чойхонада ўтди. Кишилар супалардаги қуроқ на-

матларга, шолчаларга, қолганлари қоқ ернинг ўзига ўтиришди.

Йиғилишга жуда кўп одам тўпланган, шов-шув, ғовур-ғувур авжида.

— Янги раисни бир кўриб қўяйлик,— деди колхозчилардан бири.

— Қуруқ савлатдан қуруқ сават яхши. Иш берсин, қорнимизни тўйғазсин! Оғзимиз тўлиб нон есак деймизда, ахир,— луқма ташлади бошқаси.

— Мамадалими? Ҳали кўрасиз, ҳаммаёқни гуллатворади...

Ҳалқ Мамадалини раисликка унча ишонқирамай сайдади.

Ишни нимадан бошлаш керак? У турли хил режа тузиб тонг оттирди. Бироқ аниқ бир қарорга келолмади. Аввал қишлоқни айланиб, хўжаликни ўрганиб чиқишга аҳд қилди. У ёлғиз ўзи қишлоқ оралаб бораркан, уруш қолдирган изларни тугатиш ҳақида ўйларди.

Бехос чап томондаги уйдан аёл кишининг йиғи овози эшитилди. Мамадали шу ҳовлига бурилди. У ойна ўрнига тутиб қўйилган чипта пардан кўтариб, ичкарига қаради. Синган тўсингларга тираб қўйилган устуннинг орқасида икки аёл беҳуш ётган бир хотинни елпид ўтиришарди.

— Янга!— оҳиста чақирди раис.

— Эрининг вафоти тўғрисидаги шум хабарни эшитиб ҳушидан кетиб қолди,— деда жавоб берди аёллардан бири.

— Касалхонада ўликни беришмабдими?— шу тобда орқасидан етиб келган чолдан сўради Мамадали.

— Беришган, олиб келайлик дейишса йўл кирага пул топишолмабди.

— Аравани қўшинг, ота.

— Бисотида ҳеч нимаси йўқ, болам...

— Ортиқча харажатнинг кераги йўқ. Мана бу пулни олинг-да, одам юборинг, сурп бўлса ҳам майли...

Биринчи кун шундай кўнгилсизлик билан бошландии-я, алам билан хаёлидан кечирди раис.

Эрта билан яна қишлоқни айланиб кетди. Аммо бугунги кун кечагидан ҳам оғир ўтди. Кўчалар тор, билқабилқ тупроқ тиззага чиқади. На тош, на асфальт ётқизилган. Чор атрофи пахса, усти лой билан сувалган уйларнинг таги нураб, ағанай деб турибди. Баъзи уйлар қаровсизликдан йиқилнб, эгалари бошпанасиз қолишган.

Ойна ўрнига бирор газета, бирор латта ёпиштириб қўйибди. Молхоналарнинг ичига кириб бўлмайди. Томи илма-тешик, деворлари тарс-тарс ёрилиб кетган.

Кеч кириши билан қишлоқ ютиб юборгудай ҳувуллаб қолади. Аҳён-аҳёнда йиги овози эшитилади. Милтиллаган шам ёруғи кўриниади. Чироқ йўқ, керосин анқонинг уруги.

Қаердадир бойўгли бир текисда ув тортади.

Тонгга яқин раис кишиларнинг бақириб-чақиришдан уйғониб кетди.

— Нима шовқин?

— Магазинга ёғ келган экан, одамлар навбат олгани чиқишган...

Уруш йилларида бутун хўжалик издан чиқиб кетган эди. Ҳамма ишни қайтадан бошлаш зарур эди.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ ҚОР ЁНАДИ

Мамадали Топиболдиевга эски раисдан чок-чокидан сўқилган хўжалик, йиллаб кетмон юзини кўрмаган ариқ-зовурлар, териси суяғига ёпишган чорва моллари, колхозда ишлашдан бутунлай совиган кишилар, қолаверса қуп-қуруқ омбор билан бўм-бўш касса «мерос» қолган эди.

Колхозчилар йил бўйи пешана тери тўкиб, меҳнат қилишаркану галвир сувдан кўтариладиган пайтга келиб, бармоқ тишлаб қолаверар экан. Олинадиган даро-

мад сарф-харажатларни зўр-базўр қоплашга етаркан. Бунинг устига колхоз машина-трактор станцияси ва бошқа ташкилотлардан қарздор.

«Йиши қандай йўлга қўйиш керак?— Юрганда ҳам, тургандা ҳам ана шу ҳақда ўйларди Мамадали.— Партизанликни нимадан бошлаган эдик? Одамлардан, ишончли, довюрак кишиларни танлаб олиб, ҳужумга ўтган эдик,— ўзига ўзи уқтиарди у.— Бўпти! Эртага правление билан партия ташкилоти бюросининг қўшма йиғилишини ҷақирамиз».

Мажлисга ҳамма йиғилганда, раис сўз бошлади.

— Ҳаммангизга маълум, уруш туфайли издан чиқкан хўжалигимизни, қишлоғимизни тиклаб олишимиз керак. Уруш охирлаб қолди, йигитларимиз бирин-кетин қайтиб келишяпти. Тўла ғалаба қозонгач яна кўпайишамиз. Лекин ҳозирги вазифа — бор куч, имкониятлардан тўла фойдаланиш. Шундай экан, кадрларни яна бир синчиклаб кўриб чиқсан, қўлидан иш келадиган кишиларни танлаб, жой-жойнга қўйсан. Шу масалада маслаҳатларингиз зарур.

Колхозчилар бирин-кетин кўнглидаги гапларни айта бошладилар.

— Менга сўз беринг!— энди мўйлови сабза урган ёш йигит ўрнидан турди.

— Чиндан ҳам, айтганингиздек кадрларни танлаб, ўрни-ўрнига қўйиш керак. Тунов куни бригадиримизга гектаридан 14—15 центнер пахта олиш ҳам ҳосил етиштириш бўлтими? десам: «Нега менга гапирасан, ҳавога, дўлга гапир», дедилар. Рост, табиатнинг қаҳри қаттиқ. Лекин биз уни енгасак бўлади. Бригадиримизнинг гапиға қулоқ солиб юраверадиган бўлсан, сира юқори ҳосил ололмаймиз.

— Биз ҳам оз-моз биламиз, акаси,— деди олдинда ўтирган шоп мўйловли, басавлат киши ўрнидан туаркан.— Мўл ҳосил олиш учун аввало машина, қолаверса илм керак. Қани машина, қани бундай куч?

Раис ўрнидан турди.

— Гапингиз тўғри... Аммо «у йўқ, бу йўқ» деб судралиб юраверамизми? Уруш томдан тараша тушгандек ногаҳон бошланди. Қаршилик кўрсатишга етарли тайёргарлигимиз йўқ, деб қўл қовуштириб қараб ўтирма-дик-ку! Йўл-йўлакай ҳамма ишни битказиб, ғалаба қозона бошладик. Бу бизга яхши ибрат эмасми? Астайдил меҳнат қилсак, интизомни мустаҳкамласак, ҳо-силдорлик ҳам ошади, қишлоғимиз ҳам яшнайди.

Раис билан бригадирнинг сухбати, ўтирганларга хўжалик нима учун шу қадар бўшашиб кетганини яхши англашга ёрдам берди. Одатдагидек ишлаш ҳозирги талабларни қондиролмаслигини, меҳнат унумдорлигини ошириш лозимлигини ҳамма англади.

Янги раҳбар даставвал юмушдан кўнгли совиб, кам-ҳафсала бўлиб қолганлар билан гаплашди. Уларнинг қалбida меҳнатга муҳаббат уйғотиш лозим эди.

Раис биринчи галда молиявий ишларни тўғри йўлга солди. Давлат хўжаликка ёрдам қўлини чўзди: узоқ муддатли қарз берди. Қорни тўқ, эгни бут бўлган колхозчиларнинг меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди. Партия ташкилоти янги раиснинг тўғри бошлаган ишини қўллаб-қувватлади.

ЖУШҚИН ҚУНЛАР, БЕДОР ТУНЛАР

Мамадали правление ва партия ташкилоти билан маслаҳатлашиб ишбилиармон, қобилиятли ва истеъододли кадрларни танлашга алоҳида эътибор берди. Майдада бригадалар қўшилиб, йириклилаштирилди, уларга деҳқончиликда суяги қотган, тажрибали пахтакорлар билан бир қаторда агрономия ва агротехникадан хабардор ёшлар раҳбар қилиб тайинланди.

Хўжалик экономикасини юксалтириш, ерлар унумдорлигини ошириш учун кураш қизиб кетди. Мамадали

ўғит тўплаш, ер ҳайдаш, баҳорги экин кампаниясига шайланишга катта аҳамият берди.

Кейинги йилнинг баҳори ҳам яхши келди. Об-тобида шудгор қилиб қўйилган ерлар сифатли молаланди. Чигит барвақт ерга ташланиб, вақтида ундириб олинди.

«Иш чаккн эмас, аммо бўш қоп тик турмайди, шароитсиз иш юришмайди», ўйларди раис.

У район партия комитетига йўл олдн.

— Қўлимиздан келадиган ҳаракатни қиляпмиз. Ҳосилдорликни оширамиз, бу — тайин. Шунгача колхозчиларга дон керак. Хотин-қизларимиз боғча-ясли йўқлигидан ишга чиқишилмаяпти. Яширадиган жойи йўқ. Ҳозир кучимиз — шулар! Қўп уй-жойлар босиб қолай деяпти. Қурилишга маблағ, материал зарур. Ёрдамингиз керак!

— Ёрдам берамиз. Лекин яна давлатдан қарзга ботасизлар-да.

— Керак бўлса бпр-икки йилда қайтарамиз,— ҳарбийчасига гапирди Мамадали Топиболдиев.

Колхоз раисининг ишлари, кишиларга қилаётан ғамхўрлиги, баҳаво боғча, янги уй-жойлар қуришга киришгани одамларга манзур бўлди.

Навоий ғазалида: «Одами эрсанг, демагил одами, они ким йўқ халқ ғамидан ғами» деганидай, раис халқ ғамини кўзлаб иш тутгани учун халқ уни мақтаб, ҳурмат қиларди.

Аммо ҳали хўжалик камқувват, ҳамма ишлар кўнгилдагидек эмасди. Бирор колхознинг қаддини ростлаб олишига ишонса, бирор шубҳа билан қаарди. Техника йўқ, колхоз илмлп мутахассисларга муҳтож эди.

— Шу кетмон, арава билан иш битадими? — идорага хуноб бўлиб кирди, тунов кун мажлисда гапирган комсомол йигит бир куни.— Иложи йўқми, тракторларни кўпайтирсак?

— Бўлмай турибди-да, ука! — деди раис столни айланаб ўтиб унинг ёнига келар экан.— Бу ҳам урушнинг

касофати. Аммо руҳингни туширма, уриниб тур. Ҳаракат қиляпмиз...

— Ү чиқиб кетиши билан яна эшик очилди.

— Бўлди, ўша Азимбойвачча ишлайверсин! Менга тегманг!

— Ассаломалайкум!— келиб қўёл чўзди Мамадали. Қелган киши истар-истамас кўришди.— Ўтиринг. Тинчликми?

— Кўрмайсизми, сув келди, деб ҳамма кишиларнинг томорқасига бўлиб берибди.

— Хафа бўлманг, ҳаммасини бафуржга гаплашамиз...

Ғўзалар кўкка бўй чўзиб ўзини кўрсатганда, уларга ҳашарот тушганлиги ҳақидаги хабар ҳаммани оёққа тургазди.

— Сиз биринчи, иккинчи бригадаларга борсангиз,— партия ташкилотининг секретари билан маслаҳатлашди раис.— Мен қолган бригадаларни айланаман!

Тун. Соат уч. Ҳозиргина даладан қайтиб келган Мамадали энди хонага кирган эди, телефон жиринглаб қолди.

— Эшитаман...

— Райкомдан безовта қиляпмиз. Ишлар қалай?

— Ёмон эмас. Ҳозир даладан қайтдим... Мана, секретаримиз ҳам келдилар. Ҳамма ерга машъала ёқиб қўйдик, капалак ёруққа келиб урилиб, қириляпти. Каттадан-кичик қўлида идиш, кўзга кўринганини теряпти.

— Жуда соз, бўшаштирманглар. Ухлашни унутдингизми, дейман?

— Ухлашми, бир гап бўлар! Хўп, хайр.— У партком секретарига юзланди.— Хўш, у ёқларда ишлар қалай?

— Тузук. Лекин машъалага керосинми, бошқа ёфми бермасак, қўлларида қолмабди.

Мамадали телефонни олиб омбор мудирини ҷақиришга чоғланган эди, секретарь унинг қўлини тутди.

— Уч кундан бери ухлаганингиз йўқ. Мизгиб олинг. Мен ўзим гаплашаман.

— Ҳечқиси йўқ. Урушда бундан оғирини кўрганмиз.

Эрта билан барвақт раисни қидириб келган кишиларга қоровул тушунтиради:

— Қун чиқмасдан далага кетганлар...

Оппоқ тонг отганда бешинчи бригадага етиб келган раис ғўзаларнинг авжини кўриб, таъби хира бўлди. «Нега бунчалик паст!»

— Ҳорманглар!— тонг қоронгисида ишга тушиб, нонуштага ўтирган колхозчиларнинг ёнига келди у.— Чопиқ қалай кетяпти?

— Раҳмат, уриняпмиз. Қуртга ҳам бўш келмаяпмиз,— жавоб берди бригада бошлиғи.

— Авжи пастроқми ғўзаларни?— сўради раис.

— Қайдам, энди гўнг солдик, вақтида парвариш қилиб турибмиз.

— Лекин қиёмига етказолмаяпмиз шекилли,— қўшиб қўйди колхозчилардан бири.

— Ҳаммасининг отаси меҳнат,— деди раис,— ҳозиргидай ишлаб турсаларингиз гуркираб кетади... Мен агроном билан маслаҳатлашиб кўрай-чи, нима деркин...

Қишлоқдаги ҳамма уйларда чироқлар ўчган. Фақат идорада лампа лишиллайди. Мамадали даста-даста китобларни столга териб қўйиб, навбатма-навбат ўқирди. У ҳалиги колхозчининг «қиёмига етказолмаяпмиз шекилли», деган гапига аниқ, илмий жавоб беролмай, меҳнатга тақаганидан, бошқалар ҳам бунга ожизлигидан хижолатда эди. Тўғри-да, фақат тажрибага қараб иш кўрояпмиз. Илм-фанин қўшсак, балки янада яхшироқ бўлар, дерди. Қилган сарфимиз, меҳнатимиз мутлақо тўғрилигини ҳаммамиз ҳам аниқ, илмий асосда билолмаймиз. Колхозда агротехника ўқувини ташкил этиш лозим.

Район ижроия комитети орқали қишлоқ хўжалик

мутахассисларидан бир неча киши колхозга биркитилди. Бригада, звено бошлиқлари агротехника фанини, илфор тажрибаларни ўргана бошладилар. Раис кундузлари хўжалик ишлари билан шуғулланиб, кечаларни бедор ўтказиб, китоб титарди.

Бир куни у мутахассисни ҳалиги ғўзасининг авжи паст бригадага олиб бориб, сабабини сўради. Бригадир ҳар галгидай:

— Вақтида суғоряпмиз, етарли гўнг согланмиз... — деб гап бошлаган эди, мутахассис сўраб қолди:

— Гўнгни далага қайси вақтда чиқаргансиз?

— Кузда, қишида.

— Қандай уюм қилгансиз?

— Тахминан шунча,— у ерни доира қилиб кўрсатди.

— Гўнгни катта, зич уюм қилиш керак эди,— деди мутахассис.— Сиз кичкина қилиб қўйгансиз, натижада гўнг баҳоргача озиқлик мoddасини йўқотган.

Қишлоқ хўжалик билими жуда зарур эканлигига яна бир марта амин бўлган Мамадали Топиболдиев кадрларнинг ўқишига эътиборни кучайтирди, шу билан бирга дәҳқончилик бригадаларида агротехникага хилоф биронта камчилик бўлмаслигини, агротехниканинг тўғри амалга оширилишини қаттиқ талаб қилди.

— Правление мажлисида битта масала,— деди раис.— Сувдан фойдаланиш!

Правлениеда томорқа ҳамда колхоз ерларида сувдан қандай фойдаланиш кераклиги масаласи ишлаб чиқилди...

* * *

Колхоз раиси механизациянинг, илфор тажрибаларниң ишқибози, тарғиботчиси эди. У колхозчиларга машинани авайлашни, қадрлашни, кўпроқ ишлатишни ўргатарди. 1945 йилда бузуқ тракторни берганларида кўзига суртиб, неча кун ремонт қилиб ишга туширгани сира эсидан чиқмайди.

Ҳосилдорликни ошириш учун колхозда куч, техника етишмасди.. МТСда бир бурчакда темир-терсак қаторига қўшиб қўйилган иккита трактор ётарди.

— Шундан бошқа қўшимча «бойлигимиз» йўқ,— деди МТС директори.

— Майли, шуни беринг!— плтимос қилди Мамадали Топиболдиев.

Директор «эси жойидами», дегандек унга тикилиб елкасини қисиб деди:

— Темир-ку, қуруқ темир! Нима қиласиз!

— Майли бир амаллаб тузатамиз...

Тракторни беш бармоғидай билган Мамадали, Фаргона областида кўп МТСларда бўлди. Бирида йўқ эҳтиёт қисмни, иккинчисидан топди, унда йўғини учинчисидан олди.. Хуллас тракторни ишга туширди.. Колхозда иш анча илгари силжиди..

Йиллар ўтди. Урушнинг яралари бита бошлади. Давлат колхозга янги-янги машина, тракторларни бера бошлади. Тадбирли раис қўй мөҳнатини қисқартириш, ишнинг оғирини иложи борича техникага юқлаш йўлидан юрди. Колхозга 120 тадан ортиқ турли маркали трактор, 26 та терим машинаси, 30 та автомашина, яна қанчадан-қанча турли механизмлар сотиб олниди.

Агротехника талабларига тўла амал қилган, техникадан унумли фойдаланган колхоз ҳам арzon, ҳам мўл, ҳам сифатли ҳосил етиширишга эришди.

Биргина машина терими ва паҳтани қоп-қанорсиз ташиш натижасида колхоз механизациядан қандай манфаат кўраётганини тасаввур этиш мумкин.

Йигим-терим вақтида 10 механик-ҳайдовчи ўз агрегати билан ҳар кунин ўртacha 200 теримчини оғир мөҳнатдан халос қилди. Ҳўжалик йили якунланганда аниқ бўлдики, машина терими туфайли 17 минг 500 сўмдан ортиқ, ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш натижасида 49 минг сўмга яқин маблағни иқтисод қилинди.

Ишбошиликка синалган кадрларни қўйиш, илгор

тажрибаларга, механизацияга таяниш, ютуқларни ом-малаштириш сабабли деҳқончилик маданияти юксалди.

Бунинг устига, раис колхозчиларни моддий рагбатлантиришга айниқса катта эътибор берарди. Терим илғорларига мотоцикл, атлас, духоба каби кийимликлар, тикув машинаси мукофотга бериларди. Белгиланган нормани бажарган ҳар бир теримчи меҳнат кунига қўшимча ҳақ оларди. Мавсум нормасини бажарган теримчиларга 50 процент миқдорда қўшимча ҳақ-мукофот бериларди.

Шу тариқа одамлар яна тўкин-сочин яшай бошладилар. Орзу ҳаваслар ҳам шунга яраша каттайди.

МАМАДАЛИОБОД

«Коммунизм» колхози кўп тармоқли хўжалик. Пахтчиликдан олинадиган даромаднинг ўзи бир неча миллион сўмдан ошади. Аммо қишлоқнинг қиёфаси ҳароб.

Зодиён (илгариги Зоҳидон) ўтмишда бутун Кўқон атрофига харобалиги билан машҳур эди.

Муқимий:

Маъюс бордим Зоҳидон,
Бир кўча кетгунча дўкон.
Иигитлари ичмай пиён,
Маст, отаси безор экан,

деган эди ўз «Саёҳатнома»сида.

Мамадали Топиболдиев активлар билан маслаҳатлашиб, қишлоқни бутунлай қайтадан қуришга қарор қилди. Уч йил давомида қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилди. Колхоз одамларни зарур қурилиш материаллари — ёроч, шифер ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турди. Ҳамманинг фикру ҳаёли пахта, чорва билан бир қаторда қурилишда ҳам бўлди. Мана шу уч йил мобайнида умумий майдони 52300 квадрат метрдан иборат бўлган 1100 уй қурилиб фойдаланишга топши-

рилди. Шу давр ичидა қишлоқнинг қарийб бутун аҳолиси янги уйларга кўчиб кирди.

Энди бу ерга келган киши «бир кўча кетгунча дўкон»ни эмас, кенг ва равон кўчаларни, шинам уйларни, ҳашаматли клуб ва мактаб-интернат, магазин, шифохона ва бошқа биноларни кўради. Илгариги қинғир-қийшиқ, ёзда чангу, қишда лой аримайдиган кўчалар, лоӣ томли паастак уйлар ўрнида янги, замонавий типдаги посёлка қад кўтарди. Ҳозирги Зодиён унча-мунча шаҳарча билан бемалол баҳс бойлаша олади.

Колхозда турар жойлар билан бирга ишлаб чиқариш бинолари ҳам қад кўтармоқда. Қисқа вақт ичидა қишлоқда тугруқхона, клуб, иккита чойхона, тўртта болалар боғчаси ва яслилари, кутубхона, дорихона, рентген кабинети, ўн саккизта дала шийпони, шу жумладан тўртта икки қаватли дала шийпони, ўқитувчилар уйи, майший комбинат, ҳаммом, юз машинага мўлжалланган автотрактор гаражи, сутчилик фермасининг типовой биноси қурилди.

Аҳолини тоза сув билан таъминлаш учун қишлоқнинг жуда кўп жойларида артезиан қудуқлари қазилди. Қудаш ГЭСидан электр симлари тортилди.

«Кўз қўрқоқ, қўл ботир» деганларидек, «Коммунизм»чилар колхоз қишлоғини қайта қуришда зўр ғайрат кўрсатишди, бутунлай янги, чароғон қишлоқ барпо этишди. Аммо улар шу билан ободончилик ишларини тўхтатиб қўйганлари йўқ. Шу кунларда қишлоққа «Шимолий Сўҳ» нефть конидан магистрал йўли ўтказиш тугалланяпти. Фабрика-ошхона ҳам қуриб тугалланди. Ўнда ҳар куни уч ярим минг кишига етарли овқат тайёрланади. Янги ўрта мактаб биноси фойдаланишга толширилди ва ҳоказо... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Қишлоқдаги барча хонадонларни газлаштириши, водопровод суви билан таъминлаш кун тартибидағи муҳим масала. Шунингдек аҳолига қулайлик яратиш мақсадида марказий иситиш системасини ишга туши-

риш, қишлоқни канализациялаштирпш мўлжалланяпти. Қелгусидаги режалар янада катта. Колхозда ҳар йили 3 миллион 500 минг дона ғишт чиқарадиган ғишт заводи мунтазам ишлаб турибди. Лекин бу ишларни амалга ошириш осон бўлмади. Баъзи кишилар қишлоқни қайта қуриш планига «Шунчаки гап», «Қачон битарди», деб ишонқирамай қаради. Ҳатто, «Үрганиб қолган уйимни буздирмайман, деразаси кўчага қараган уй қурдирмайман барака қочади», деб оёқ тираб туриб олганлар ҳам бўлди.

Янгича уйларга янгича одат, янгича тўйлар ярашади. Колхоз партия ташкилоти қишлоқда тўй ва бошқа ма-росимларнинг янгича, замонавий ўтишига бош-қош бўлжатди. Эндиликда илгари учраб турадиган «Бир ҳафта юртга ош бермасам хуморимдан чиқмайман» деган гаплар, чиранишлар йўқ. Тўйлар кўнгилли, содда, шодон ўтказиляпти.

Зодиёнлик отахонлардан бири, кекса коммунист Жабборкул ота Тожиев билан қишлоқнинг тарихи-ю, ҳозири ҳақида сұхбатлашиб қолдик. У кўлгина қизиқарли фактларни ҳикоя қилиб берди. Жонажон қишлоғи, унинг кундан-кунга яшнаётган ҳусн-жамоли оқсоқолни тўлқинлантириб юборди шекилли, унинг сўзлари шеър бўлиб қуйилди:

Асли номинг Зоҳидон,
Тарихингдир бир достон.
Энди чаманзор, бўстон,
Гўзал бўлдинг, Зодиён.

Қушлар учиб сайдайди,
Кўрсам кўнглим яйрайди.
Халқинг меҳнаткаш, танти,
Нурга тўлдинг, Зодиён..

«Коммунизм» колхози меҳнаткашларининг қишлоқни бош план асосида қайта қурганликлари Фарғона области партия комитетида кенг ўрганилиб, мухокама қилинди. Область раҳбарлари бу ажойиб ташаббусни

маъқуллади ва уни кенг ёйишни тавсия этди. Ҳозир биргина Бағдодда эмас, бутун Фарғонада колхоз қишлоқларини обод шаҳарчаларга айлантиришда зодиёнликлар ташаббуси ибрат бўлмоқда.

Қишлоқ марказида турмуш маданияти универсиети ишлайди. Бу қишлоқда ҳам шаҳардаги каби турмуш маданияти ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Университетда колхозчи аёллар, ўқувчи қизлар уй-рўзгор тутиш қоидаларини, меҳмоннавозликни, бичиш-тикишни ўрганидилар.

«Коммунизм» колхози ҳуснига-ҳусн қўшган, унинг юксалишини таъминлаган меҳнатдир. Меҳнатсевар раис партия ташкилотига, коллектив даҳосига таяниб иш тутиши қувончли натижалар беришини кўрдик.

Об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай, мўл ҳосил олнинганлиги Мамадали Топиболдиев бошчилик қилаётган хўжалик кишиларининг қаҳрамонона меҳнатларининг натижасидир.

1964 йилнинг олтин кузи одатдагидек тўкин-сочин келди. Гўзал Фарғона яна ҳам сўлим, яна ҳам файэли кўринади. Қатта Фарғона каналининг икки соҳилида ястаниб ётган колхоз ерларига қарасангиз оппоқ паҳтазорлар, тилла ранг узумлар солланиб турган токзорлар, меваларининг кўплигидан шохлари эгилиб тушган дарахтлар, олмазорлар кўзни қувонтиради.

Колхозчилар қалбida қувонч, кўзларида нур жилоланади. Колхоз паҳта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берниш планларини муваффақиятли адо этди. 1900 гектар паҳта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнерга етказиб ҳосил кўтарилган. Қувонса арзийдиган муваффақият.

Қаҳрамон раисдан юқори ҳосил олпш сирини сўраймиз. У одатдагича қисқа жавоб беради:

— Бунинг сири — меҳнат.

Хўжаликнинг юксалиши, истиқбол режаларини бевосита колхозчилар билан гаплашиб билдик.

— Еганимиз олдимиизда, емаганимиз орқамиизда,— леди кекса пахтакор Аҳмаджон ота Обилов.— Рўзгоримиз бут, буларнинг ҳаммаси раиснинг, коммунистларнинг ишбилармонлигидан!..

Коммунистлар сардори раис партия йиғилишларининг социалистик мажбуриятларни бажаришга, колхоз экономикаси ва маданиятини юксалтиришга қаратилган қарорларини барча колхозчилар зўр эътибор билан кутиб олиши ва уни бажариш учун жонбозлик кўрсатишлари тўғрисида гапирди. Коммунистлардан Ҳайрулла Тоғибоев, Ҳасанбой Ҳусанов сингари илғор бригада бошлиқлари, Абдураҳим Умаров каби машъал механик-ҳайдовчилар ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилди.

Моҳир ташкилотчи, меҳнатда чиниқсан дәҳқоннинг кўкрагида Ленин ордени, Олтин Юлдуз ёнида тинч, ижодий меҳнати учун олган Қизил Байроқ, Ҳурмат белгиси ордени ва медаллар порлаб турибди.

СССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР-нинг ҳалқ хўялигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлари учун 1965 йил 1 мартда чиққан Фармони билан Мамадали Топиболдиевни яна Ленин ордени билан мукофотлади.

Мамадали ака бу мукофотларни колхозчиларнинг қизғин меҳнати самаралари деб билди ва бор куч ғайратини уларнинг фаровонлигини ошириш йўлига сарфлади.

* * *

Афсуски 1969 йилнинг 6 май куни жасур партизан, моҳир ташкилотчи Мамадали Топиболдиев фожиона ҳалок бўлди. Унинг дилида ҳали куртак ёзигултумаган қанчадан-қанча орзулар, одамларнинг фаровонлиги йўлида тузилган талай эзгу режалар қолди. У одамларнинг турмushi фаровон, чеҳрасини гулгун кўришни истарди. Бу ниятини рўёбга чиқариш учун у бутун куч ғайратини, ҳаётини баҳш этди. Шунинг учун унинг порлоқ хотираси одамларнинг қалбида ўчмас бўлиб қолажак.

ЧИНОР

Эрта баҳор.

Баҳаво жойга қурилган колхоз меҳмонхонасининг ҳовлисидағи бир илдиздан чиққан олтита расмона чинор соясида Боботоғнинг кумуш ранг чўққисига боқиб, ҳар ким ўзича ўйларди. Унинг жозпбасида мен: қуёш нурида зарга чулғанган гўзалликни, салобатида тенгсиз бир қудратни, қаърида жавоҳир тўла хазинани, ён бағрида сўлим боғларни, шўх ирмоқларни кўрардим. Тоғ гулларн шабада қанотида тортиқ этаётган муаттар бўйдан роҳатланардим.

— Чиройлик-а?— сўрайман мезбонни сұхбатга тортиб.

— Таъриф! йўқ,— деди у жилмайиб.— Шундай жойлари борки, пастда, бизнинг Сариосиёда иссиқ 40 даражага чиққанида, у ерда этингиз жунжикади.— Сұхбат дошиим сочини гардани аралаш силаб, яна жилмайиб қўйди. Бу ҳаракат унинг гап жиловини тортганидан нишона эди. Ҳадеб савол ташлайверишга истиҳола қўлардим. Ахир, қаршимда турган киши ҳазилакам одам эмас, бутун юрт танийди, кўпни кўрган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган пахтакор. Сурхондарёлик коммунистлар партия XXIII, XXIV съездларига вакил қилиб юборган раислардан.

Индамасам индамайдиган:— Бу ерларнинг ипидан игнасигача қадрдон-а сизга? дедим.

Сочини ҳали чап қўли билан силаган бўлса, энди ўнгини ишга солиб, унсиз тасдиқлади. Унинг вазминлигинга ўзимча қиёс этдим: Олтин ҳам оғир бўлади!

Раис шу районда, Умрқишлоқда туғилиб ўсган. Киндик қони томган жойлар ёди ҳамиша, ҳар қандай одамни тилга киритади. Болаликдаги воқеа, ҳодисалар ҳар қалбда муттасил жўш уради. Уларни эслаш ҳам мароқли, ҳам кўнгилли. Ёшликнинг ширин онлари ёди сұхбатга файз киритади. Ҳамроҳим ҳам тўлқинланиб, энди гап га оғиз жуфтлаган эди, қуёш юзига булуутдан парда тортди. Раиснинг чеҳраси тундлашди. Шамолга қўлини чўзиб, уни тўхтатмоқчи бўлгандек бир ҳаракат қилди.

— Бу шамол, ҳозир чорвага завол, пода сурган чўпондек, булуутни ҳайдайди. Бизга ёмғир бу йил жуда зарур. Қўйларни яйловга олиб чиқиши керак, ўт авж олмаяпти. Ерда нам кам. Қорни кўринг,— деди у Боботоғга имо қилиб,— жуда оз.

Ҳар бир касбнинг ўз ташвиши бор экан. Ҳамроҳимнинг ҳалиги фикри-зикри энди аёл эди.

— Ёмғир, қор чорвага — озиқ, пахтага — жон, боғга — қон,— деди у.

Чинор шамол билан олишиб гувиллайди. Орқасига тисарилиб туриб, овига ташланган шердек инграйди, қандайдир бир қушнинг инини юлиб олиб, оёғимиз тагига отади.

— Шу-да шамолнинг иши,— деди раис уяга қараб ғазабланиб.— Бари бир ёмғир ёғади. Булуутнинг кўриниши оғир.

Шамол чарчаб тинди, ёмғир томчилай бошлади.

— Марҳамат, ичкарига,— деди ёмғирни кўрган мезбон очилиб.— Бу чинорнинг ажойиб тарихи бор, айтиб бераман...

— Ҳозиргисиининг ўрнида, 1933 йилгача бир туп қулочга сиғмайдиган адл чинор бўлган. Дехқон ерга со-

чишга уруғ тополмаган вақт. Район идоралари жойлашган манзилни биласиз. Узун дейишади. Қадимда узоқ-лнгидан, бир чеккага жойлашганлигидан, шундай аташган. Бу ёғи — Душанба, салкам етмиш километр, бошқа ёғи — Термиз, ундан ҳам оліс. Хуллас, бу ерларга четдан нарса келтириш амримаҳол бўлган. Шунда маърифатнинг мададига ишонган оталаримиз, ҳалиги чинорни кесиб, янги мактаб қуришган. Уша маърифат шаъми ҳали ҳам бор. Бу чинорлар ўшанинг илдизидан чиққан. Ёнидаги арчани кейин ўтқазганимиз. Иккови бир-бирига тулашиб кетган, тангадек офтобни ерга туширмайди, таги фир-фир шабада, баҳри-дилингиз очилади...

Яхши одамникига қўшалоқ меҳмон келади, дейишиади. Область партия комитетининг секретари кириб келди.

— Табриклаймиз, Бобомурод оға,— секретарь раисни қутлади.— Тўйга тайёргарлик қўраверинг.

Тўй бўлса эшитармиз, деб қутлов бонспини суриштирамадик.

Раис секретарнинг одатдагидан бошқачароқ ташрифидан хижолат эди: келишидан хабардор этмайдими, бўсағага чиқиб кутиб олмаймизми. Раис тортинибгина қўл узатса, унинг қулоч ёзиб, қадрдонлардек бағрига босиб муборакбод этганини айтмайсизми.

Обком секретари буни пайқади шекилли, дилидагини айтиб қўйди:

— Сизларни ишдан қўймай дедим. Биламанки, шу ердасиз, топиб оламан деб, тўғри келавердим.

Шу гапдан ранс бир оз таскин топди.

Тун. Атроф сокин. Тракторларнинг янғи ҳужумга нафас ростлаб тургани, пахта пунктига қатнаб тинмайдиган машиналарнинг дам олаётгани сезилади... Мижжа қоқмай ётаман. Адл чинор, маърифат шаъми, яшил арча, тоғ, сув борасидаги галлар қулогим тагида тақрорланади. Елкамга тўнни ташлаб, эшпкка чиқаман. Назаримда чинор билан арча гаплашаётгандек. Чинор бу кун

тарих бўлиб қолган ўтган йиллар ҳикоясини сўзлаётган-дай. Бири кўм-кўк, ёшликни эслатади, иккинчиси ой шуъласида нуроний, узоқ умр соҳибидек вазмин. Бу манзара хаёлимда оҳиста жонланиб, уч авлодни кўрган «Коммунизм» колхозининг ҳаётини эслайман. Ўнинг ажойиб ҳалқи, сардорлари, карвонбошиси Бобомурод Омонов кўз ўнгимга келадп.

Ўрта бўй, манглайи кенг, бугдойранг, элликдан ошганига қарамай сочининг чеккасигина оқарган Бобомурод оға сермазмун умри, катта меҳнати билан чинордек улугвор, арчадек навқирон бўлиб гавдаланади. Ўнинг ҳаётида — колхоз йўли, колхоз ҳаётида — унинг умр йўли мужассам. Чинор билан арча тағин эътиборимни тортади. Бир илдиздан чиққан, тобора кўпайиб, бораётган чинордек, маърифат шаъмидан ўт олиб машъалга айланган — янги зайлда қурилган мактабларни кўраман. Минг кишилик Маданият саройида, бешта қишики, саккизта ёзги клубда концертга, донгдор кишилар билан учрашувга, хўжалик фаолиятидан, партия ва ҳукуматимиз сиёсатидан хабар топгани, кўнгил розини айтгани тўпланган колхозчиларнинг кулган чеҳралари намоён бўлади. Кишин-ёзин деҳқон фарзандлари яйраб-яшнаган боғчада болаларнинг шўх кулгисини эшитаман. Колхоз қишилогидаги шифохонадан, майший комбинатдан, маданият ва истироҳат боғидан, ҳаммомдан, магазинлардан мамнун чиқиб келаётган кишилар билан галишаман. Ойнавандли, қўша-қўша хонали, газли, водопроводли уйларда яйраб-яшнаётган деҳқонларнинг тўкин дастурхонига, бут рўзгорига боқаман. Кенг, равон асфальт йўллар, савлат тўкиб, далалар файзига файз қўшиб турган шийлонлар, жамоат биноларига қараб шаҳарни эслайман. Колхознинг шер одимида ер қулфини очган, тадбиркор деҳқонларнинг, сарбон Бобомурод Омоновнинг қишлоқ аҳолисининг баҳтига поясни-ни кўраман. Бу яратувчи меҳнатнинг кўзини очган, фан-

техниканинг яратувчи кучидан баҳраманд этган кўпчиликнинг маслаҳатига таянишга, ижодий изланишга ўрганган, ер қулфининг олтин қалитини тутқазган соҳиб— Улут Октябрга такрор таъзим этаман.

«Ўғил, десам оғзим тўлади, қиз, десам тилим қисилади», деб юрган отанинг кўнглидаги бўлди. Янги меҳмоннинг омонлигини тираб, исмими Омон қўйишиди. Отанинг оғзи тўлгани билан орзуси ушалмади. Омон «олтин қалит»сиз баҳт қулфини очолмади, отанинг кунини кулди-ролмади, армонини аритолмади. Омон саккиз ёшида отадан етим қолди. Юмишсиз, емишсиз, уст-бошсиз қолган она, нима қилсин, бошқа турмуш қурди, жон сақлади. Ўгай отаникига икки жон кўплик қилди. Омон осто-нада, мўлтираб қолди. Омон ит кунига тушишга ҳам рози бўлди: чўпонлар ёнида қўй-қўзиларни қўриқлаб ўсади. Ўйланиб, ўғил кўрди. Боланинг исмими, бобосининг муродини ҳосил этишга қодир, баҳтли йигит бўлсин, деб Бобомурод қўйди. Бобомурод дунёга келган йили Ленин ота юрт қатори Умрқишлоқ дәҳқонларига ҳам истиқболнинг «олтин қалит»ини берди.

Бобомуроднинг тақдири энди ўз қўлида эди. Ўтмишнинг лойқа гирдобидан чиқолмаган, боболаридек ноchor, ноилож эмасди. Биринчи маслаҳатчиси, революциянинг дастлабки кунлариданоқ янги тузум курашчисига ҳам жарчисига айланган отаси Омон ака эди. Омон ака Бобомуроднинг ўқишини, илм олишини истади. Пишиқ-пухта, тиришқоқ бола қишлоқ мактабини тамомлаб, Телпакчинор қишлоқ Советида котиб, айни вақтда бухгалтер бўлиб ишлай бошлади. Шу пайтда одий дехқон Иброҳим Раҳматовнинг довруғи эл оғзига тушди. «Ҳар ишда ҳам ўзни кўрсатиш, элга манфаат келтириш мумкин экан-ку! Боболаримиз гардига зор ўтган ер бизга гектар-гектари билан насиб этади-ку, меҳнатидан қочамизми!» ўзича ўйлади у. Далага чиқди. Звенога бошлиқ қилди. Унинг намунаси кўп ёшларни далага чорлади.

Бобомурод юрт зарур деган ишни, ўз манфаати, ўз хоҳишидан юқори кўради, юрт даъватининг оммавий тус олишига жон куйдиради. 1939 йилда Совет Армияси сағиға жўнар экан катта сайдла сўзга чиққанини, ёшларни бу шарафли бурчни бажаришга тантанали кузатиш анъянасини бошлаб берганини, одамлар, ҳали-ҳали эслашади.

«Наҳотки, бобом орзу қилган баҳт менинг чекимга ҳам кемтиқ бўлиб тушган бўлса. Йўқ, чучварани хом санабсанлар, фашист босқинчилар!» Осоишта ҳарбий хизмат, қонли жангга уланиб кетди. Ленинград, Украина, Берлин учун бўлган жанглар, жонфидоликка берилган жанговар орден, медаллар Бобомурод умр дафтарининг янги саҳифаларини очди.

Инсон ҳётида содир бўлган ҳодисаларнинг баъзилари ёддан сира чиқмайди, эл оғзига тушиб кетади. Бобомурод aka ҳётида Улугъ Ватан урушидан қайтиб келгач юз берган бир баҳс ҳамон кишилар хотирасида.

Урушдан қайтган Бобомурод Омонов район маданият бўлими мудирлигига тайинланди. Озода иш, маош яхши, колхоздагига қараганда имкониятлар катта... Ота-онаси билан қишлоқда турар, машина, от-улов йўқлигидан ишга колхоз далалари оралаб пиёда қатнарди. Экин экилиб келинган кўп ерлар ишчи кучи етишмаганлигидан ўтяноқ босиб, қамиш ўсиб чакалакзор бўлиб кетган. Асосий куч ҳали ҳам бола-бақра аёллар, кексалар. Уларнинг меҳнати ҳам тузукроқ уюштирилмаган. Одамлар колхоздан кўчиб кетса кетяпти, келмаяпти. У-бу ерда ҳар ким ўзича, кучи етганча тиклаб олган уйлар. Буларни кўриб, у яна колхозда ишлашни ихтиёр этди. «Ер нафаси димоғига уриб турмаса бўлмас экан. Кейин, уят эмасми, болаларни, аёлларни, кексаларни ишлатиб қўйиб, куч-қуввати бор, мендай азаматлар четда турсак! Мудирнинг бу қарорини эшитган район партия, ижроия комитетларининг, область маданият бошқармасининг раҳбарлари кўнмади. Аввалига, бажараётган хизмати

ҳам муҳимлигини, намунали ишлар қилаётганини айтишиб, жойидан силжитгани қўйишмади. У қарорида туриб олгач, бу ишнинг истиқболи катталигини, район, область партия, совет раҳбар ишларига ўсиш мумкинлигини уқтириб, қизиқтириб, фикридан қайтаришмоқчи бўлишди. «Шунча жангда юрдим, бирон кишининг мукофот, мартабани ўйлаганини, ҳатто хаёлига ҳам келтирганини кўрганим йўқ. Мақсад: юрт озодлиги, ободонлиги эди. Чин инсон, мукофотни, лавозимни ўйлаб иш қилмайди. Сидқидилдан, кучни аямай қилинган меҳнат ҳеч қачон ерда қолмайди. Мен илгаридан ер ишига ишқибозман, деб гапида туриб олди.

— Қийналасиз. Колхозда кечаси-ю кундузи ишлашга тўғри келади. Жароҳатларингиз бор, азоб бермасин, деймиз. Ҳали ҳам бўлса тинчроқ шу ишингиз тузук.

— Кечирависизлару менга раҳмингиз келмай қўя қолсин.— Бу гапдан кейин, унинг илтимосини қондиришдан бошқа илож йўқлигини ҳамма тушунди.

130 гектар ерга пахта экаднган кам қувват Чкалов номли колхозда ҳосилот советининг раиси бўлиб иш бошлади. Ишchan, талабчан, ташкилотчи Бобомурод акани коммунистлар партия ташкилоти секретарлигига сайлашди. Ҳўжалик олдида турган катта-катта вазифаларни ечиш — ундан яна кўп нарсани билишни талаб қиласарди. У Самарқанддаги олти ойлик раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш курсига ўқишга жўнади. 1949 йилнинг май ойида уни Чкалов номли колхоз аъзолари хўжаликка раис этиб сайдилар.

Раис ҳақида ҳозирча билгиларим шу эди. Қишлоқ томонда хўроз қичқирди. Чинорда шинакка кетган қандайдир қуш қанот қоқиб қўйди. Ичкари кирдим.

Секретарь айтган тўй Бобомурод Омонов раислик қилиб келаётган колхознинг тақдирланиши боисидан эди. Колхозчилар сайдилга тўпландилар. Мингдан ортиқ кишининг диққати минбарда, улар область партия ко-

митетининг биринчи секретари Нуриддин Муродовнинг сўзларини жон қулоги билан тинглайдилар:

«СССР Олий Совети Президиумининг Фармони.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ва давлатга пахта сотпш беш йиллик планини бажағишида эришган катта муваффақиятлари учун, Сурхондарё область Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхози «Октябрь революцияси» ордени билан мукофотлансин».

Қарсаклар зарбидан еру осмон ларзага келгудек бўлди. Сўзга чиққап — оддий колхозчидан тортиб, қишлоқ зиёлисигача, қўшни колхоздан келган меҳмонлар гача, юз қўшчига бир бошли, деганларидек раис бувага раҳмат айтишди. Раис хижолатдан ёниб ўтиради. У бу қувончили дақиқаларга етгунча, ўз атрофидаги фаоллар билан озмунча ишларни бошидан кечирмади.

Раисликни нимадан бошлашни ўйлаб, бир ҳафтача ундан на томоқ ўтди, на кўзига уйқу келди. Урушда қулоғига ўрнашиб қолган бир шиорни маҳкам ушлаб олди: «Интизом — ғалаба гарови!»

Фаол деб чақириб келишгани тўрт киши эди: икки аёл, бир мўйсафид — бригада бошилиқлари, бир ўспирин — ҳисобчи. «Ишонган тоғларимиз шулар бўлса, ишимиш нима бўларкин,— кўнглидан ўтди раиснинг.— Жангчиларсиз командир бўлиб шармандам чиқмаса ҳали!»

— Сизларни чақиришдан мақсад, колхоздаги ишга яроқли кишиларни, бор имкониятларни аниқ билиб, бир хомчўт қилиб чиқсан.

Ўтирганлар бир-бирларига қараб қўйдилару аммо чурқ этишмади.

— Нега индамайсизлар?

— Индамаганимиз,— деди оғир тин олиб мўйсафид бригадир Ғофир ака Норбоев,— ўрганадиган, аниқ билиб оладиган имкониятнинг ўзи йўқ. МТС да битта чў-

лоқ трактор бор, янглишмасам, тўрт-беш колхозга навбатма-навбат хизмат қиласи у ҳам. Ишга яроқли одамларимиз ҳам бармоқ билан санарли. Ҳаммасп тайин! Ҳоҳласангиз ҳозир айтиб берамиз...

Раис хўжаликни айланиб, одамлар билан бир-бир суҳбатлашиб чиқди. Колхозчилар орасида даромад қилиш ўрнига қарздор бўлиб қолганлари кўп экан. Ҳона-доиларда чорва йўқ, борида боқишга озуқа йўқ. Уйжойлар қаровсиз... Колхоз плани озу лекин уни бажаришга ҳам имконият йўқ.

«Нима қилиш керак? Юқори ташкилотлар ҳам ҳозирча ёрдам беролмайди. Сопини ўзидан чиқариш керак, бошқа илож йўқ!»

Раис колхозчиларнинг имкониятларига қараб иш топширас, токи у ўша ишни бажармас экан, бошқа иш бермас эди. Зарур бўлса, ўзи ҳам колхозчилар билан баб-баробар меҳнат қиласди. Кишиларнинг меҳнатига қараб имконияти борича рағбатлантиришни ҳам унумади. Пухта уюштирилган меҳнат биринчи йилиёқ ўз самарасини кўрсатди: пахта ҳосилдорлиги 13 центнердан 20 центнерга кўтарилиди. 1950 йилда «Янги боғ», Сталин номли колхозлар қўшилиб, Чкалов номли колхознинг ери 400 гектардан ошди.

«Ер бор, энди чорванинг ҳам ғамини есак бўлади,— ўйлади раис.— 150 қўй, б қорамол колхозга нима беради, кўпайтириш керак». Колхоз экономикаси мустаҳкамланиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экпиларидан олинадиган ҳосил ошиб борди, чорва кўпайди. Буни кўрган қўшни колхоз аъзолари район партия комитетига ариза беришди: бизнинг хўжаликни Бобомурод Омонов раислик қилаётган Чкалов номли колхозга бирлаштиришингизни сўраймиз! 1956 йилда колхоз областдагина эмас, республикада юқори ҳосил олди: давлатга ҳар гектар ердан 41 центнердан «оқ олтин» топширди. Азamat дэҳқонларнинг меҳнатини давлатимиз юқори баҳолади, орден, медаллаларнинг сафи кенгайди, раиснинг

кўксида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони «Олтин юлдуз»и порлади.

Ийллар ўтиши билан 54 кичик коллектив хўжаликни ўз атрофига бирлаштирган йирик, кўп тармоқли колхозга «Коммунизм» номи берилди.

— Бу кун «Коммунизм» колхози,— деди тўй — митингда Нуриддин Муродов,— ҳосилдорлик жиҳатидан ҳам, даромад олишда ҳам, қишлоқ маданиятида ҳам областда пешқадамдир.

Бир маҳаллардаги 130 гектар ер, ҳозир 4360 гектарга етган. 3630 гектар ерда пахта ўстирилади.

— Халқнинг қувватига, фан-техниканинг қудратига, коллектив раҳбарликнинг кучига тасанно,— дейди раис бобо.— Бошқа соҳаларни айтмайман, пахтанинг ўзи ўтган беш йилликда 65 минг тоннадан ошиб кетди...

Сайлнинг эртасига раис колхоз партия ташкилотининг секретари Холиқул Мусурмоновни, бош инженер Тўлқпн Рамазоновни, бош зоотехник Мусирмон Жўраевни, бош агроном Низомжон Турсуновни, бригада бошлиқларидан Ленин орденли Ханифа Орзиқуловани, механизаторлардан Шодмон Қаюмовни, Турсун Жўраевни, Абдусаттор Рўзиқуловни чақириб маслаҳатлаши: орден келажакда ҳозиргидан ҳам яхшироқ ишлашимизга ишониб берилган. Яхшироқ ишлаш учун ҳали кўп масалаларни ечишимиз зарур.

Раис ўзи мўлжаллаган вазифаларни айтиб, уларнинг фикрини эшитгач, энг муҳим участкаларга коммунистлар бириттирилди.

Сайил баҳона учрашиб қолганимиздан фойдаланиб район партия комитетининг секретарларидан раис ҳақидаги фикрларини билишга қизиқдик.

— Ажойиб раҳбар,— дейишди улар.— Ҳар бир ишга ташқидий кўз билан қарайди, ўз фикрини кўпчиликнинг

ўртасига ташлаб, пишитиб олади, кейин бажаришга киришади.

Бобомурод Омонов колхозга раис бўлганларида, жамоат бинолари у ёқда турсин, биронта хўжаликнинг тузукроқ уйи йўқ эди, асфальт, тош йўл қаёқда, кўчаларга шағал ҳам тўкилмаган эди. Ҳозир уч ерда шаҳарга ўхшайдиган қишлоқ қурилган, 650 хўжалик газлаштирилган. Одамлар водопровод сувини ичишади. Раиснинг шунда ҳам кўнгли тўлмайди. Янги уйга кўчмаган биронта хўжалик қолар экан, колхоз маданиятда, қурилишда бошқаларга намуна бўлолмайди, дейди.

Бундай раис билан бирга ишлашга ишқибозлар кўп. Ўтган йилнинг ўзида колхоз 31 хўжаликка кўнайди. Ҳозир хўжаликлар сони 2933 тага етди.

— Ҳамма иш одамларга боғлиқ,— дейди раис,— биз шу ерда туғилиб ўсган, ер-сувини яхши биладиган кишилардан олий маълумотли, ўз ҳунарини аъло биладиган мутахассислар етишиб чиқишига алоҳида эътибор беряпмиз. Олий маълумотли 4 инженеримиз, 12 агрономимиз, 4 ветврачимиз, 3 экономистимиз, 13 бухгалтеримиз бор. Врач, ўқитувчилар ҳам етарли. Ҳозир турлн олий ўқув юртларида колхозчиларнинг 310 дан ортиқ фарзанди билим олмоқда. Лекин ишимиз кўп.

Раиснинг жонкуярлигини, изланишини, илгор тажрибаларга, юксак ютуқларга суюнишини кўриб, бу колхоз келажақда яна ҳам гуркираб ўсади, деган ишонч билан қайтдик.

Ўтган сафар учрашганимизда Бобомурод Омоновнинг меҳнатсеварлигидан, билимдонлигидан, ташкилотчилигидан хурсанд бўлган эдик. Бу гал учрашганимизда яна бир истеъодини кўриб қувондик. У керагида шундай гаига кириб кетар эканки, астн қўяверасиз. Сўзлаганда ҳам ўз фикрини чиройли қилиб, мақоллар билан тасдиқлаб, мошгуруч қилмай ифодалар экан. Эшикларинланг очиб қўйилган клубдан кимнингдир овози эшити-

ларди. Кейинроқ келиб оstonада қолган киши фахрланиб деди:

— Раис бобо съезддан гапириб беряптилар.

— Юрагимда қолган энг ёрқин, энг муҳим таассурот шуки, партиямизнинг пўлатдан ҳам мустаҳкам бирлигини, буюк кучини яна бир карра ўз кўзим билан кўриб, ҳис этдим.

Съезднинг ҳужжатлари бизга дастуруламал бўлади. Сўзимнинг муҳтасарида янги беш йиллик планининг фақат иккита муҳим томонини уқтириб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, биринчидан, партия ўзининг олий мақсади қилиб, ҳалқ фаровонлигини янада оширишни, совет кишилари ҳаёти ва меҳнат шароитини яхшилашни қўяди. Иккинчидан, бу мақсадга бутун соҳани тез, соз ривожлантириш билан эришилади. Демак, сиз билан биз ўз соҳамиизда, ўз ҳўжалигимизда яхшилаб, илмийроқ қилиб айтганда ижодий меҳнат қилишимиз даркор!

Раис бува ҳўжалик, бригадалар, звенолар олдида турган топширикларни бир-бир тушунтириди, ҳар бир колхозчи қачон қанчадан иш бажарса мурод ҳосил бўлишини рақамларда ифодалаб берди.

Унинг таҳлили, гап уқдиришлари олимнинг худди ўзи эди. Шунда унинг мутахассислар, колхозчилар олдига қўядиган ўринли талаби магзига тушундим: «Давр қўяётган вазифаларни бажаришга қодир бўламан деган одам, ким, қаерда ишламасин ҳужжатсиз олим даражасида ўқиб, ўрганиб, уқиб юриши шарт!»

Колхоздан қайтар эканмиз, тоғлар масканини эсладим: чўққилар орқасидан чўққилар кўтарилгандек, Бобомурод аканинг фазилатлари ҳам бирин-кетин очиларди. Ёшларга мерос бўлиб ўтарди.

ЖАВОҲИР

Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.
Кўпларнинг баҳтига ўзликни жамлаб,
Шу улуғ бинога бир ғишт қўймоқ бас.

Гафур Гулом.

— Қашш, онаси, қўлпнгизни очинг,— деди Мамазоқир ака нонуштадан кейин, негадир кўзларини яшириб, Санталат опа дастурхонга фотиҳа ўқилар экан-да, деб ўйлади. Ота кеча поёнига етмаган тортишувни шартта кесди:

— Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл! Оқ йўл, ўғлим!

Санталат опа қўлини кўтарган жойда юзига тортишни ҳам, пастга туширишни ҳам билмади. Кўзига мильт-мильт еш сизиб чўқди.

— Ҳафа бўлманг, онажон, Олмалиқ қочиб кетганий ўқ, ораси яқин, келиб тураман.— Расул онасига эркаланди.

— Менинг ниятим, бу эмас эди, ўғлим,— деди Санталат опа таҳмонга таҳлаб қўйилган духоба, шоҳи, бекасам кўрпа-тўшакларга қараб олгач.— Орзу-ҳавасингни кўрсам дегандим. Ҳалн ҳам бўлса, яна бир ўйлаб кўр. Тошкентдек шаҳри азимда беш йил ўқидинг. Сотингланман, ҳали дийдорингга ҳам тўймасдан яна кетаман, деяпсан.

— Онажон, йўғламанг! Дадамни қаранг ҳеч ҳам ҳафа бўлмаятилар.

— Отанг эски дайдилар-да,— деди Санталат опа эридан ўпкалаб.— Кўч кўтариб ўрганиб қолганлар.

Расул онаси нимага шама қилаётганини дарҳол тушуни. Отасининг ҳикояси эсига тушди.

— Ўғлим Расулжон, қандай қилиб, киндик қонимиз тўкилган Андижондан Бекободга келиб қолганимизни сўраб қолдингиз, деганди ўшанда Мамазоқир ака.— Ях-

ши сўрадингиз, сўрамаганингизда ҳам мавриди келганда ўзим айтиб беришни ният қилиб қўйгандим.

Бунга анча йил бўлди. Сиз унда гўдак эдингиз. Фарҳод ГЭСп қурилаётган эмиш, усталар зарурмиш, деган овоза эшитилиб қолди. Ўша вақтда мен Андижон обласи бўйича қурувчилар штабида ишлардим. Бошлиғимиз, Фарҳод ГЭСи қурилишига одам ажратсак, яхши бўларди, деб ўртага гап ташлади. Ҳамма жим. У яна сўзлади. Ҳеч кимдан садо чиқмади. «Бу ерда қилаётган ишимиз ҳам зарур. Илло, ГЭС қурилиши бундан ҳам зарур бўлса керакки, биздан кўмак даркор бўлиб қолипти», деган фикр кўнглімдан ўтди. Шу маҳал сардор ўрнидан туриб, овозини кўтариброқ мурожаат қилиб қолди:

— Бўлмаса, штабимиздан қурилишга борадиган азamat чиқмади, деб айтамиз-да, шундайми?

— Бола-чақани ҳам ўйлаш керак-да,— деди ўртароқда ўтирган гавдали бир йигит дўриллаб.

— Нима, республикамизнинг бошқа жойларидан келайтган кишиларнинг бола-чақаси йўқми? Тўғри. У ерда дастлаб шарт-шароит бу ердагидек тўла-тўқис бўлмайди. Аммо, ҳукуматимиз болаларнинг ҳам, катталарнинг ҳам ғамини еб қўйган. Озгина қийинчиликдан чўчилмаса бас...

— Мени ёзинг, мен бораман,— дедим мен ўшандা.— Давлатимиз бир иш қилса, кўпнинг ғамини еб қўл уради. Шу қурилиш кўпга зарурдиркӣ, бирон фойдаси бордирки, киришган.

Менга бошқалар ҳам эргашди. Ўйлаб, режа билан иш тутувчи эрининг феълини билган Санталат пошиша чурқ этмай, Бекободга кўчиб келди.

Она «эски дайдилар-да» деб шунга шама қилаётган экан.

Расулжон Тошкент Политехника институтининг қурилиш факультетини тамомлаб, энди қанот ёзаётган ёш Олмалиқ шаҳрига бориб ишлашга аҳд қилганда, бу во-

қеа хаёлига ҳам келмаган экан. У эл-юрт учун энг керакли, мутахассисларга ташна бўлган қурилиш маскани деб Олмалиқни танлаган эди. Йигит ота йўлидан борайтганидан хурсанд бўлиб қўйди. Отаси эса, фарзанди ўзига ўхшаганидан қувониб, шукронда ўқиди.

Расулнинг кетишига ота-она рози, дўстлари рози бўлишди-ю, фақат бир киши рўйхущлик бермади. У — район қурилиш ташкилотида ишлайди, ўзларига қариндош бўлади. Шундай бир йўл топилсанки, у киши ҳам тушунса, фотиҳа берса. Йигит алламаҳалгача шуни ўйлаб, уйқуси келмай ётди. У ёш бўлса ҳам отасидек охирини ўйлаб иш тутишга ўрганганд. «Сизни шу умидда ўқитганимидик. Олий маълумотли қурувчи бўлганингизга беҳуда қувонган эканмизда. Инженер ўзимиздан чиқиб қолди, иморатларимиз навбат кутиб ётмайдиган бўлди, деб юргандик...» Қариндошининг куйиб-пишиб сўзлаган гаплари қулоғи тагида такрор-такрор жаранглайди. «Катта қурилишга одам ҳаводек зарур экан», деса. «Қишлоқчаки? Юртчилик, сен бормасанг бошқаси борар», дейди.

Нафсилаамрини айтганда, унинг куйганича ҳам бор. Колхоз бақувватлашган сарн, деҳқоннинг орзу-ҳаваси кўпайиб боряпти. Қишлоқда бинокорлар қўлма-қўл. Инженер шуларни кўнглидан ўтказди. Бир қоладиган бўлди. Кейин яна ўйлади. «Бу қурилишлар ҳамиша бор. Қайтиб келгандан кейин давом эттирасам ҳам бўлади». Кетадиган бўлди. Дилига яна бошқа фикр келди. «Бу киши районда обрўли одам. Фалончининг боласи мана, эл-юртни назар-писанд қўлмай, кетиб қолди», деса нима деган одам бўламан, ота-онам қандай қилиб бош кўтариб юради. Ҳамма заруратдан кетаётганимни билмайди-ку». У яна қоладиган бўлди. «Йўқ, Расул,— деди у ўзига-ўзи,— энди кўпчилик олдида сўздан қайтган бўласан! Яхшиси эртага, яна гаплаш, тушунтири!»

Эрта билан қариндошлариникига келган Расулжон унга куйиб-пишиб фикрини ўтказишга ҳаракат қилди:

— Авваламбор, илгари ҳам айтгандим у ерда биринчи навбатда битказилиши зарур бўлган қурилишлар бўлгани учун кетяпман. Кейин у ерда шу пайтгача қурилмаган мураккаб бинолар, жуда қисқа муддатда қурияпти. Бундай қурилишлар қурувчи-инженернинг мустақил, атрофлича фикр юритиб ишлаши учун кенг имкониятлар беради. Кейин кутилмаган муаммолар чиқиб қолади, уларни ҳам тез ва сифатли қилиб ечиш керак. Мен шунинг учун ҳам Олмалиқга бормоқчиман. Иш ўрганиб келмоқчиман. Тайёр, кўриниб турган ишни ҳамма ҳам қилса бўлаверади.

— Мен бунчалигини ўйламаган эканман, фойдаси бор экан, мен ҳам рози,— деди қариндоши.

...Куппа-кундуз куни адашиладиган кимсасиз яйловлардан, даралардан ўтиб, Олмалиқ шаҳрига кириб борган Расул, ҳаммадан олдин, истиқболига қўлини чўзиб турган баҳайбат кўттарма машиналарнинг кўплигини кўриб, ҳайратда қолди. У кўп шаҳарларда бўлган, лекин бунчалик кўп машинани кўрмаган эди.

Расул енг шимариб ишга тушиб кетди. Иирик Олтинтопган кон-металлургия комбинати қурилишининг бошидан-охиригача тер тўқиб меҳнат қилди. Капитал қурилиш бўлимида катта инженер бўлиб ишлади. Кейинчалик Олмалиқ кечки қурилиш техникумига директорлик қилди. Бир қанча вақт Олмалиқ рух заводи қурилиши трести партия комитетининг секретарининг ўринбосари бўлди. У қаерда бўлмасин зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этардп-ю, лекин ҳавоззанинг хумори тутарди, қурилишга интиларди.

1968 йилнинг 17 нояброда матбуотда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Олмалиқ химия заводи қурилишини жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Олмалиқда йилига бир неча юз минг тонна юқори сифатли концентратлашган ўғит ишлаб чиқарадиган қудратли химия заводи қурилиши бошланажаги, бу жуда қисқа

муддатда — 1969 йилнинг IV кварталида фойдаланншга тоширилажаги таъкидланган эди.

Расул пешонасинн си slab, ўйлаб қолди. У одатда биронта муаммони ечмоқчи бўлниб шундай қиласди. Бир оз шу тариқа ўтиргач, қофоз билан қалам олди:

«Олмалиқ химия заводи қурилишининг бош пудратчи ташкилоти, Мөхнат Қизил Байроқ орденли «Алмалик-свищстрой» трестининг бошлиғига...»

Шу пайт эшни қўнғироғи жиринглаб қолди.

Расул чиқиб қараса, икки укаси — Алишер билан Райимжон турнишити. Улар қучоқлашиб кўришиши.

— Қалай, отамлар, ойимлар, ҳаммангиҳ саломатмисизлар? Хўш келибсизларда.

— Газетада: «Олмалиққа келинг, дўстлар» деган мана бўя чақириқин ўқиб келавердик.

— Жуда соз бўлтида. Онам хафа бўлмадиларми?

— Иўқ, ака! Сизнинг ибратингиз хўш яхши бўлдида. Аканг кетаётганда, юрагим ачишган эди. Борнб кам бўлгани иўқ. Майли, бора қол, дедилар.

— Яхши ўйлабсизлар,— деди Расул.— Мен ҳам шу қурилишга ўтказишларини сўрамоқчи бўлиб юрибман. Биргалашиб ишлаймиз. Сизлар эшилтиларингизми иўқми, ўзи ҳам шу вақтгача Иттифоқда ҳеч бир кўрилмаган катта қурилиш бўлар экан. Энг қисқа муддатда барни этнларкан.

Тунов куни қурилиш штабида йигилиш бўлди, уни бунёд қиласдиган ҳамма ташкилот, ҳамма министрликларининг фикри эшилтилди. Бу қурилиш битгач, Қозоғистоннинг Қоратовидан чиқадиган фосфоритдан мамлакатда биринчи марта экстракция усулида фосфор ўғити ишлаб чиқарилади. Завод қурилиши эса қисқа муддатда тутатилиши — тўрт юз эллик кунлик иш 300 кунда бажарилиши керак.

Алишер билан Райимжон Олмалиққа эсон-омон келганларини ота-онага хабар қилиб қўйишмоқчи бўлишди.

— Юринглар — деди Расул,— телеграмма жўнатиб

бўлиб қурилиш бўлаётган жойни кўриб келамиз. Ҳозирча автобус йўқ, пиёда боришга тўғри келади.

— Яхши, томоша қилиб кетамиз,— деди Алишер.

Олмалиқ шаҳридаги кенг асфальт йўлларни, кўп қаватли уйларни, жамоат биноларини кўрган киши унинг яқинда қурила бошлаганлигига сира ишонмайди. Қисқа вақтда дунё ҳаритасидан ўрин олган бу шаҳар ҳалқимиз қудратининг мужассам бир ҳайкали!

Улар шаҳар четига чиқишиди. Рўпарада Қурама тизма тоғлари шундоққина кўриниб туради.

— Мана бу — Олмалиқ мис эритиш заводи,— деди тушунтириб Расул.— Үнинг нариги ёғи химия заводи.

Тоғ этагига туташиб кетган кенг майдонда ҳар хил бинокорлик материаллари, пойдевор учун қазилган чуқурлар, тупроқ уюмлари кўзга ташланарди. Қурилиш майдонининг этаги каналга бориб тақаларди.

— Ёзда ҳам салқин бўлса керак,— деди Райимжон қизиқсиниб.— Бир ёқда қорли тоғ, арчазор, иккинчи ёқда канал...

— Шабада эсиб туради. Суви муздек, ичган сари ичгинг келади. Фақат чўмилишга эҳтиёт бўласан, кўринишдан сокин бўлса ҳам, оёғинг тушди, ўраб олиб кетади. Тоғдан, баланддан оқиб келади-да.

Телеграммани жўнатиб, уйга қайтишиди.

Эртасига Расулжон укаларини бошлаб штабга борди. У ерда ака-укаларни мамнун кутиб олишди.

Расулжон иккинчи қурилиш участкасига бошлиқ қилиб тайинланди. Укалари ҳунар ўрганадиган бўлишди.

Расулжоннинг бешта комплекс қурилиш бригададан иборат қарийб 200 кишилик участкаси — Олмалиқнинг об-ҳавосини билиб олган турли ихтисосдаги тажрибали қурувчилар, монтажчилар билан янги келган кишилар қўшилиб ташкил этилган коллектив енг шимариб, ишга тушди.

Қиши кутилмаганда жуда совуқ келди. Кексаларнинг

айтишича, кейинги тўқсон йил давомида бунаقا қалин қор ёғмаган экан — икки метрдан ошди. Темирни ушласанг оҳанрабодек чиппа ёпишади. Изгирин кўз очишга қўймайди.

Шундай кунларнинг бирида Расулжон Зокиров бригада бошлиқларини идорага тўплади.

— Азизлар, ташқари совуқ, бирор бизни ишла, деб мажбур қилмайди. Лекин гап бўйнимиздаги вазифамизда. Бекор ўтиргунча, бекор ишласак, эрта-индинга ўзимизга осон бўлади. Қимирлаган қир ошади, дейдилар. Бир уриниб кўрмаймизми?

— Ер яхлаб ётибди, уни қимирлатиб бўлармикин?— деди пучуқ йигит.

— Уни қўй, қор аралаш совуқ бўрон бурнимизни учириб кетмасмикан дегин?— деди ўрта яшар, кўзи кулиб турган киши асқия қилиб.

Бошлиқни баъзилар қўллаб-қувватласа, баъзилар, жуда бўлмаса шамол бир оз секинласин, бир-икки кун сабр қилайлик дейишиди.

Эртаси куни тонгда Олмалиқ кўчаларидан бир киши дадил юриб борарди. Қор бўралаб ёғар, изгирин игна санчарди.

— Нурматов, бу ёққа келинг,— деди дераза ойнасидан кўчага қараб турган аёл.— Анови Расул эмасми!

— Ҳа, ўша! Кеча айтсам ҳеч ким ишонмаган эди. Бари бир бориб ишлайди. Қани, коржомамни олиб бер, ёлғизлатмай!

Бетончи Нурматов унинг кетидан эргашди. Оппоқ қорда олдинма-кетин бораётган икки кишининг қомати яққол кўринарди.

— Ие, Расул билан Нурматов-ку,— деди дераза ёнида соқол олаётган пайвандчи Оллаёров.— Ахир, айтганини қилибдида.— У ҳам апил-тапил коржомасини кия бошлади.

— Мехмондорчилик нима бўлади?— кўзларини катта-катта очиб сўради рафиқаси.

— Мәҳмандорчилик қочмас,— у кўчага имо қилди.— Уларни ишлатиб, биз иссиқ уйда ўтирсак, номардлик бўлмайдими?

Тизза бўйи қордан уч киши ҳеч нарсани писанд қилмай, йўл очиб бораради. Қейин уларга арматурачи Жалолов, дурадгор Маматов ва яна бошқа кишилар қўшилди.

Заводни ишга туширувчи комплекснинг бошлиғи В. Ким қурилиш тарафга юрса, машина йўли теп-текис босилиб ётибди. «Қайси азаматлар ишга чиқишибди?— дея кўнглидан кечирди у ва тезроқ бориб кўришга шошилди.— Бу бўрон, бу совуқда ишлашга тогдек юрак керак. Мәҳнатнинг оғиридан қўрқмайдиган, ҳормас одамлар ким экан?».

В. Ким завод қурилишига яқинлашар экан, узоқдан фуж-фуж бўлиб ўтирган одамларнинг қораси кўринди. Ўртада тик турган Расул қўлларини силкитиб гапиради:

— Дўстлар, ишимиз кўп. Бунинг устига табиат дам ўчакишаёт. Бу шароитда, одатдагидек, кўз кўрган ишни қилиб кетолмаймиз. Ҳар бир бажариладиган ишни ипидан-игнасигача пухта ўйлашимиз, материаллар, ускуналарни эҳтиёт қилишимиз лозим. Менимча ишни икки-уч сменада ташкил этиш керак. Шунга нима дейсизлар?

Кеча бир-икки кун сабр қилиб туришни таклиф қилиб турган киши олдинга чиқди.

— Кўз қўрқоқ, қўл ботир деганлар. Бир уриниб кўрайлик...

Участкада иш қизиб кетди. Машиналарнинг ҳайқириғи тинмайди, пайвандчилар учқун сачратиб қаватма-қават кўтарилиб боришади. Одамлар бўлакча бир гайрат билан мәҳнат қилишар, совуқни писанд қишлишмас, руҳлари тетик эди.

Қурилиш участкаси идорасига келган иккинчи қурилиш бошқармасининг бошлиғи Рем Сергеевич Даль

Расул Зокировни сўраган эди, унинг ҳеч идорада ўтири-
маслигини, қурилиш майдонида бўлишини айтишиди.

У Расулнинг бошлиқман деб бир жойда ўтиримай,
ҳамма ишга қўл уриб кетаверишини эслаб, «олов» дея
жнлмайниб қўйди. Қурувчилардан бири бошлиқни, Зу-
фар Гимаев бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат
бригадасида кўрганини айтди.

Расулнинг Зуфар ака бригадасида эканларини эши-
тиб, Рем Сергеевич қувониб кетди. Бу кишидан кўп нар-
сани ўрганиш мумкин. Ўзи ҳам ёшлардан тажрибасини
аямайдиган одам.

Қор майдалаб ёғяпти. Шамол аралаш юз-кўзларга
игнадек қадалади.

Эрта билан қурилиш майдонига келган Расул Зоки-
ров икки кишининг кечаси жуфтакни ростлаб қолганини
эшилди. Шу кунгача ҳам бўлмаган воқеа, бирор ҳафа
қилдими, бирон нарсадан кўнгли тўлмай қолдими ёки
иш оғирлик қилдими, нега кетади? Ўзи ишчи кучи зарур
бўлиб турган пайтда, бугун иккиси, эртага яна бошқаси
кетиб қолса, бу ёги нима бўлади? Улар билан яхши шу-
ғулланмаяпманми, ишлолмаяпманми, нега кетади? У
кишилардан сўраб-суринтириди. Ҳеч ким тайнли бир
гап айтолмади. Кечак ҳамма қатори ишлаб баравар қай-
тишган экан. Ётоқхонада ҳам ҳеч қандай кўнгилсиз во-
қеа юз бермабди. Расул йигирма йилдан буён йирик
фабрика ва заводлар қурилишида ишлаб келаётган,
кўпни кўрган Зуфар акага маслаҳатга борди. Зуфар
ака 1951 йилда Олмалиқдаги рух заводида, кейинроқ
мис бойитиш фабрикаси, мис эритиш заводи қурилиши-
да қатнашган. Ҳозир химия заводи қурилишида брига-
дир.

Зуфар ака ўғли Ринат билан бу ерга келишганда
атроф ҳувиллаб ётарди. Химия заводи тикланаётган
жойга олиб борадиган йўлкалар, корхона майдонини
ўраб турган бетон плиталар Зуфар ака бошлиқ брига-
данинг қўлидан чиққан. Расулнинг таклифи билан бў-

лажак корхона учун жойни ҳозирлаган ҳам шу бригада.

У Зуфар акани иккинчи қурилиш участкасининг прораби Сафар Мамасолиев билан суҳбатлашиб турган ҳолда учратди.

Сафар aka кеча идорада, қурувчилар йиғилишида бўлган гапларни сўзлаб берарди.

— Йигилишда, тайёр маҳсулотлар омборига пойдерворни вақтида қўяётганимиз, тўрт юз эллик тонна металл-конструкция қўйиш учун жой тайёрлаб берганимиз, узун пролетлик ферманинг монтажи учун жабҳа ҳозирлаб қўйганимиз ҳақида гапиришди. Сизни, Расул акани, бригада аъзоларидан Яша Никоноровни, Николай Куцни, Анатолий Кузнецовни роса мақташди, социалистик мусобақа ташкил этишни, графикни бажаришни ўшалардан ўрганинглар, дейишди.

— Ўрганса арзиди,— деди шу маҳал етиб келган Рем Сергеевич.— Иш майдонини озода, саранжом-сарышта тутишни ҳам ўрганишса бўларкан. Ҳа, айтгандек, табриклайман, трест Қизил Байроқни яна сизларга қолдиришга қарор қилди.

Рем Сергеевич, Зуфар, Сафар акалар қувонч билан бир-бирларини қутлашди.

Расул жим.

— Ҳа, Расул, бу гапларнинг сенга даҳли йўқми?— деди Рем Сергеевич шодлиги ичига сифмай.

— Нега энди..

— Нега бўлмаса, қувонмайсан?

— Бугун кечаси икки ёш ишчимиз қочиб кетипти.

— Ҳали шунга хафа бўляпсанми, ундай «қуён»лар учраб туради. Уйда ўтириб олиб, шон-шуҳрат жарақ-жарақ пулни кўз олдиларига келтириб довдирашиб келиб қоладиганлар ҳам бўлади шунақа. Келиб қарасакп ҳамма ёқда меҳнат, меҳнат, меҳнат... Бунга чидаган чидайди, чидамаган қочиб қолади. Нима дедингиз, Зуфар aka?— деди у бригадирга мурожаат қилиб.

— Қўпинча шундай бўлади. Лекин баъзи янги жой, янги иш, қўнкимаган шароитдан зерниб, кетиб қоладиганлар ҳам бўлади. Шунда бир меҳрибон қўл, устоз бўлса, илдиз олиб кетади.

— Мен шу ёини айтмоқчи эдим. Агар рози бўлсаларнингиз, бир вақтни тайин қилсак-да ўтириб гаплашиб олсак.

Улар кечқурун учрашадиган бўлишди.

Расул бригададан қайтишда укаси Райимжонни кўриб қолди.

— Ишдан бўш вақтингда идорага кирсанг бўлмайдими?— ўпкалади у укасидан.

— Идорада бўлсангиз экан! Бугун уч кун бўлди, уйдан хат келган, бераман, деб сизни ҳеч тополмайман.

— Алишер ўқидими?

— Уқиди. Майли, ака, мен кетдим, дастгоҳ тўхтаб қолди.

Расул хатни юрган йўлида ўқимоқчи бўлди-ю, ўқий олмади, ёғиб турган қор халақит берди. Йўл ёқасига ўтиб тахлаб қўйилган темир-бетон плиталарнинг панасида хатни очди.

«Жигарбандларимиз, болаларимиз! Хатингизни олиб тинч-омон ишлаб юрганларнингизни эшитиб, беҳад мамнун бўлдик.

Ўглим Расулжон, уканг Алишернинг ҳам, бетончилик, ҳам монтажчилик қилаётганини, ҳам трактор минибетон ташиётганини эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Йигит кишига қирқ ҳунар оз. Үргатавер, болам. Райимжон ҳам бинойидек дурадгор бўлиб қолипти. Эсимда, ҳунаримиз йўқ, қийналиб қолмасмиканмиз, деб кўп ташвиш қилишган эди. Интилганга толе ёр, деб шуни айтадилар-да. Омон бўлинглар.

Ха, айтгандек, укаларингдан хабар олиб тур. Фаҳмлашимча, бир оз қийналишётганга ўхшайди».

Расулнинг иссиғи чиқиб кетди. Нега қийналади, бу гапни қаердан олди, отам? Ё Алишер, ё Райимжон бир

нарса деб ёзиб юборишган! «Булар ҳам қочиб қолишмасайди», деган фикр миясини зирқириатиб юборди. Қани билай-чи? У укаларини қидириб кетаётган эди, қурувчи-лардан бирп автовокзалда қочоқларни кўрганини айтиб қолди.

...Участка бошлигини кўрган қочоқлар саросимага тушиб қолишиди. «Ялиниб-ёлвориб орқамизга қайтариб олиб кетади», деб ўзларини панага олмоқчи бўлишиди. Лекин Расул тепаларига келиб қолди. Унинг ранги ўчиб, сезилар-сезилмас титраётган қўлларини бир-бирига ишқай бошлади. Совуқдан увишган қўлларини бир оз жонлатиб олгач, Расул қўйин чўнтағидан қофоз олиб, улардан бирига узатди:

— Ма ол, йўлланмани қолдириб кетибсан. Олиб қўй, ёшлигингдан эсадлик бўлади.

У жуда босиқ гапирди. Сўнг орқасига ўгирилиб кетаётган жойида тўхтаб, қочоқларга қаради:

— Ҳаво бузуқ, автобус кетмай қолса, совуқ еб, бу ерда қолиб кетманглар, ётоққа борнб, дам олиб, эртага жўнасангиз ҳам бўлади.

«Нега уришмади, нега ялинмади? Ҳа, биз кетган билан қурилиш тўхтаб қолмайди. Биз икки киши кетсак, ўнлаб одам келялти-да. Нима, ишлаётганлардан бизнинг кам жойимиз борми, нега бесабрлик қилиб қочяпмиз? Кўпчиликка нима деймиз? Мана бу ёшликтан фахрли эсадлик эмас, хунуқ ёдгорлик бўлиб қолди-ку!» Улар тахминан шундай деб ўйлаб, Расул билан қорама-қора қурилишга қайтдилар. Расул уларни кўрмаса ҳам, қорнинг ғарч-ғурчидан эргашиб келаётганларини сезиб борарди.

Бориб Зуфар aka билан Рем Сергеевчга бўлган воқеани айтиб, кечкурун овора бўлиб юрманглар, леб атайлаб келганини билдириб, жўнашга тутинди. Рем Сергеевич уни тўхтатди. Эрталаб, авзойини кўриб сўрамаганини, участкадаги ишлар қандай бораётганлигини суриштириди.

— Қўкка бўй чўзиб қолган тайёр маҳсулотлар омбо-

рини, экстракция ва аммофос цехларини, ускуналар озиқланадиган павильонни кўрнб хурсанд бўлдим,— деди бошқарма бошлиғи.— Одамларингнинг ғайрати ҳам зўр. Қишининг забтини писанд қилмай ишлашяпти. Энди вагонларни тепловозсиз жилдирадиган воситалар ўрнатиладиган бетон полни бошласангиз ҳам бўлар.

— Хотиржам бўлинг,— деди Расул.— Бошлаб юборганимиз.

— Қойил. Иш деган мана бундоқ бўпти.

Улар мамнун хайрлашишди.

Расул укаларини қидириб бораркан, йўлкалар четидаги қатор яшикларга кўзи тушди. Мана бу Пензадан келган компрессор экан, униси Свердловскдан келибди — вакуум фильтрлари... «Яшасин-эй!» деди қувончи тошиб Расул. Шу пайт улкан яшикнинг орқасидан ўрта яшар киши чиқиб келди.

— Ҳа, Расулжон, жуда кайфингиз чоғ.

— Ўзим шунчаки... Қаранг, завод Олмалиқда қурияпти-ю, Иттифоқимиздаги ҳамма шаҳарлар унинг ғамини еб ётишипти.

— Ҳн еттита йирик корхонадан машина, ускуна келяпти-я, тағин ҳаммаси ўз вақтида келяпти. Илгари уларни олпиз кварталма-кварталга белгиланар эди, энди ойма-ойига тақсимланган.— У кўзларини мугомбирона қишиб, қўшиб қўйди:— Ҳозир буюртмаларимизнинг кўпине келиб қолди. Энди ўзимизнинг қурувчиларпмпз уялтиришмаса бас.

— Йўғ-э... уялтиришмас,— деди Расул.— Одамлар астойдил ишлашяпти.

«Укаларим билан кечқурун гаплашарман», деди-да, арматурачилар ёнига кетди. «Қеча оддий арматура билан темир-бетон буюмлари етмай анча ташвишлантирган эди. Бугун ҳам тағин қурувчиларнинг вақти бекор ўтмасин». Йўқ, трестнинг у хонасидан бу хонасига чопиб қилган ҳаракатлари беҳуда кетмабди. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмай ишлашяпти.

— Бугун овқатни мўлроқ қил,— деди Расул уйга келгач, рафиқаси Альбинага. — Гап бор, қайниларингни айтиб келдим.

— Жоним билан. Лекин дарсингиз нима бўлади? (Расул техникумда саноат корхоналари ва уй-жой қурилиши бўйича дарс ҳам беради.)

— Бугун дарсим йўқ-ку!

— Ҳа, ростдан-а... Мен суюқроқ бирор нарса қилмоқчи эдим. Ошга айлантириб қўя қолайми?

— Ўзинг биласан.

Укалари айтилган муддатда етиб келишди.

— Қани, очигини айтинглар, қайси бирингиз нима деб ёзган эдингиз? Отамиз жуда безовта бўлиб қолиптилар-ку! Очиқ айтинглар, ўшанга яраша жавоб ёзмасак, эрта-индин кўнгиллари тинчимай, совуқда овора бўлиб келиб қоладилар.

— Мен бунчалик бўлишини билмай баъзи бир гапларни ёзиб юборган эдим,— деди Райимжон.

— Қанақа гапларни?— сўради Расул.

— Газетада ҳам ёзишди-ку, маданий-маиший хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермайди, шаҳар билан қурилиш обьекти оралиғида автобус қатнамайди, ишчилар овқатланиш учун узоқ йўл босиб юришга мажбур бўлишяпти, деб мен ҳам шуларни ёзгандим.

— Бу камчиликлар бартараф этилди-ку?

— Бу энди бўлди-да. У пайтда...

— Э, ука, ёшсан-да. Уларни ташвишга солиб нима қилардинг!— Учаламиз бирга жавоб ёзиб уларни тинчтайлил,— боядан бери гапга аралашмай ўтирган Алишер.

Расул қофоз билан ручка олиб, Алишернинг олдига қўйди.

— Мен айтиб тураман, сен ёзаверасан, хоҳлаган жойингизга қўшимчангизни айтасизлар, қўшиб қўямиз. Эз!

«Ассалому алайкум ҳурматли отажон, мўътабар онажон!

Биз соғ-саломатмиз. Ишларимиз яхши. Гўзал Олмалиқда гашт қилиб, ишлаб юрибмиз. Бу шаҳарда гашт қилгудек нимаси бор дерсиз? Томоша қиладиган жойлари кўп. Ҳозир бу ерда ўн минглаб киши яшайди. Шунча аҳолиси бор шаҳар кичик бўладими. Сиз устасиз, бу қанчалик катта шшилгини биласиз. Қанчадан-қанча жамоат биноларп бор. Биргина мактабнинг ўзидан 27 та. Бофча ва ясли, магазин ва ошхона, шифохона ва клуб, театр ва кино-театр дейсизмн — ҳаммаси бизнинг хизматимизда. Ҳатто техникум, институтнинг филиаллари ҳам бор.

Бизнинг завод қурилшида ҳам шчи-хизматчиларга зарур нарсаларнинг ҳаммаси аста-секин бут қилиб берилмоқда. Бу ёғидан хотиржам бўлинг.

Бош планга кўра, шаҳар аҳолиси яқин йилларда 180 минг кишига етаркан. Олмалиқ билан Оҳангарон шаҳарлари бир-бирига туташиб кетаркан.

Биз қурилаётган заводимиз ишга тушиши билан кончилар, металлурглар, бинокорлар шаҳри бўлиб келган Олмалиқ кимёгарлар шаҳри ҳам бўлиб қолади.

Икки оғиз, заводимиз ҳақида. У бу йил ишга туширилади. У ернинг хамиртуриши бўлган аммофос деб аталадиган аъло навли ўғит ишлаб чиқаради. Бу жуда зўр ўғит. Бир тонна аммонийлаштирилган суперфосфат ўғитининг ўрнини босади. Бу демак, ташиш, ортиш, ерга солиш ишларини уч ярим марта камайтиради. Ҳосилдорликни оширишдаги таъсир кучини айтмайсизмн. Хуллас, деҳқоннинг жонини киритади. Пахтамиз тез, мўл етиладиган бўлади.

Шундай, ота, катта ишга қўл урган халқимизнинг қаторидаги нори бўлиб туршибмиз. Биздан кўнглинигиз тўқ бўлсин.

Сўраганларга биздан кўпдан-кўп салом айтинг. Агар хоҳловчилар бўлса, марҳамат, келишсин, ўзларига ҳам,

юртга ҳам фойда, умрларида сира эсдан чиқмайдиган катта бир воқеа бўлиб қолади.

Хайр, соғ бўлинглар!»

Эрта билан уч оғайнини ботирлар завод қурилишига бирга йўл олишди.

АҲДУ ПАЙМОН

Андижон сафарида қаерга бормайлик Хайрихон Эргашеванинг номини тақрор-тақрор эшидик. Қизиқиб, кўришишга ошиқдик.

— Марҳамат танишинг, Хайрихон Эргашева!— деди ҳамроҳимиз. Балиқчи район партия комитетининг биринчи секретари Абдурашид Тожибоев.

Қаршимизда уч аёл туради. Учови ҳам оддий кийинган, оёқларида этик, бошларида соchlарига қўшиб танғилган дурра. Учовлон ҳам ширин жилмайшиб туришарди. Мен уларнинг орасидан йўқлаб келганимиз— раисани саралаб, аввал кўришмоқчи бўлдим. Уларнинг на кийинишиларидан, на туришларидан ва на қарашларидан фарқ тополмай, бир чеккадан сўрашдим. Сўрашдиму гапнинг очиғи, қўнглимдан ўтказдим: раиса деган, ажralиб туради... Райком секретари ҳазиллашдимикан? Ялт этиб унга қарадим. У ҳам халқ билан муомала қилиб юрган зийрак ходим эмасми, фикримни уқди:

— Кечирасиз, ҳамма таниганига, сиз ҳам биласиз, деб ўйлабман. Хайрихон,— деди у ўнг томонда турган аёлни кўрсатиб.— Бу сингилларимиз дугоналари — турсунойчилар.

— Нима фарқи бор, ҳаммамиз бир одам-да,— деди раиса.— Қани ичкарига марҳамат.

У суҳбатдошлари билан хайрлашиб, бизни эшигига «Правда» колхози деб ёзилган бинога бошлади. Биз ўйланниб қолдик.

— Бошқа маслаҳат борми?— сўради у.

Аввал кўкламда сув тошган ерларни кўриб келсак!— дедим.

— Қорадарёнинг бўйларини? Майли,— деди опа босиқ оҳангда, худди ҳеч нарса бўлмаганидек.

Рансанинг бу гани, менга унинг ҳалиги «...ҳаммамиз бир одамда», деган камтарона сўзларини эслатди. Бу сўз унинг кўринишдан майин-мулойим, содда, ширинсуҳан, аммо ўз ишига шухта, аҳдига вафоли, андижонликларга хос қиёфасини кўз ўнгимга келтирди.

Биз колхоз қишилогини пиёда томоша қилиб кетишни афзал кўрдик. Қенг асфальт йўлдан борардик.

— Бундан бир оз илгари шу ерлардан юрганингизда ковушингиз у ёқда турсин, этигингизни ҳам ечиб олиб қоларди,— деди Абдурашид ака.— Лой тиззага чиқарди. Ёзапоя борми, қамиши борми, шоҳ-шабба борми ерга ёйиб, устидан амаллаб ўтиларди.

— Мана бу қурилаётган катта бино нима?— сўрадим, гумбаз шаклли деразалар ўрнатилган, чироили иморатини кўрсатиб.

— Ҳаммом,— деди ранса,— алоҳида-алоҳида хоналарни ҳам бўлади. Колхозини. Бунақаси район марказида ҳам йўқ.

— Шундай-ку-я,— деди район секретари.— Гац келганда айтай, биргина бизнинг районда эмас, бошқа жойларда ҳам район марказларини обод қилиш қамчи талаб иш. Ўрни келганда, сиз қаламкашлар ёзиб, шу масалага эътиборни жалб этсаларингиз яхши бўларди,— менга мурожаат қилди у. Мен маъқул пиорасини қилиб, рансадан сўрадим.

— Ўй-жойларни пишиқ гиштдан қурибсизларми?

— Еримизини қаранг, шўр. Шундан илгарилари деҳ-қон лой чангллагани чангллаган эди. Бу йил қуарарди, келаси йили шўралаб ағанайверарди — уйи ҳам, девори ҳам. Биз шунни ҳисобга олиб, бир оз қиммат бўлса ҳам, уй-жойни ҳам, жамоат биноларини ҳам пишиқ гиштдан қуришни маъқул кўрдик. Ҳозир колхознинг,

колхозчинииг даромади яхши, бунга қурби стади. Ўтган йили ҳар бир меҳнат кунинга уч сўм ўттиз бир тийиндан тўладик. Бир қуриб олса, ҳар йили ремонт қилиб юрмайди, бу ёғидан ютади. Ҳозир юзга яқин хўжалик шундай уйга кўчиб кирди. Ҳадемай қолган оилаларни ҳам кўчирамиз.

— «Правда»ликларнинг бу ташаббусини Балиқчи район партия ва ижроия комитети маъқуллаб, бошқа ҳамма хўжаликларга тавсия этди.

Эсимга тушди, областнинг бошқа хўжаликлиридаги, нишиқ гиштдан қурилган сонсиз-саноқсиз биноларни кўрганимизда Хайрхоннинг номини кўп эшигандик. Бу бежиз эмас экан-да.

Шу маҳал қушнинг қанот қоққани эшитилди. Ҳаммамиз бирдай товуш келган томонга, тепага қарадик. Икки ёни мезанага ўхшаб ишланган дарвоза устунининг тепасида юк машинасининг гилдирагидек ксладиган уя узра лайлак парвозга чоғланарди.

Лайлак кўкка кўтарилди. Хайрхон опа унинг учшини сокин кузатса ҳам, ўйида ўтган йилга тошқин, унинг ташвишлари жонланиб, чуқурлашиб бораарди.

— Мозор,— деди Абдурашид ака, дарвозага, гир айланган тўрт пахса девор томонга ишора қилиб.— Бу колхозда ота-боболар ҳам яхши эъзозланади. Донгдор кишиларга, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, колхоз тузишда, Улуғ Ватан урушида қатнашган, алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга сағаналар қилинади...

Сўқмоққа бурилдик. Лайлак йўлнинг боши уланиб кетган майдонга қўнди.

— Хув, ўша, лайлак қўнган жойлар ҳам пахтазор эди ўтган йили,— деди опа. Бу маҳал биз чеккалари осмон билан туташиб кетган сайҳон ерга чиққан эдик. Ер паст-баланд, ҳамма ёқда катта-кичик тошлар сочилиб ётибди.

— Бари Қорадарёнинг иши,— деди раиса уларни кўрсатиб.— Ӯшанда қишлоқни сув босишига сал қолди.

Абдурашид Тожибоев колхоздаги тошқинни айтиб берди.

...1966 йилнинг 7 майдан 8 майга ўтар кечаси эди. Fўза бирнчи ишловдан чиқарилиб, етарли миқдорда ўғитланиб, иккинчи парварпшга тайёргарлик кўриларди.

«Правда» колхози правлениесининг бошлаган ташаббуси кўп рансларни ҳайратга солиб, областдан ошиб, республикага ёйниб борарди. Қандай ташаббус денг?

Бир кун ндорада ўтирасам, Хайрхон кирпб келди. Айлантириб ўтирмасдан тўғрисини шартта бебўёқ айтиб қўядиган одати бор эмасми, ўтирмасданоқ деди:

— Колхозимизнинг планин ошириб берсангиз! Шунга келдим.

— Планинни? — тушунолмай қайтарпб сўрадим. Шу найтгача, ҳеч қайси раис, маррага тезроқ етишни ўйлаб, були камайтириб беришни сўраб келган бўлса борки, оширишни хаёлига ҳам келтирган эмас. Звено, бригадалар орасида бўлгану колхозда асло. Қани, аниқлай-чи, деб сўрадим:

— Қанақа планни?

— Пахта планинни-да, ҳар гектардан олиниши планлаштирилган 22 центнерни 25 центнердан қилиб беринг!

— Планлар тасдиқланиб бўлинган — бир. Шароитларингиз, имкониятларингиз чуқур ўрганилниб, план реал тузилган — икки. Мумкин эмас. Ортиқча ҳосил берсангиз, нур устинга аъло нур, ҳеч ким қўлпингизни тутмайди, бераверасиз.

— Абдурашид ака, колхозчини ишнинг бошидан бошлаб, юқори планни мўлжаллаб меҳнатга чорласак, якун шунга қараб яхши бўлади. Бундоқроқ план тўғри, шуҳрат келтиради-ю, кишини дангаси ҳам қилиб қўяди, бу давлатга ҳам, ҳамёнга ҳам зарар. Биз правленида шуни ўйлаб шуҳрат учун эмас, эл-юрт, юқори даромад учун ишлашга аҳду паймон қилдик.

Область партия комитетига бордим. У ерда бўлган ганин айтдим:

— Ўзимизнинг областда хотин-қизларни бригада, колхоз раҳбарлигига дадил кўтариш ташаббускори бўлиб чиққан Хайрихонми?— сўрашди.— Дарров, плани ўзгартиринг, бу аёлни биласиз-ку, сўзини ерда қолдирадигилардан эмас, ўзгартирибгина қолманг, бошқаларга ҳам ёйинг, биз ҳам бу ташаббусни область миқёсида амалга оширамиз.

Кечаси соат уч эди. Чўлдаги колхоздан келардим. Узоқдан радиода ганираётган аёлнинг овози эшитилди. Соат нотўғри эканда, ҳали радио тинмабди, деб ўйладим. Қулоқ солдим.

— Диққат-диққат! Мұхтарам ҳамқишлоқлар! Қорадарёниг сувни тобора кўтариляпти. Тайёр туринг, машиналар шай, лозим бўлиб қолса, бир зумда бошқа жойга кўчирамиз. Тајёр туринг...

Бу Хайрихон эди, колхоз радиоузелидан ганиради.

— Тўғри, ўша ерга ҳайда,— дедим шофёрга.

— Хайрихон қани?

— Колхозчилар билан сой қиргогига хашак босиш яити...

Сойнинг бошига ўтиб бўлмасди. Ҳамма ёқ сув. У томондан кишиларнинг «ҳа, бўл»и эшитиларди.

Ўша томонга сизиб кетдик. Қоронгиди, Хайрихоннинг одамларга далда бергувчи хитоблари эшитиларди. У эл қатори жон-жаҳди билан ишларди. Улар сойга сув тушадиган жойда сунъий тўғон ясаб, сув ҳамласини қайтишарди. Тўсатдан кўзим тушиб қолди, тўғоннинг ёнини сув ўпирив ишләётганларнинг устига босиб кела бошлади.

— Қочинглар, ўширилди!— деб юборганимни ўзим сезмай қолдим. Қейин ўша томонга отилиб, дуч келган биринчи кишини, қаршилигига қарамай қиргоққа судрадим, қолганлар тўлқин урмасдан бизга эргашиши.

— Хайрихон!

Сизиб кслайтган киши жавоб берди:

— Мен бу ердаман!

Биз турган жой сўқмоқ эди, сув тиззадан келарди.
Қўлидан тортиб олдик раисани.

— Одамларни кўчириш керак!

Биринчі гани шу бўлди. Қишлоққа юзланган эдик,
«ҳозир» деб, яна дарё томонга қайрилиб кетди.

— Хайрихон, борманг!

У қулоқ солмади. Кетидан эргашдик. У тўғри бориб
қиргоқдаги уйнинг деворига қаради.

— Хайрият!— деди-ю, шалоп этиб сувга ўтириб қол-
ди. Югурниб бориб кўтариб олдик. У энди хотиржам га-
пирди: «Улчовимизга қараги, сув пастлабди. Тезда
қишлоққа хабар қилинг, жуда безовта бўлиб кетишиди,
сув қайтди денг, бемалол ором олишсин!»

У ўрнидан тураркан, атрофдагиларга қаради: ҳам-
ма сиҳат-саломатми, дегандек эди.

— Э, кечирасиз, Абдурашид ака, келганингизни сез-
май қолибмиз, фўзалар нима бўлади?

«Одамлар ва фўзалар,— кўнглимдан ўтказдим,— қан-
дай ажойиб, меҳнатсевар кишиларимиз бор! Пахта ва
ҳаёт ёнма-ён. Бу ўзбек халқининг ўзига хос фазилати
эмасми!»

— Бош омон бўлса, дўпни тошилади,— дедим тўппқ-
қа тушиб қолгап сувга боқиб.

Идора ёнида тумонат одам. Улар орасида қўшии
«Ленинград», «Қизиқ юлдуз», «Пахтакор» ва Ленин
номли колхозларнинг аъзолари ҳам бор эди. Ёрдамга
келишипти.

Илгари марзашниг ўринин талашган, сув учун бир-
бирини пичоқлаган, қўшии экинига ўт кетса сув сениш
ўришга, пуфлаган катта срилилар ўринда, бир тан, бир
жон дехқонлар, янги одамлар туришарди.

— 150 гектар ердаги ҳосил юнилиб кетган бўлса,
план нима бўлди?

— Азаматлар, бўйи келишмади Қадимги эртаклар-
даги паҳлавонларга ўхшаб, табнатиниг ҳамма инжиқ-
ликларнин енгиб, аҳду паймоига содиқ қолишиди. Ҳар

гектар ердан ўртача 26 центнердан ҳосил қўта-
ришиди.

— Бу йил ҳавфнинг олди олинигандир..

— Унчалик эмас,— деб гапимни илиб кетди рапса...
Биласизми, биз қўлимиздан келганча, эҳтиёт шартларини
кўрамиз: сепоя қўйянимиз, шагал уйяпмиз. Бу оз. Кол-
хознинг асосий ери Қорадарёниг қирғоғида, дарё ёқа-
сига темир-бетондан девор қилинмаса, у тинчимайди.—
У куюниб сўзларди.— Баъзи ҳисобдан режакорларга
қўшилолмайман: нимадан фойда кўп, қайси ишнинг за-
рари ортиқча — ҳисоблаб чиқиб, иш кўрмайдиганга ўх-
шайдилар. Дарё-ку, бир йил эмас, неча вақтдан бўён
экинларни ювиб кетади. Катта зарар келтиради. Келинг
дарёни танобини тортиб қўйялик, десак тайсаллашади.

Хайрихон Эргашева. Биз бу муборак ном билан боф-
лик айрим ташаббус, намунали мөҳнат саҳифаларини
гина варақладик. Унинг жасорати, журъати бу йилги
тошқин оқибатларини енгишда намуна бўлмоқда. Унинг
ҳаёти Совет ҳокимияти оддий деҳқонга нималар берга-
нини кўрсатувчи кўзгудир. Унинг турмушкида, ишида,
обрўсида, камолида чинакам ўзбек халқи донишмандли-
ги, камтарлиги, фаровон ҳаёти, мөҳри дарё қалби бал-
қиб турибди.

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

Муҳтарама хонада ёлғиз қолди. У аста юриб, ланг
очиқ дераза ёнига борди. Гуллаган дарахтлар атрини
олиб келаётган шабадага юзларини тутиб, узоқларга
тикилди. Шу тариқа бир оз туриб, яна стол ёнига қайт-
ди. Колхоз раиси, партия ташкилотининг секретари,
фермадаги дугоналарн кун бўйи қўлдан-қўлга ўтказган
эстониялик Пейс Лейда Аугустовнадан келган хатни
олиб, қайтадан ўқиди.

«Ҳурматли Муҳтарама!

Сизнинг очиқ хатингизни олдим. Менинг мөҳнатимга

коллективингизнинг юксак эътибор берганлиги қалбимни тўлқинлантириб юборди.

...Ха, сиз билан биз, турли шароитларда меҳнат қиласигиз, ҳўжаликларимизни ҳам бир-биридан узоқ масофа ажратиб турибди. Лекин ҳар иккаламиз ҳам бир мақсад йўлида жавлон уроямиз. Мен ўзбек халқининг «Манзил узоқ, кўнгил яқин» деган доно мақолини чин юракдан сезиб турибман. Мен ҳеч қачон кўрмаган кишилар ўз хурсандиличлари ва ташвишларини мен билан ўртоқлашмоқдалар, меҳмонга таклиф қилмоқдалар, ўз наебатида кўп вакиллар мудаффақиятларимизнинг «сири»ни ўрганиши учун совхозимизга ташириф буюрмоқдалар...

Муҳтарама, мен қўлга киритаётган мудаффақиятларнинг «сири» сизни ҳам қизиқтиrsa керак. Назаримда, у иккаламизда ҳам бир хил — топширилган ишига вижедонан, катта масъулият ҳисси билан муносабатда бўлишдан иборат. Бу талаблар биз сут соғувчиларга ҳам, чорвани озуқа билан таъминловчи молбоқарларга ҳам, ишилаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилиб, меҳнат ва турмуш шароитимиз тўғрисида ғамхўрлик қилаётган ҳўжалик раҳбарларига ҳам таалуқлидир.

Юз бош сигирли подани парвариши қилиши ва ҳар бош сигирдан 5300 килограммдан сут соғиб олиш осон иши эмас. Бу тўғрида сиз мени тушунасиз. Мен шу юксак маррага интиляпман.

Ҳурматли Муҳтарама!

Мен сизнинг ўзаро мусобақалашиш тўғрисидаги чақириғингизни бажону дил қабул этаман ва сизни совхозимизга келишга таклиф қиласман. Учрашувимиздан, тажриба алмашувимиздан ва шу баҳонада дўйст-қадрдан бўлишимиздан чин кўнгилдан хурсанд бўламан.

Ишларингизга катта омад, барака тилайман.

Ҳурмат билан:

*Лейда ПЕЙПС.
1975 йил».*

Муҳтарама эстон қизининг камтарлигига, ҳурмат-эътиборига қойил қолди. КПСС Марказий Комитетининг Баш секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга ўз ишлари ҳақида ҳисоб бериб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсан табригига сазовор бўлган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони баҳтли аёлнинг жавобидан беҳад қувонди. «Бутун мамлакатга донги кетган сут соғувчи мусобақа-лашишга рози. Энди берган ваъдангни улдасидан чиқа олсанг бас. Марра сеники!»

Лейда Пейис мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур сут соғувчи. У ўз хўжалигида биринчи бўлиб 110 бошдан иборат бир групиа сигирни согишини бошлаб берган. Биринчи бўлниш ҳам фахрли, ҳам қишин. Болгариялик Василька Бойчева, молдавиялик Нина Бурдужа, грузиялик Заира Алханишвили, ўзбекистонлик Анастасия Чудная сингари моҳир сут соғувчилар у билан азалдан мусобақадош. Сигирни қўлда согишидан бошлаб, группа усулида соғишишга бўлган ҳамма ишларни муваффақиятли амалга ошириб келаётган Лейда Пейис юқори меҳнат унумдорлигига эришди. Эстониядаги «Вильянди» совхозининг сут соғувчиси Лейда Пейис КПСС Марказий Комитетининг Баш секретари Л. И. Брежневга ёзган хатида ўз зиммасига яна қўшимча катта мажбурият олди:

«Леонид Ильич! Мен 15 минг центнер сут соғаман, деб тўққизинчи беш йилликда олган социалистик мажбуриятимни 1974 йил иккинчи ишонда бажардим. Ўтган йилнинг охиригача 17384 центнер сут согиб олдим. Мен ўзимнинг қарамогимдаги 100 бош сигирнинг ҳар бириндан 5200 килограммдан, хўжалигимиз бўйича согиб олинган ўртача миқдордан 1000 килограммдан кўп сут согиб олдим.

Ўз имкониятларимни чамалаб кўриб, беш йилликнинг якунловчи йилида ўз қарамогимдаги сигирлардан 4800 центнер, ҳар бир бош сигирдан 5300 килограммдан сут согиб олиш мажбуриятини оламан».

Донгдор сут соғувчилар Социалистик Мәҳнат Қаҳрамонлари Мунаввар Исоқова, Анастасия Чудная сағидан муносиб ўрин олғаи Мұхтарама Лейда Аугустовнанинг бу хатини газетада ўқиб унга мурожаат қилишни, тажрибаларини ўрганиб, у әгаллаган юксак маррага етиб олишни орзу қилди. Ү сиртдан уятчан, тортингчоқроқ бўлиб кўринса-да, иродали, айтганини қиладиган аёл эди.

Уша кундан бошлаб бор һмкониятларини чамалашга тушди. Босиб ўтган йўлини кўз ўнгига келтириди. Нимага интилган, нимани орзу қилган бўлса ҳаммаси рўёбга чиқиб келаётганини ўйлаб, анча дадиллашди. Биринчи дадил одим ташлаган, ташаббус билан чиққан йилини эслади. 1969 йилнинг бошида колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши бўлди. Маърузага чиққанлар цахта, маккажӯхори, сабзовот ва бошқа хил қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиширишни айтиб, ўз зиммаларига юқори мажбуриятлар олишиди. Бригадалар билан бригадалар, механизаторлар билан механизаторлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил қилинди. Чорвадорлар номидан Мұхтарама сўз олди. Минбарга чиқишга чиқди-ю, ўйлаб қўйған гашларини йўқотиб қўйди. Индамаса яна бўлмайди. Бир оз жим туриб, ўзини босиб олди-да, тўсатдан: 1969 йилда боқувимдаги сигирларининг ҳар бошидан 4 минг 200 килограммдан сут соғиб оламан, сут соғувчи билан сут соғувчи ўртасида ҳам мусобақа бўлишини таклиф қиласман, деди. Сут-товар фермаси колективининг топшириғига мувофиқ мажлис аҳлига боқимидағи сигирларидан икки минг 700 килограммдан кам сут соғиб оладиган бирорта соғувчи бўлмаслигини айтди. Уша вақтда бу ракамлар ҳали амалда кўрилмаган эди. Қизчанинг ўз зиммасига олган юксак мажбурияти ҳақидаги хабар тезда районга, Бухоро обlastига тарқалди. Бир йилда ҳар бир соғин сигирнинг сутини ўртача 300 килограммга кўпайтириш осон иш эмасди.

Муҳтарама берган сўзининг устидан чиқиши, сут оқимиши ошириш йўлларини ўйлаганда, қишининг қаттиқ келишини кутмаган эди. Тўсатдан совуқ қаҳрига олди. Қаттиқ қишига мўлжалланмаган молхона, бузоқхоналарда ишлаш мушкуллашди. Суғориш агрегатларидаги сув музлаб қолди. Сигир, бузоқларга ем-хашак бериш, оғильтоналарни тозалаш ишлари қўлда бажарила бошланди. Сигирларнинг сути кўпайиш ўрнига, мўлжалдагидан ҳам камайиб кетди.

Нима қилиш керак? Қандай бўлмасин берган сўзининг уддасидан чиқиши шарт. Зоотехник, ферма мудири Ҳамид ака Норпўлатов билан ҳамкорликда қишилик озуқа рационига ўзгариш ва қўшимча киритди. Ҳаво совуқлигини ҳисобга олиб, соғин сигирларга берилаётган кунлик концентратни 400 грамм, бўғоз сигирларга берилаётган емни 300 грамм кўпайтирди. Ёш бузоқларни арпа унидан тайёрланган атала билан боқа бошлади. Сигирхоналар ва бузоқхоналарга печкалар қурдириди.

1968 йилда маккажўхоридан юқори ҳосил етишитириб, ҳар бош сигир ҳисобига 15 тоннадан силос бостирилган эди. Беда, пичан, турли дағал ва майин хашакдан эҳтиёт фонди жамғариб қўйилганди. Бу фонд ўша совуқ кучайган кунлари жуда асқотди. Сигирларнинг сутини камайтириб қўймаслик учун бир кечакундузлик силос миқдорини 10—12 килограммга кўпайтирилар. Аммо совуқ борган сари кучаяр, ширали хашак камайиб бораради. Муҳтараманинг ташвиши ортарди. Унинг илтимосига биноан майин ва дағал хашакдан қоришма тайёрлашга киришдилар. Бу қоришмани сигирлар иштаҳа билан ейишли, нушхўрд чиқмайдиган бўлди.

Бир куни у деразадан ҳовлига боқиб ўтиаркан, тарновдан осилиб турган сумалакни кўриб ажойиб бир фикр эсига келди. Сув — сигирлар сутини кўпайтириш омили-ку. Сут таркибидаги мойни оширишда ҳам сувнинг аҳамияти кагта. Сигирлар ем-хашакка тўйса-ю,

сувга қонмаса мўлжалдаги сутни бермайди. Қарийб икки ой давомида сигирлар ва бузоқларни илтилган сув билан сугордилар. Маҳсулот миқдори кўпайиб, сифати яхшиланаверди. У йилнинг биринчи кварталида сут тайёрлаш иланини ошириб бажарди, совуқ бошланган паллада камайиб кетган сутнинг ўринини тўлдириди.

Муҳтарама шуларни эсларкан, бенхтиёр жилмайди. Шкафдан сарғайиб қолган газета олди. Унда дастлабки муваффақиятни қўлга киритган сут соғувчининг «Сут — барака дарёси» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Шуидан кейин, кутимаган қувончли воқеалар содир бўлди. Ўзбекистон Компартиси Марказий Комитети бу мақолани маъқуллаб қарор қабул қилди. Қарорда ҳар бош сигирдан 4 минг 200 килограммдан сут согиб олиш мажбуриятни қабул қилган Муҳтараманинг ташаббуси маъқулланиб, унинг тажрибасини кенг ёйиш айтилган эди. Бундан руҳланган қиз ўша йили доҳий В. И. Ленин түғилган куннинг 100 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, юбилей кунгача ҳар бош сигирдан 4 минг 200 килограммдан сут соғиб олиб, социалистик мажбуриятни шараф билан бажарди. Йил охиригача яна 1000 килограммдан ортиқ сут соғиб берди. У ўшандаёқ бир нарсага ишонч ҳосил қилган эдикни, сигирлар яхши парвариш қилинса, вақтида кўрикдан ўтказилиб турилса, сутини кўпайтираверади. Чунки боқимидаги сигирлар тўққиз йил олдин қандай бўлса, ўшанда ҳам шундай эді. Фақат уларга бўлган муносабати ўзгарди. Меҳнат илмий асосда ташкил қилинди. Фан-теника ютуқлари, илгорлар тажрибаси, ҳаётга татбиқ этнлди. Сигирларни боқиш, соғиш ва озуқа рационини алмаштиришда қаттиқ тартиб ўриатилди. Энг муҳими, сигирларнинг мижозини яхши ўрганиб олди, очиқтирмай ёқтирган озуқасини берди, чанқатмай сугорди. 1960 йилда ҳар бош сигирдан 1800 килограммдан сут олинган бўлса, 1969 йилда унга 2500 килограммдан сут қўшилди,

мой миқдори 4 процент ортди. Мұхтараманинг юзи ёруғ бўлди.

Шу йилдан бошлаб у илғор тажрибаларни янада чуқурроқ ўргана бошлади. У меҳнатнинг кечаги усули, буғун қўлланмаслигини, ўзгартириш, такомиллаштириш кераклигини яхши англарди. Анастасия Чуднаянинг энг арzon сут етиштирганини эшитиб, унга эргашди. Бунинг ҳам уддасидан чиқди. 1971 йили Мұхтарама бир центнер сутнинг таннархини 30 тийинга арzonлаштириди. Яъни ҳар бир центнер сут олиш учун пландаги 8 сўм 10 тийин ўрнига 7 сўм 80 тийин сарфланди. Ёки йил давомида колхозга 33 минг 133 сўм фойда келтпреди. 1972 — 74 йилларда ҳам ҳар бир центнер сут таннархини 30 тийинга арzonлаштириди. Бир центнер сут олиш учун етти ярим сўм сарфлаб, колхозга ҳар йили 31 минг 70 сўмдан соғ фойда келтириди. Бу — ибратли кўрсатгич эди.

Мұхтарама ферманинг аҳил коллективи эришган ютуқларни ҳам бир-бир ёдидан ўтказди.

Инсон умрида ҳам, коллектив ҳаётида ҳам унutilmas кунлар, воқеалар бўлади. Шундай воқеалардан бири 1965 йилда КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми бўлди. Пленумда чорвачиликни ривожлантиришнинг ойдин йўллари белгилаб берилди. Ферма ходимлари март Пленуми қарорларини қўнт билан ўрганишди. Сиёсий мактаб машгулотларида қарорнинг мақсади кенг тушунирилди. Фан ютуқларини, илғор тажрибаларни амалда қўллашга астойдил киришдилар. Сигирларнинг насли яхшиланди, сут етиштиришда механизациядан кенг фойдаланишга ўтилди. Шу асосида ферма ҳамма кўрсатгичлар бўйича ўсишга эришиди. Саккизинчи беш йиллик муваффақиятли якунланди. Ферманинг районга, областга донғи кетди. Аммо ем-хашак базасини мустаҳкамламай туриб, янги муваффақиятларга эришиши мушкул эди. Фермага қарашли алоҳида бедачилик, маккажўхорикорлик бригадалари

ташкил этилди. Интилганга толе ёр дейдилар. Чорвадорлар сут етиштириш ва давлатга сотиш тўққизинчи беш йиллик режаларини тўрт йилда ошириб бажардилар. Давлатга беш йиллик планда белгиланган 2622 тонна ўрнига 2882 тонна серқаймоқ сут тоинширилди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейнга муносиб тўёна ҳозирлашди. Фермадаги 400 бош сигирнинг ҳар биридан 2120 килограмм ўрнига 3295 килограммдан сут соғиб олинди. Бузоқ олишда ва уларни сақлаб қолишида ҳам намуна кўрсатдилар. Ҳар юз бош сигирдан салкам 90 бош соглом бузоқ олинди.

Энди ферма колективи гўшти кўпайтиришга киришди. Молларни бўрдоқи қилиб боқишига эътибор берилди. Гўштга ажратилган моллар алоҳида рацион билан парвариш этилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 412 килограммдан ошиб кетди. Давлатга гўшт сотиш юзасидан олинган мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди.

Фермага — «Коммунистик меҳнат колективи» деган фахрли ном берилди. Шу орада ферма колхозлар учун зотдор сигирлар етказиб беришга ихтисослаштирилди. Чорвадорлар бу соҳада ҳам намуна кўрсатиши. Тўққизинчи беш йилликнинг тўрт йилнда кўшни колхозлар учун икки юздан ортиқ наслли гунажин берди. Колхоз катта иқтисодий фойда олди.

Ҳозирги пайтда фермадаги асосий ишлар тўла механизациялаштирилган. Бу — кам меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот етиштиришни таъминламоқда. Техника туфайли фермада иш маданийти ҳам юксалди.

У шуларн эсларкан, Лейда Пейс билан бемалол беллашиши мумкинлигига яна бир бор ишонди. Ферма колективига, колхоз раҳбарларига ўз ниятини айтди. Улар маъқуллашиб, ёрдамга тайёр эканликларини билдиришди. Шу тариқа Лейда Пейисга очиқ хат билан мурожаат қилди.

Хатдан парчалар ўқиймиз:

«...Хурматли Лейда Аугустовна!

Мен 16 йилдан буён сут соғувчи бўлиб ишлайман ва сизнинг меҳнат муваффақиятларингиз тўғрисидаги ҳикоянгиз, хатда кўрсатилган рақамлар, бу йилги планларингиз мени ҳам ҳаяжонлантириди.

Бизда пахтачилик билан бир қаторда жамоат чорвачилиги асосий тармоқлардан ҳисобланади. Колхозимиз тўрт йил ичида беш йиллик топшириқни гўшт тайёрлаш бўйича —133 процент, тухум бўйича —135 процент ва сут бўйича —101,2 процент бажарди. Ўтган йили комсомол-ёшлар сут товар фермаси коллективи катта муваффақиятларга эришиди ва социалистик мусобақа якунлари бўйича областда биринчи ўринни эгаллади.

...Мен ҳозир мураббий ҳисобланаман. Машина билан сут соғиши сирларини 10 нафар соғувчига ўргатдим. Улардан Эргашой Болтаева, Руқия Эргашева, Хидоят Шодмонова, Саломат Болтаева, Муҳаббат Латиповалар ҳозирнинг ўзида областимиздаги илфор сут соғувчилардан ҳисобланишади.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқ-қига Мурожаати ҳар биримиздан олдимизда турган вазифаларга диққат-эътибор билан қарашни, имкониятларни чуқур таҳлил этишини, мавжуд резервлардан фойдаланишига ишчанлик билан киришишини талаб этди. Лейда Аугустовна мен ҳам сиз каби партиямиз чақириғига зарбдор меҳнат билан, сут соғишини кўпайтиши билан жавоб бершига қарор қилдим, Менинг мажбуриятим ҳар бир сигирдан 4500 килограммдан сут соғиб олиб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига яна 360 тонна сут этишишидан иборатдир. Менинг дугоналарим ҳам беш йилликнинг якунловчи йилида юксак мажбурият қабул қилдилар.

...Мен сизга мурожаат этиб, келинг мусобақалашайлик, дейман. Биз беш йилликнинг якунловчи йили ва бутун беш йиллик топшириқларини бажаришга ўзимизнинг ҳиссамизни қўйшамиз, жонажон Коммунистик пар-

тиямизнинг XXV съездини муносиб меҳнат соввалари билан кутуб оламиз.

Хурмат билан: М. ФАФФОРОВА».

Мана бугун хатига жавоб келипти. Эстония республикасида чиқадиган «Рахва Хяэль» («Халқ овози») ва «Советская Эстония» газеталаридаги иккى дугонанинг бирбирига ёзган очиқ хатлари эълон этилди.

* * *

Бухоро шаҳридан Фиждувон районига қараб борардик. Пахтазорлар кўм-кўк бедазор билан алмашди.

— Муҳтарама Фаффорованинг далалари!— деди ҳамроҳим Абдулла ака Музофаров.

У ям-яшил дараҳтлар орасидан мўралаб турган оп-поқ ферма биноларига боқиб ўйга чўмди. Мен Абдулла Азимовичнинг одатини билардим. Узоқ йиллардан буён маориф, маданият, партия ишларидаги хизмат қиласётган, ҳозир Бухоро облости партия комитети пропаганда ва агитация бўслимнин бошқарастган Абдулла ака сермулоҳаза, етти ўлчаб бир кесадиган одам.

— Одамни қобилиятини, келажакда ишмаларга қодир эканлигини кўра билиш ҳам бир санъат экан. Тасаввур қилинг, эрта кўклам, қордан бўшаган қуп-қуруқ ер. Бугун қарайсиз гиёҳ йўқ, орадан кўп ўтмай дастлаб битта нозик ниҳол шамоллардан қўрқмай, қаттиқ ерни ёриб чиқади. Ерга жон, файз киритади. Қўзларни қувонтиради, қўнгилларни хушиуд этади. Сўнгра сезмай қоласиз, ер қўша-қўша ниҳоллар билан қопланади. Биринчи бўлиб, ерни ёриб, чиққан ниҳол улар орасида йўқолади. Уни ажратолмайди, киши. Чуки, бошида эътибор қилинмайди-да. Ҳамма соҳанинг ҳам, касб-хунарнинг ҳам худди шундай биринчиси бўлади. Уни вақтида пайқаб, авайлаб, асраб, ўстиреангиз бошқалари унга қараб чумак уради, меваси зўр бўлади. Муҳтарама ҳам саккиз ёшида сут согинига киришган. Жажжи

бармоқларининг кучи етмай, икки кафти билан соғған. Үнинг сут соғнишга иштиёқини биринчи марта онаси сезиб, ардоқлаган.

Қизчанинг таржимаи холи Улуг Ватан уруши йилларида қишлоқларда туғилиб-ўсган кишиларники каби. У 1942 йилда Бухоро облатининг Гиждувон районидаги Зарангари қишлоғида «Коммунизм» колхозида колхозчи-дэҳқон оиласида таваллуд топган. 1959 йилда ўрта мактабни тамомлаган.

Эртакларда-ю, аниқ учта йўл айтилган: «Тўғрига борсанг... ўнга юрсанг... чапга отлансанг...» деб. Асрий орзулар рўёбга чиқсан баҳти даврда ўнинчи синфни битириб, мустақил ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизнинг йўли кўп. Муҳтараманинг ёдига онасининг сут соғнишига бўлган рағбати, фермага боргани, Мусаллама опанинг «шогирдликка оламан» деган илиқ сўзлари, тажрибали ўқитувчисининг хайрлашув кечасидаги сода, аммо чуқур маъноли гапи келди: «...Ёшлар файрн-табии ишларни қидиришади, узоқлардаги улкан иншотларга интилишади. Имкон бўлса, бу яхши. Лекин, унумтамангки, ҳар бир хўжаликнинг ҳам ўз қўриқ ери, темир йўли бор. Кишини юзага чиқарадиган ҳалол меҳнат. Қайси соҳада, қайси касбда ишламанг меҳнаткаш бўлинг. Юрагингиз жиз этган йўлни танланг. Қасбни ҳунарга, санъатга айлантиришга интилинг.

Муҳтарама етуклик аттестатни олгач, тўғри фермага келди.

Ўнга фермадаги кўп нарса таниш бўлса-да, сўраб-сурштирадигани, ўрганадигани кўп эди. Кўпчилик унинг саволларига бажону дил жапоб берардилар. Бир куни Мусаллама Муқимова фермага келса, Муҳтараманинг кўзлари қизарган, қўли ишга бормай турибди. Мураббий шогирдининг бу ҳолатини дарров сезиб, сабабини аниқлашга киришиди. Қизнинг ўзи айтмаслигини англаб, эшигтан гапларини ундан тасдиқлаб олди.

— Савол берсанг, бу ер сенга болалар боғчаси эмас,

сендайларнп кўпини кўрганмиз, дейишдим? Бу гапнинг жони бор. Мактабни неча киши битирдиларингиз-у, фермага қанчангиз келдингиз. Озчилик. Шундайми? Нега? Баъзилар фермага ҳурматсизлик билан қарашади. Бу — бир. Иккинчиси, сенгача ҳам фермада ишлайман, деб келиб, савол-жавобни кўнайтириб, хайр-хўшни насиya қилиб қочиб қолганлар бўлган. Лекин сендан умидимиз катта. Сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим. Тағин молбоқар амакингни гапини кўнглингга олиб, гунг бўлиб юрмагин. Унда ютқизасан. Одам салга лаб буравермайди, энди ёш бола эмассан!

Муҳтарама устозининг бу гапларига ичида қўшилди. У, қишлоқ хўжалигига оид газета, журналларни мунтазам ўқиб турдн. Энг яхши тажриба, тавсия, фан ютуқларидан бехабар қолмади.

У то 1967 йилгача сигирларни қўлда соғди. Дастрлабки йили ўзига биркитилган йигирма бош сигирнинг ҳар биридан 1200 литрдан сут соғиб олган бўлса, 1965 йили ҳар бир соғин сигирдан мўлжалланган 1700 литр ўрнига 2100 литрдан сут олди. 1967 йилга келиб ҳар бир сигирдан соғиб олган сутни 3163 литрданга айланди.

Энди илғор сут соғувчи Муҳтарамани тажрибалари ҳақида галириб бериш учун бошқа фермаларга, мактабларга — битиравчи синф йиғилишларига таклиф қиладиган бўлишиди.

Ўзи тамомлаган мактабида бўлган учрашувлардан бирини эслайди. Ўнинчи синф ўқувчиларидан бири шундай савол берди:

— Ишни қандай бошлагансиз, фермага келишингизга қаршилик кўрсатгандар ҳам бўлганми?

— Мен согувчилик касбини ёшлигимдан севардим. Ота-онам ҳам яқинларим ҳам билишарди. Мен фермага ўз хоҳишим билан келдим. Ҳеч ким тўсқинлик қилгани йўқ, аксинча бутун оиласиздагилар бу қадамимни рагбатлантиришдн. Тўғри, олий ўқув юртига бориш, ўқиши давом эттириш ҳақида гап бўлди. Лекин, хоҳиш бўлса,

ишлиб туриб ўқиш мумкинлигини билиб, мажбур қилишмади.

Рост гап. Дастьлаб қийналдим. Ҳалқимиз, юк кўтарган, юзага чиқади, дейди. Рост-да, тажриба бўлмагац, қийналасан-да. Чидасанг, кейин осон. Бошқа нарсаларни айтмайман, бир гапни сўзлай. Фермага янги борган пайтим. Бошқа соғувчилар ҳар бир сигирдан кунига 7—8 литрдан сут олишади, меники бўлса, ҳар қанча уринсам ҳам 3-4 литрдан ошмайди. Нўноқлигимдан хафа бўлиб кетаман. Бу етмагандек, сут бериб турган учта сигир сутдан тортилди. Хижолатдан фермани ташлаб кетмоқчи бўлдим. Бунга рози бўлгандар ҳам топилди, аммо кўпчилик йўқ деди: «Ҳаммамиз ҳам дастьлаб шундай қоқилганмиз. Зарари йўқ. Агар шуни баҳона қилиб, фермадан кетмоқчи бўлсанг, у бошқа гап, йўлингни тўсмаймиз. Кетишига чоғлаганимдан жуда-жуда уялиб кетдим, ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим. Яна ишни давом эттирдим.

Мана энди кўриб турибсиз, ишларим ёмон эмас. Ўқиши ҳам, иш ҳам, оила, бола-чақа ҳам ўзича давом этяпти.

Муҳтарама қишлоқ хўжалик журналида сут соғишининг янги усули ҳақидаги мақолани ўқиди-ю, яна тинчи бузилди. Одатича, бор имкониятларни хомчўт қилиб чиқди. Янги усулга бемалол ўтиш мумкин, имконият бор, деган хуносага келди. Энди буни кимга, қайси йўсинда тушунириш керак? Яқинда келган ҳали ўзини тузукроқ кўрсатмаган қизнинг бу гали ўринли бўлармикан. Тажрибали сут соғувчилар, мутахассислар нега индашмайди. Улар узоқ ишлашиб, борига кўникиб қолишганмикан. Таваккал, журналдаги мақолани ўртада ўқиб бераман, янги усулни афзаллигини ўзлари айтишсин.

Сутни механизация йўли билан соғишига кўчиш — колхоз раҳбарларининг ҳам, тажрибали сут соғувчиларнинг ҳам мақсади бўлиб чиқди. Колхоз раиси тегишли кишиларга сут соғишини механизациялаштиришга кетади-

ган сарф-харажатларни ҳисоблаб чиқишини топширди. Шунда у, иқтисодчилардан бирининг, муштдай қизниниң сўзига кириб раис бува ҳам янгишаптилар, қанча пул беҳуда сарфланади, деганини эшитиб қолди. Бошқа гап ҳам қулоғига чалинди. Фермани механизациялаш-ку бир гап бўлар, уни ишлатишга ақли етадиган одамни қаердан топишади. Сут соғувчиларнинг қўлларидан нима келарди, эртага арзимаган бир ери бузилиб қолса, йиглаб ўтиришдан бошқа нарсани билишмайди. Раис бу гапларнинг керагини олиб, мутахассислар, инженерлар топишни ўйлаб қўйди-да, ишни жадаллаштирди.

Қўп ўтмай механизмлар билан сут соғишини биринчи бўлиб, тажрибали Мусаллама оша Муқимова бошлаб берди. У механизмлар ёрдамида бир йўла ўн икки сиғирни соғди. Йиғирма икки сут соғувчи, улар қатори МуҳтарамаFaффорова ҳам унга эргашди. Бундан колхоз ҳам, ферма коллективи ҳам яхши манфаат кўрди. Шунда Муҳтарама сут соғишининг яна янги усули чиққанини эшитди.

У дастлаб ферма мудирига, бош зоотехникка учрашиб, сут соғишининг янги усулига ўтишни таклиф этди. Улар ўрганинг, имкониятларни ҳисоблаб чиқиши зарурлигини айтишди. «Бу йўлга ўтнш, тағин ҳам самарали, — деди Муҳтарама, — бир киши 45—50 бош спигирни бемалол соғади. Ишчи кучи, маблағ тежалади, сут арzonга тушади».

Янги усулга ўтиш қўллаб-қувватланди. Колхоз моддий жиҳатдан бунга қодир эди. Фақат унинг бошқа томони мутахассисларнинг, хўжалик раҳбарларининг тортишувига сабаб бўлди. У ҳам бўлса, бино масаласи. Бир группа одамлар янги жойда, янги бино қуриш керак, деса, бошқаси мавжуд имкониятларни кенгайтириб, такомиллаштиришни айтди. Аслinda иккала томон ҳам ҳақ эди. Фақат қайси бири арzonроқ тушади? Раис шу ҳақда ўйлар эди. Фермага янги, замонавий талабларга, механизацияга жавоб берадиган бино зарур. Лекин ҳо-

зирча янгп бино қуриш шарт эмас, борини реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш лозим. Бундай қилишнинг иқтисодий фойдаси кўпроқ. Мавжуд бинони қайта ускуналашга маблаг, янгисига нисбатан озроқ кетади. Бу — бир. Иккинчидан, меҳнат кам сарф бўлади. Сўнгра, экин экиб ҳосил олиб турган унумдор ерни қурилиш майдончасига айлантириб қўймаймиз. Бу — уч. Янги бинони қурадиган бўлсак ҳам шу томонига эҳтиёт бўлишимиз керак. Унимсиз аммо қурганда ҳам қулай ерни топиб қуришимиз керак. Раиснинг бу гапи ҳаммага маъқул бўлди. У ич-пичидан Мухтарамадан хурсанд эди. Сут соғишини кўпайтираман деб қанча йирик ишларни бошланишига сабабчи бўлди. Ферма реконструкция қилиниб, илфор тажрибалар асосида сут соғиб олиш қайта механизациялаштирилди. Мутахассис инженер-техниклар фермада сут соғиб олишнинг янги «Молокопровод»— сут узатиш усули ускуналарини тез фурсатда қуриб бердилар. Янги соғиши механизмларини қўллаш фермада соғин сигирлар сонини кўнайтириш имконини берди. 1974 йилнинг бошлари гача Мухтарама ишлайдиган сут-товар фермасида 400 бош сигир бўлиб, йигирма иккى киши соғарди. Сут соғиши қайта механизациялаштирилгач, бу ишни 9 киши бажарадиган бўлди. Янги таклиф амалга ошгунча ҳар бир соғувчи кўп деганда ўн саккиз-йигирма икки бош сигирдан сут соғиб олишга эришган эди. Янги усул ҳар бир соғувчига 45—50 бош сигирдан сут соғиб олиш имконини берди. Агар 1973 йилда ҳар бир соғувчи ўрта ҳисобда 46 тонна сут соғиб олган бўлса, 1974 йилда ҳар бир соғувчининг етиштирган сутни 114 тоннадан ошиб кетди. Ҳа, бу ўша реконструкциянинг, комплекс механизациянинг шарофати бўлди.

Мухтараманинг орзулари рўёбга чиқди. У ўз қарамо-гидаги 90 сигирнинг ҳар биридан 4 минг 410 килограммдан сут соғиб олди. Беш йилликка мўлжалланган шахсий мажбурнятини тўрт йилда бажарди. Жами 1114 тон-

на сут соғиб берди. Бу мўлжалдагидан салкам 115 тонна кўп эдн. Унинг номи бутуп республикага ёйилдп. Халқ уни ҳурматлаб СССР Олий Советига иккинчи марта депутат қилиб сайлади. Кўксидা Ленин, Меҳнат Қиизил Байроқ орденлари порлади.

Муҳтарама зоотехникани чуқур билиши зарурлигинн тобора чуқур ҳис этарди. Турмуш билан ҳамнафас бўлнишни истаган илғор сут соғувчи Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг зоотехника факультетига ўқишига кирди. Айни вақтда мамлакатдаги илғор соғувчиларнинг тажрибаларини кузатиб бориб, зарурларини фермада қўллади.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти Муҳтарама ва ҳамкасб дугоналарига ёрдамини аямади. Колхозда 1975 йилда дагал ҳашакларни қайта ишлайдиган янги грануляция цехи ишга туширилди. Хлорелла ишлаб чиқарадиган цех қад кўтармоқда. Бу цех фойдаланишга топширилгач, ҳар кечакундузда 10 тонна озуқа ишлаб чиқарилади. Қолхозда икки юз бош сигирга мўлжалланган механизациялаштирилган чорвачилик кўмплексининг қуриб битказилганлиги соғувчилар меҳнати унумдорлигини оширди. Чорва озуқаси мустаҳкамланди, ундан унумли фойдаланиш, зоотехника қоидаларига қаттиқ риоя қилиш йўлга қўйилди.

Зотдор сигирларни иссиқ шароитимизга мослаштириш осон эмас. Ҳар бир сигирнинг энг яхши томонини аниқлаб билиб олиш лозим. Үларни ҳамиша бир қолилда ишлайдиган механизацияга мослаш, ўргатишга қунт керак. Муҳтарама ўз ишида бу муҳим омилларга катта эътибор берарди.

Бир куни фермани текширгани келган мутахассисларга Муҳтарама илтимоси борлигини айтди.

— Лейда Пейпс КПСС XXV съезди шарафига янги мажбурият олибди. Биз ҳам ҳаракат қўлсак?— деди у.

«Коммунизм» колхозининг илғор соғувчиси янги маррага интилаётганидан хабар топган Ғиждувон район

партия комитетининг ўша вақтдаги биринчи секретари, ҳозир Когон район партия комитетининг биринчи секретари, иқтисод фанлари кандидати Ҳафиз Қурбонов дар-ров колхозга етиб келди.

— Яхши ният қилган экансиз, эшишиб хурсанд бўл-дик,— деди ҳозиргина биринчи соғувни тугатиб чиқаёт-ган Мұхтарамага Ҳафиз Давронович.— Сизга янги му-ваффақиятлар тилаймиз.

— Мутахассислар нима дейишди, Лейда Пейпс билан беллашишга имкониятларингиз бор эканми?

— Беллашсам бўларкан!

— Жуда ажойиб,— деди район комитети.— Бу билан иккى ҳалқ ўртасидаги дўстликни янада мустаҳ-камлайсизлар. Бу ташаббусингизни район партия комитети мъяқуллаб, бошқаларга ёйишига қарор қилди.

Абдулла Азимович унинг ташаббусини область партия комитети ҳам маъқуллаганини, иккى дугонанинг бир-бираига ёзган хати Бухоро область газеталарида босил-ганлигини, алоҳида плакат қилиб чиқарнганлигини айтди.

— Ишни жуда пухта ташкил этишган,— деди ҳамроҳим,— бизнинг шароитимизда 90 сигирнинг ҳар биридан 5 минг килограммдан сут соғиб олишнинг ўзи бўлмайди.

— Сигирлари қайси наслдан?

— Қазил зотли эстон, украина сигирлари. Бизнинг иссиқ иқлимга улар ҳар қанча мослаштирилганда ҳам, бари бир маҳсулдорлигига таъсири бор.

— Мұхтарама 1975 йил мажбуриятини қандай ба-жарди?

— Ҳамма қўрсатгичлари мўлжалдагидан ошиб кетди.

Яқинда уч киши — Мұхтарама, илгари «Қоммунизм» колхозида зоотехник бўлиб ишлаган, ҳозир Фиждувон район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Саъдулла Тўхтамишев, колхоз аъзоси Жаббор

Faффоровлар билан бирга Эстонияга, Лейда Пейпснинг ҳузурига бориб, унинг иш тажрибаларини ўз кўзи билан кўриб, ўрганиб келди. Айтишларича иккى дугона бир бирларига жуда яхши маслаҳатлар беришибди. Совхоз директори Эни Мельдер, наслчиллик бўйича бош зоотехник Керстп Альп уларни хўжалик билан таниширишибди. Сўнг Эстония ССР қишлоқ хўжалик министри Харальд Мянник қабул қилиб, республика чорвачилигининг истиқболлари ҳақида гапириб берипти. Ўзбекистон чорвачилигининг ўзига хос муҳим томонлари эстонияликлар учун ҳам катта мактаб эканлигини айтибди. Чорвадорларимиз кўп нарсаларни ўрганиб қайтибдилар.

Мұхтарама эстониялик дўстларини зотдор бузоқлар юборишига ҳам кўндириб қайтди.

Партия ва ҳукуматимиз чорвадорлар олдига келажакда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаш тприш, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етнитиришда механизациядан кенг фойдаланишини асосий вазифалардан бирн қилиб қўймоқда. Тараққиёт йўли шуни тақозо қилияпти. Вакилларимиз «Вильянди» совхозида бу муҳим иш қандай амалга оширилётганинн ҳам кузатишибди. Бу хўжаликда чорвачилик асосий тармоқлардан бирни ҳисобланаркан. Чорвачиликни ривожлантиришда дўстларимиз асосий кучни ердан рационал фойдаланишга, озуқа етиширишни кўпайтиришга қаратибдилар ва шу орқали чорвачиликда юксак кўрсатгичларга эришибдилар.

«Вильянди» совхозида чорвани ихтисослаштирилган ҳолда боқишига ўтишган. Бу ерда мәҳнат соҳа-соҳаларга бўлинисб, ҳар бир ходим матьқул бир ишни бажаради ва шу тариқа ўз ишининг моҳир устасига айланади.

Қардошларимиз совхозида ферма ходимларининг йигилишлари мунтазам равишда ўтказилиб турилар экан. Унда бевосита ишлаб чиқаришга тааллуқли масалалар муҳокама қилинар, ҳамда мамлакат чорвачилигидаги янгиликлар ва илфор тажрибалар билан таниш-

тирилар экан. Илғор тажрибалар тезда ишлаб чиқаришга жорий этилар экан. Сут соғувчилар қисқа муддатли курсларда ўқитилиб бориларкан.

Кўп кўрган — кўп билади, деганларидек, Муҳтарама Фаффорова ҳозир фақат колхоз ёки районга эмас, балки бутун областга, республикага тааллуқли масалани илгари суряпти. Сигирлар зотини янада яхшилаб, серсут сигир наслини яратиши чорвачилик ва ветеринария илмий-тадқиқот институтларидан талаб этиш тарафдори. Минглаб сигир, бузоққа мўлжалланган чорва комплекслари қуришни тезлаштиришни таклиф этяпти. Бундай комплекснинг афзаллигини Тошкент обlastидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» чорва комплекси исботлаб берди. Кенг, ёруғ сигирхоналар, озуқа тақсимлайдиган конвейр линиялар, ҳавони янгилаб турадиган апаратлар мунтазам ишлайди. Ўн бешта корпусда минг бош бузоқ бўқилади. Колхоз фермаларидагига нисбатан меҳнат унумдорлиги ошиб, ҳаражатлар икки ҳисса камаяди.

Муҳтарама ўрганган тажрибалари асосида сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан қатор ишларни амалга оширди. Озуқа базаси янада мустаҳкамланди. Чорва учун дон ва бошқа озуқа экинлари кўпроқ экиладиган, дагал ҳашак жамғариладиган бўлди. Бу билан озуқанинг сурункали етарли бўлишига эришилди. Фермадаги меҳнат янгичасига янада самарали қилиб ташкил этилди. Илгари сигирни парвариш қилишдан тортиб, соғиб олишгача ҳаммаси сут соғувчининг гарданнида эди. Энди сут соғувчи фақат соғиши билан шуғулланади, сигирни озода сақлашга бир киши, гўнгни олиб чиқиб ташлашга бошқа киши, озуқа ташиб келтиришга, молларни озуқлантиришга алоҳида тайинланган. Ҳар бир ферма ходими ўз ишига жавоб беради.

Муҳтарама фақат фермадагина эмас, балки жамоат ишларида ҳам ибрат бўлмоқда.

У колхоз мураббийлар кенгашига бош. Ўтган ўқув йили тугаши арафасида унинг ташаббуси билан барча

устозлар, мураббийлар кенгашининг навбатдаги йиғи-лишига тўпланишди.

— Кун тартибида битта масала,— деди у.— Ёшлар ўнинчи синфни тамомлагач, олис-олислардаги ишларни орзу қилишади ёки диплом бўлса бас, қабилида инсти-тутларга интилишади. Лекин, ҳар бир хўжаликнинг ўз БАМи, ҚамАЗи борлигини ўйламайдилар. Майқул кўрсангиз, яна мактабга борсак, ёшларни ўзимиздаги ишларга жалб этсак.

Муҳтарама пухта режа билан иш кўради. Шунинг учун ҳамма нарсага улгуради. Асосий вақти фермада ўтади, кечқурунлари имтиҳонларга тайёрланади, шанба кунлари халқ хизматкори сифатида меҳнаткашларни қа-бул қиласди, беш фарзандининг тарбияси билан шуғулланади. Депутат сифатида қилган қабуллари, унинг натижалари билан қизиқади. Унинг жонбозлиги туфайли маҳсус чорвадорлар уйи қурилди. У ерда китоблар, газета, журналлар қўйилган. Қийиниш, ювниш учун алоҳида-алоҳида хоналар ташкил этилди. Район матлубот жамияти ферма олдида магазин очди. Тушлик иссиқ овқат ферманинг ўзида тайёрланади. Ферма қошидаги медицина пункти мунтазам хизматда.

Колхоз иқтисодининг мустаҳкамланиши, даромад-нинг йилдан-йилга ортиб бориши билан қишлоқ ҳам, турмуш ҳам ўсмоқда. Муҳтарама уйига қайтаркан, электр чироқларидан нурафшон колхоз қишлоғига боқиб, шулар ҳақида ўйларди. Яқинда Муҳтарама бу ердан ўтганда қурувчилар янги кўчани очишга тайёргарлик кўришаётган эди. Кўп ўтмай асфальт ётқизилди. Икки қанотида янги уйлар. Фақат дарахтлари ҳали ёш. «Ҳаётимиз ҳам нурли истиқболга олиб борувчи кенг йўл эмасми!» кўнглидан ўтказди у.

Сув танқислигига, об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай, қаҳрамонона меҳнат қилиб пахта, ғалла, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олган ҳамқишлоқлари кўз олдидан ўтди. «Меҳнатдан

толмасак, даромад ошса — бундан ҳам яхши бўлади», деб қўйди.

Муҳтарама Бухоро область партия конференциясидан қайтиб уйга қадам қўйиши билан, кетма-кет дугоналари кириб келишди.

— Табриклаймиз, радиодан эшиздик партия XXV съездига делегат қилиб сайланибсан, иззат-ҳурматинг бундан ҳам зиёда бўлсин!

— Раҳмат!

Ферма колективининг КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди тарихий қарорларини муҳокама қилишга багишланган йиғилиши бўлди. Муҳтарама партия XXV съездидан олган таассуротларини гапириб берди. Халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш — олий мақсади бўлган жонажон партиямизнинг тарихий анжумани унинг учун улкан мактаб бўлди.

— Партия бизни эгаллаган марралар билан кифояланиб қолмай яна олға юришга ўргатади. Партия ва ҳукуматимизнинг истиқболдаги катта режаларини амалга оширишга биз ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз керак. Устоз сут согувчилардан Мунаввар Исоқова, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида сўзга чиқиб шундай деган эди: колхозимиз чорвадорларининг зафарлари тўғрисида гапириш билан бирга, шуни ҳам айтиш керакки, Тошкент облости бўйича чорвачилик етарли даражага кўтарилиган эмас. Келинг биз область бўйича чорвачиликда юқори кўрсатгичларга эришиш учун мусобақалашайлик.

Янги ташаббус ҳозир бутун область хўжаликларида муҳокама қилиниб, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни Лейда Пейпс, Мунаввар Исоқова, Анастасия Чудная, Муҳтарама Гаффорова каби илфорлар даражасига етказиш, улардан ўзид кетиш учун мусобақа авж олмоқда.

«Правда Востока» республика газетасида босилган

бир мақола яна кўпчиликнинг эътиборини тортди. Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг машхур сут соғувчиси Мунаввар Исоқова сутни машинада соғиб олиш устаси, Давлат мукофоти лауреати Лейда Пейпс бошчиллигидаги эстониялик илфор сут соғувчиларнинг ўзларига биркитилган сигирлар группасидан ҳар куни бир тоннадан сут соғиб олиш юзасидан бошланган ташаббусни қўллаб-қувватлашин таклиф қилиб чиқди. Ўзи янги имкониятларни излаб топиб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилда ҳар бир сигирдан 6100 килограммдан, бутун группадан 183 тонна сут соғиб олиш, барча маҳсулотни фақат биринчи сортга топшириш мажбуриятини олган. Иложи борича бутун республикадаги сут соғувчиларни ҳар бир фермада аъло сифатли сут соғиб олиш учун курашда фаол қатнашишга даъват этди.

«Бухоро область Фиждувон районидаги «Коммунизм» колхози сут соғувчиси, СССР Олий Советининг депутати МуҳтарамаFaффоровани мусобақага чақираман. Келинг, Муҳтарама ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили ҳақиқатан ҳам зарбдор меҳнат йили бўлиши учун мусобақалашайлик!»

Дугонасининг қалб даъватини бажону дил қабул қилинган Муҳтарама ўз режаларини ёзиб юборди.

«Мен ҳам ўнинчи беш йилликда қарамоғимдаги 75 сигирдан кунинга бир тоннадан сут соғиб олишни мақсад қилиб қўйдим. Бу йилнинг ўзида 340 тоннага яқин сут соғиб олиш ниятим бор. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни бир йилда ўртacha 4500 килограммга етказаман».

Вақт алламаҳал бўлиб қолган бўлса ҳам Муҳтарама Faффорова деразасида нур тушиб турибди. У яна қандай янгилик, ташаббус ҳақида ўйлаётган экан...

ҚАҲРАБО — ҲАЗИНАНИНГ ҚАЛИТИ

Ҳамма гап Деҳқон бобонинг эътироziдан бошланди. Қун ботишда очилган баҳс, билмадим, ҳўрз устма-уст қичқирмаганида қачон тугарди. Ўша куни суҳбатга қи-зиқиб кетган чойхоначи ҳам ухламади.

— Гапингда зарра қусур йўқ экан, ўғлим.— Тан олди бобо олтин занжирли ён соатига қараб.— Саҳаргача ўтирибмиз-а. Билим — олтин чашма-да! Биз унинг оби ҳаётидан ичолмаганимиз. Шундан, бузруквор давр ихти-ролари, билакс каминаларига чўпчак — муаммо. Айбга санамайсизлар энди,— деди у самимий оҳангда эҳтиром билан даврадагиларга, ўнг қўлини ерга тираб ўрнидан тураркан, бўғин-бўғинлари қисирлаб.— Маъқул, пахта-нинг жиловини тағин ҳам маҳкам ушлашибди донола-римиз.

Мавзу — замондошларимиз Раҳим Раҳмонов билан А. Благовешченский ҳамкорликда очган қаҳрабонинг си-ри эди.

Яқинда мен ҳурматли Раҳим ака билан учрашиб, топган янгиликлари борасида чойхонада тонготаргача бўлган суҳбатни айтиб бердим.

— Сиз уни айтасиз,— деди Раҳим ака.— Сочимизни кўпроқ янгиликни излашдан кўра, билим даргоҳидаги, ишимиз тушган хўжаликлардаги айрим чаламуллалар билан, ноумид шахслар оқартириди. Фанимизнинг мўъ-жизакор қудратига ҳамманинг ҳам ақли дарров ета-вермас экан.

Юрак жиз этмаса, қўл ураётган ишининг охири чи-ройли чиқишига кўзи етмаса киши бир нарсага меҳр қўймайди. Ҳаётнинг иссиқ-совуғини кўп кўрган Раҳим ака бундан бир неча йил бурун, пахтакор дўстларидан бирини кўргани борди. Декабрь ойи эди. Тизза бўйи қор ёққан, совуқ.

Дўсти — раисни на уйдан, на идорадан топди. Дала-га чиқди. Икки ноҳуш манзара кўнглини хижил қилди.

Далада катта шох қўшилган от ғўзани силкитиб қорини тушириб бормоқда. Узун арқонинг учини белига боғлаб олган иккى азамат йигит ғўза оралаб юриб, пахтанинг юзинн очмоқда.

Уларнинг ортидан қўлқоп кийган қиз-жувонлар, ёшқарилар ях чанглалтаб, қолган-қутган кўрак, толани теришарди.

...Шу баҳона Раҳим ака, ўйлаб, ўқиб, ўрганиб юрган ишига тағин ҳам қунт билан ёпишди. Айниқса дўстининг ўша куни куйиб-пишиб айтган аччиқ таънаси қулоғи тағида тақрорланадиган бўлдн.

— Сиз олимлар ҳам, бундай жон койитсаларингизчи, бу ёғига. Пахтамиз сал олдинроқ етилса, шу азоб йўқ! Барвақт териб оламиз.

Мақсад аниқ: шундай бир восита топиш керакки, у пахтани ҳам вақтли пиширсин, ҳам ҳосилдорлигини оширсин, ҳам унга кетадиган сарф-ҳаражатни озайтираса-озайтирсин-у, кўпайтирмасин.

Раҳим ака Москвага, устози, биология фанлари доктори, профессор А. Благовешченскийнинг ҳузурига маслаҳатга борди. Кўрганларини, раснинг гапини, ўз режаларини тўкиб солди.

— Маъқул, — деди устоз узоқ ўйлаб, эшитган гапларини ақл торозусида ўлчаб.— Режангизга яна бир нарсани қўшиб қўйинг: шундай восита топингки, у инсонга зарар келтирмасин! Ҳа, ҳа, шундай! Менимча, биринчи ўринга шуни қўйиш керак!

Икки олим назария борасида ҳам, амалпй тажрибада ҳам бамаслаҳат иш кўришга аҳд қилишди.

— Қоронғи уйга тош отмайлик,— деди профессор.— Мехнатимиз, давлат маблағи зое кетмасин. Оқибат натижасига озми-кўпми кўзимиз етган тадқиқотга қўл урайлик.

Олимларнинг бедор кечаларп, изланишлари бошланди.

Қайси ўсимлик бўлмасин, аниқки, ёрдамчи кучсиз

ўсмайди, ўсса ҳам авж олмайди. Айтайлик, ҳар хил — органик ва минерал ўғитлар юқори, бўлиқ ҳосилнинг қатордаги нори. Ҳўп, яна нималар ўсимликнинг танаси-ни яйратади? Икки олим, ишни шу воситаларни ўрга-нишдан бошлади. Улар биоген стимуляторлар, деб атал-ган ўсимликларнинг танасига сингиб, уларнинг ўсиб-унишига ёрдам берадиган турли моддаларни текшириб кўришди.

— Биоген стимуляторлар,— деди Раҳим Раҳмонов, ҳамкорига чуқур, ҳар томонлама изланишлардан сўнг.— Организм ноқулай шароитга тушганда, яъни ўсимлик майсалари икки-тўрт даража совуқقا учраганда унинг ҳужайраларида ҳосил бўлиб, мадад бериб, уларни омон сақлаб қолади. Мен шунга амин бўлдими-ки, биоген стимуляторлар икки карбонлик кислоталар-га сингиб, ўсимлик организмини чиниқтиаркан. Шун-дай кислотлардан — каҳрабони ўрганиб кўрмаймизми.

— Чиндан ҳам каҳрабо кислотаси ўсимликларда модда алманинишида катта роль ўйнайди.

— Фойдаси борки, каҳрабо кислотаси жуда кўп ўсимликларда эркин ҳолда учрайди.

Биология фани ҳазиналарининг геологлари — каҳра-бо кислотасининг сирларини, ўсимликларга қанчалик «дўст» лигини излашга киришиши.

Шу ерга келганда биринчи тўғаноқ учрашди. «Беҳу-да уриниш» дегувчилар чиқди. Тўғаноқлар айтибигина қолишмади, амалда ўз фикрларини асослаб кўрсатмоқ-чи ҳам бўлишди. Йиғилишларда давлат маблағларини осмонга учираётган «каҳрабо шайдолари»ни тийиб қў-йиш лозимлигини айтишди.

Ўз изланишлари, тадқиқотлари натижасига ишонган олимларнинг ўринисиз таъналардан дили оғриса ҳам кўнгиллари совимади. Аксинча, олимлар уларга зарба беришнинг йўли: жадалроқ, аниқроқ далиллар топиш, уларнинг самараларини юзага чиқариш, деб ўз ишига янада жиддийроқ киришдилар.

Меҳнат зое кетмади. Ноумидларга биринчи зарба берилди.

Ўсимлик уруғи шу кислотанинг кучсиз эритмаси билан намлаб экилса, уруғ тез, текис униб чиқиши, ниҳоллар яхши ривожланиши аниқланди.

— Бундай парвариш бўлса, тош ҳам кўкаради,— дея бўш келишмади тўғаноқлар.

— Ўсимлик баргида хлорофил доналарининг кўпайгани, натижада уларда нафас олиш, фотосинтез жараёнининг тезлашгани ҳам фақат парваришнинг натижасими? Қаҳрабо кислотасининг таъсири эмасми? Ўсимликларнинг майда илдизлари кўпайиб, аввалгдан узун бўлиб, тупроқдаги озуқа моддаларини кўпроқ сўрганичи?— дейишди қаҳрабо тарафдорлари.

— Бу нарса кенг майдонларда маълум бўлади!— тан бергиси келмади тўғаноқларнинг.

— Марҳамат, истаган далангизда сиз билан беллашамиз?— деди сабит қадам қаҳрабочилар.— Шунп яхши билингки, биз бу тадқиқотни сизга ўз кучимизни кўрсатиш, обрў талашиш учун қилаётганимиз йўқ. Яхшиси, келинг, қўшимча фикрингиз бўлса бирлашайлик. Ахир, бирлашган ўзар, дейди ҳалқимиз. Ҳалқимизга манфаатимиз тегсин, бир кун бўлса ҳам паҳтамиз тез пишсин.

1962 йил. «Тўғаноқларнинг айтганиёқ бўлсин!» дейишди олимлар. Тошкент область Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозга чиқишиди.

— Қаҳрабо кислотасининг ўсимликларга ишлатиш натижасида рўй берган физиологик ва биохимик жараёнларни ўрганиш, унинг паҳтачиликда қўлланиш тажрибасини профессор А. Благовешченский билан ўрганмоқчимиз,— деди Раҳим Раҳмонов колхоз правлениеси аъзоларига. Баъзилар ўйлаганидек ҳеч ким «Қўйинг» ҳам, «Бош оғриғи»ни нима кераги бор ҳам демади.

— Фан-техниканинг нималигини яхши биламиз? Марҳамат, нимашки ёрдам керак бўлса бош устига,— дейиш-

ди мезбонлар. Уч ярим гектар ер ажратиб беришди. Олимлар оҳорли кийимларини коржомага алмаштиришди.

Чигит ҳар литр сувга 23 миллиграмм каҳрабо кислотаси солинган эритмада намланиб экилди. Тажрибанинг натижаси аниқ кўриниши учун яна икки гектар ерга, чигит ҳеч қандай ишловсиз ариқ сувидага намлаб экилди.

Каҳрабо кислотаси билан намлаб экилган чигит, бошқа ердагига қараганда 2 кун илгари униб чиқди. ғўза ниҳоллари тез, бақувват бўлиб ўси, 5—6 кун илгари шоналади, барвақт очилди. Бу ердан бошқа дала-ларга нисбатан 2,7 центнердан ортиқ ҳосил олинди.

— Тупроқ яхши, ер семиз бўлган жойда бундан ҳам ортиқ натижаларга эришиш мумкин!— яна бўш келмади тўғоноқлар.

— Жуда соз,— дейишди изланувчилар.— Бунга ҳам жавоб топамиз.

Сабр-тоқатли кишиларнинг яна икки йили Фаргона, Андижон, Сирдарё, Тошкент областларининг турли иқлим, турли тупроқли колхоз, совхозлари далаларида ўтди. Ҳамма ерда каҳрабо кислотаси ўз кучини кўрсатди. Олимларнинг юзларини ёруғ қилди.

Ернинг шўрини ҳам енди каҳрабо! Поп районидаги Қалинин номли совхозда 1963-1967 йилларда ўтказилган тажрибалар шўр тупроқли ерлар каҳрабо кислотасининг таъсирида гектарига 3—3,5 центнердан ортиқ пахта ҳосили берди, барвақт етилди.

Тил югуриги бошга деганиларидек, каҳрабонинг кучига ишонмаганлар уялиб қолишиди. 1967 йилда республикамизнинг колхоз ва совхозларида салкам бир миллион гектар ерга чигит каҳрабо кислотаси билан намлаб экилди. Қардош республика пахтакорлари, олимлари бу янгиликдан хабар топиб, қўллашга руҳсат сўрадилар. Туркманистонликлар бу янгиликка тасанно айтдилар.

Москвалик олим А. Благовешченский билан Ўзбекис-

тон ССР Фанлар академияси экспериментал биология институтининг илмий бўлим директори, биология фанлари кандидати Раҳим Раҳмонов ўртоқларнинг олти йил ҳар хил шароитда, турли муносабатлар доирасида олиб борган тажрибалари самараси ниҳоят республика Фанлар академияспда каҳрабо кислотасини ўспилларгага таъсирини ўрганувчи олимлар, колхоз ва совхоз агрономларининг кенгашида якунланди. Олимларнинг ижодий изланишларига, чуқур илмий фикрларига, амалдаги исботларига яхши баҳо берган илм аҳллари, агрономлар, дехқонлар қўйидаги далилларни айтишиди:

Каҳрабо кислотаси чигит мағзидаги мой миқдорнни бир процентга кўпайтиради, кузги буғдой ҳосилини гектарига 65—180 килограммга оширади, маккажӯҳори дони 10 процент кўп бўлади, кўк пояси 20—25 процент ортади.

Кенгашда гапирганлардан бирн қаҳрабо кислотасининг бир килограмми уч сўм туришини, у 125 тонна уруг учун етишини, инсонга безаарлигини айтганда, профессор табассум билан Раҳим акага қараб қўйди. Уларнинг нияти рўёбга чиқди, ихтиrolарининг эътирофидан масрур эдилар. Партия ва ҳукуматимиз уларнинг қувончига яна қувонч бағишилади.

Физиология-биохимия жараёнларига каҳрабо кислотаси таъсирининг назарий асосларини ва чигит унишини жадаллаштирувчи методларни ишлаб чиққанликлари учун биология фанлари доктори, профессор А. В. Благовещенский, биология фанлари кандидати Р. Раҳмоновга Берунпий номидаги республика Давлат мукофоти берилди.

УСТОД

Уша кун Ҳабиб аканинг ҳам, «Совет Ўзбекистони» газетаси колективининг ҳам ёдидан сира-сира чиқмайди.

1950 йил. Тошкент Давлат университетида очилган журналистика бўлими эндиғина икки ёшга кираётган эди. Ҳали журналистика фанидан дарс берадиган малақали ўқитувчилар етишмасди. Дарсликлар ҳам йўқ эди. Ректорат тажрибали, талантли журналистларни соатбай дарс беришга жалб этадиган бўлди. Дарс беришга Рихси Саҳибове, Иброҳим Раҳим, Ҳабиб Нуъмонлар тақлиф этилди.

Ҳабиб Нуъмон ўша вақтларда «Совет Ўзбекистони» газетасининг қишлоқ хўжалик бўлимида адабий ходим бўлиб ишларди. У ўзининг ўқишили, бадиий жиҳатдан юксак, теша тегмаган мавзудаги очерклари, лавҳалари, фельетонлари, репортажлари, хабарлари билан кенг газетхонлар орасида танилган эди. Айниқса унинг очерклари газетхонларга кўпроқ ёқарди. Бир томондан — уларнинг тили, бадиий воситаларга бойлиги кўп нарса ўргатса; иккинчи томондан — қаҳрамони етук одам сифатида, илғор замондош сифатида ўзига эргаштиради.

Ёдимда: Ҳабиб ака университетга келадиган куни ҳамма студентлар анча барвақт келди. Ўша вақтда мен ҳам студент эдим. Биз — студентлар хаёлимизда Ҳабиб акани тасавур қилиб, сиймосини чиздик. Ҳабиб Нуъмон кўз ўнгимизда анча ёшга борган, серсавлат, камгап, қовоғи солиқ, ўйчан бир киши бўлиб гавдаланди...

Қўнғироқ чалинди. Остонада бўлимимизнинг саркори Турсун Собировнинг товуши эшитилди:

— Марҳамат, Ҳабиб ака. Сиз меҳмонсиз.

— Ўзингиз бошланг, қани.— Ҳабиб ака жавоб берди.

Турсун Собиров қанча зўрламасин, меҳмон олдинга тушмади. Биз шу ондаёқ ақлли одамнинг камтарлигини, устозлик масъулиятини ҳис этиб, бу ерга қадам қўяётганини, ҳаяжонланётганини англадик, меҳримиз ортди. Қаршимизда ўрта бўйли, озгин, ҳали қирққа бормаган бир йигит турарди. Тасаввуримиздаги ўйчан, деган гапимизгина тўғри чиққанди.

— Ўзингиз яхши билсангиз ҳам, икки оғиз Ҳабиб

ака ҳақнда,— деб Турсун ака гап бошлаган эди, меҳмон шу керакмикан дегандек, хижолатдан қизариб унга қаради.— Ҳабиб Нуъмон ўзбек совет журналисти-касини йўргаклаган, унинг ташкил топишига, ри-вожланишига катта ҳисса қўшган, талантли қалам соҳиб-ларидан бири. У фақат журналист бўлибгина қолмай, ўсиб келаётган теран фикрли ёзувчи ҳамдир. Ҳабиб ака 1912 йилда Тошкентда, ўз даврининг саводли кишиси бўлган мактабдор оиласида туғилди. У дастлаб «Учқун» мактабида 7 синфни, кейин ишчилар факультетини би-тириди. Ҳабиб Нуъмон ёшлигиданоқ китоб ўқишига ишқи-воз бўлган. Қўшини маҳаллада истиқомат қилувчи ёзувчи Абдулла Қодирийнинг сұхбатларини мароқ билан эши-ган. Илк ёзган хабарлари ёқиб, журналистлар Ҳабиб аканни ҳамкорлик қилишга таклиф этишган. У 1931—32 йилларда радио комитетининг саноат бўлимида, 1934—35 йилларда «Колхоз йўли» газетасида ишлаб мала-ка орттирган. 1935 йилнинг сентябррида «Қизил Ўзбе-кистон» («Совет Ўзбекистони») газетасига адабий хо-дим бўлиб ишга ўтган. Шу-шу, дарахт бир жойда кўка-ради деганларидек, Ҳабиб ака «Совет Ўзбекистони»да униб-ўсиб келмоқда. Ижодий фаолияти ўзингизга маъ-лум, дарсда ўтгансиз, газета-журналларда ўқигансиз, радиодан эшигансиз... Қолганинн яна ўзларидан эши-тасиз.

Ўқитувчимиз узр сўраб чиқиб кетди. Ҳабиб ака сўз, фикр садафини излабми, ўрганмаган аудитория салоба-ти босибми, бир дам сукутга чўмди.

— Авваламбор, ҳурмат қилиб, таклиф этганингиз учун ташаккур. Гапни очиги ўзимда йўқ билимни, таж-рибани, ақлим етмаган гапни бор деб, сир бой бермай-диганлардан эмасман. Шунинг учун боримни, ўйимдаги-ни айтсам, талабларингиз, кутганларингиз даражасида бўлмаса узр. Олий маълумотим ҳам йўқ. Нимагаки эришган бўлсам, ўзимча ўқиб, устозлардан сўраб, тин-май машқ қилиб, ҳаёт дорилфунунида тобланиб қўлга

киритганман. Буларга олий маълумот қўшилганда, яна ҳам яхшироқ, яна ҳам чуқурроқ ёзардим, имоним комил. Бундэ энди мана сизлар амалга оширасизлар. Агар табиат тантлил қилиб, қайта туғилсан, яна шу безовта қасбни танлайман. Мен ўзимни журналистикасиз тасаввур қилолмайман. Демоқчиманки, журналист бўламан деган одам аввало уни севиши, унга меҳр қўйиши керак. Журналистликни тирикчилик манбай деб қарамасдан, уни ҳунарга айлантириши лозим.

— Кечирасиз, устоз, баъзилар талант бўлса бас, асаф ўзи туғилаверади, дейишади. Шу тўгрими?— деб сўради курсдошларимиздан бири.

— Ўринли савол,— деди Ҳабиб ака.— Талант — етти қават ернинг тагидан қайнаб чиқсан булоқдек гап, йўл тоғиб кетади, дейдиганлар бор. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Улар назарияни, машқни инкор этишади. Равшанки, назария талант ўрнини босолмайди, лекин назария талантни камолотга етказади. Ижод қонун-қоидаларини, тажрибасини, тайин формаларини билмай туриб, ижод қилиш мумкинми, ахир. Ўқимай, ўрганмай туриб, мўлжалга етиб бўладими? Йўқ, албатта. Назария ва талант қўшилгандагина жанговар жанрнинг кенг имкониятларидан тўла фойдаланиш, унинг олдига зарур талабларни қўя билиш мумкин. Бу ўринда доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг публицистикаси бизга олий намунаидир. Жамоат арбоби ва атоқли совет танқидчиси А. В. Луначарский Лениннинг публицистик санъатини ўрганиш муҳим эканлигини таъкидлаб, шундай деган эди. (Ҳабиб ака ён чўнтағидан кичик бир қоғозни олиб ўқиди):

«Бу албатта, жуда муҳим иш, у билан кенгроқ шуғулланиш, унинг зарур темани ўз вақтида танлай олишини, ҳамма тушунадиган қилиб бера билишини, ажойиб услубини, маҳоратини, ишончли, айни вақтда қатъийлигини кенг ўрганиш керак».

Ўзини бус-бутун журналистикага бағишлаган Ҳабиб

ака буюк устозининг публицистикасини ўрганиб, камолга етган қаламкаш. У касбини севади, журналистикасининг риёзатидан чўчимай, мардана енгизб келаётгани учун ҳам бугун уннинг роҳатидан баҳраманд. Уннинг кўқсида «Хурмат белгиси» ордени, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» нишони порлаб турибди.

Атоқли адабиимиз Шароф Рашидов 1949 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасига масъул муҳаррирлик қилган даврида Ҳабиб Нуъмонга берган характеристикасида шундай деб ёзган эди: «Ҳабиб Нуъмон талантли, меҳнатсевар журналист. Ташаббускор, жамоат топшириqlарини ўрнига қўйиб бажарадпган адабий ходим». Бу — Ҳабиб Нуъмоннинг фазилатлари.

Отахон журналист Ҳабиб Нуъмон бу баҳога ўттизинчи йилларда — Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишидаги меҳнатлари, Улуғ Ватан уруши йилларидан «Фрунзечи» газетасида ишлаб ёзган оташнафас публицистикаси, тинч қурилиш йилларидаги ранг-баранг жанрда ёзилган асарлари билан эришди.

— Ишлаётган газетангни бошингга қўйиб юришинг керак. Уни оёқ ости қилдинг, янгишасан. Сени баобрў қиладиган ҳам, танитадиган ҳам газета, коллектив,— дейди Ҳабиб ака. У ишлаётган даргоҳини эъзозлайди, ойлаб сафарда юради, тинмай ёзади.

Ҳабиб Нуъмон ижодида қишлоқ хўжалик мавзуси асосий ўринини тутади.

Бир воқеанинг гувоҳиман: бўлимда суҳбатлашиб ўтиргандик. Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг ўша даврдаги ректори, биология фанлари доктори Абдували Имомалиев келиб қолди. У газетага юборган бир материали тақдирини сўради. Ҳабиб ака мақоланинг нега ушланиб турилганлигини тушунтирди. Олим журналистнинг фикр-мулоҳазаларига қўшилди: «Агроном бўлиб ишласангиз ҳам бўлар экан,— деди у суҳбатда.— Мен розиман. Тузатишларингиз билан чиқараверинг».

Зотан олинган мавзуни чуқур англаш, мутахассис-

ларча тушуниш ва таҳлил этиш Ҳабиб Нуъмон ижодига хос сифагидир. У «Совет Ўзбекистони» газетаси қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири сифатида республикамиз экономикасини ривожлантиришга муносаб ҳисса қўшди. Қейинги йилларда «Совет Ўзбекистони»да босилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланиб маҳсус қарорлар қабул қилинган: «Ери эъзозланг», «Кўчат эк, боф қил», каби қишлоқ хўжалик темасидаги мақола-мурожаатномаларда Ҳ. Нуъмоннинг қўлини кўрамиз.

Унинг «Пахта полвони» сингари очерклари газетхонларнинг ёдида. «Пахта полвони»да чинакам ленинча публицистга, моҳир очеркчига хос фазилатларни кўрамиз. Очеркнинг марказида инсон туради. Муаллиф очеркда машҳур пахтакор, Пискент районидаги Энгельс номли колхознинг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳаким полвон Қодировнинг образини яратди. Ҳаким полвон — тажрибали пахтакор, у фўзани барвақт вояга етказиш, ҳосилдорликни кўтариш юзасидан қатор тақлифлар қилган. Унинг тажрибаси мажбуриятларни бажаришга, оғир меҳнатни енгиллаштиришга, даромадни оширишга йўл очган. Буни газетхонларга, колхозчи-дэҳқонларга етказиш, унинг тажрибасини оммалаштириш лозим эди.

Маълумки, бу фактга турлича ёндошпш мумкин. Пахтакорнинг илфор тажрибасини, фойдасини айтиб қўя қолиш ҳам мумкин, бу ҳам зарур. Лекин у мақола бўлади. Ҳабиб Нуъмон очеркка бошқа томондан ёндошди. У Ҳаким полвон шахсини ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Очеркни ўқиганингизда коммунизм қурилишининг ҳамма томони учун ўзини жавобгар ҳисоблаган, меҳнатсевар, ақлли замондошимиз образи гавдаланади. Пахтакорнинг тақлифлари, тажрибаси, ҳаётидан олинган бошқа фактлар унинг қиёфаспни очишга хизмат қилдирилади. Муаллифнинг бошқа асарлари билан бирга бу очерк ҳам инсонни ўрганишга хизмат қилади.

Биз университетни тамомлаб, «Совет Ўзбекистони»га ишга келгач, Ҳабиб Нуъмон тажрибаси орқали газетага кириб келган қанчадан-қанча ёшларнинг ҳам устози эканлигини кўрдик. Истеъоддли қаламкаш, ёзувчилардан Ҳошим Абдусаматов, Самад Қодиров, Самар Нуров, Собиржон Шокаримов, Ҳайдарали Иброҳимов сингари талантлар Ҳабиб аканн ҳурмат билан устозим, дейднлар.

Отахон журналист пенсияга чиқсан бўлса-да, редакцияда ташкил этилган «Маҳорат мактаби»га бошчилик қилмоқда, қизилчиларнинг ажойиб анъаналарини, ўз тажрибаларини ёшларга ўргатмоқда.

«Матбуот тупроғини яламаган киши, ёзувчи бўла олмайди», деб ўргатади Ҳабиб ака. Чиндан ҳам газета — талантли кишига ёзувчиликка кўтарниш погонаснди. Бунга Ҳабиб Нуъмон ижодининг ўзи ёрқин мисол бўла олади. Ҳабиб Нуъмонни 1949 йили Ўзбекистон ёзувчилар союзига чақириб, қатор шонр ва ёзувчилар билан бирга Фарғонанинг сўлим Водил қишлоғига бориб, асар ёзишни таклиф қилишди. Шу баҳона билан Ҳабиб Нуъмон Фарғонада бир ой бўлди. Ўзи қишлоқ хўжалигини яхши билгани устига колхоз, совхозларда бўлиб, кишилар ҳаётини синчилаб ўрганди, сўнгра «Фасллар» қиссасини яратди. Журналистикада ўзини тоблаган қаламкаш — бадиий адабиётнинг кенг уфқларига парвоз эта олишини кўрсатди.

Ҳабиб Нуъмон катта ёзувчи бўлиб етишди. «Ёшликда берган кўнгил» қиссаси, кекса журналист Аҳмад Шораҳмедов билан ҳамкорликда ёзган «Ота» романи кенг китобхонларга манзур бўлди.

Ҳабиб Нуъмоннинг катта асарларга ҳам етарли материаллар бера оладиган умр йўли, ишишиб етилиб турган ижодий режалари кўп эди. Афсуски... Ҳалқимиз ҳаётидаги муҳим даврларга ўзининг ўтиқр қалами билан муносабатини билдириб, яшаган жонкуяр адабининг ёрқин хотираси кишилар қалбидан абадий қолажак.

МУНДАРИЖА

Казбек баҳодир	3
Чинор	69
Жавоҳир	81
Аҳду паймон	96
Нурли манзиллар	102
Қаҳрабо — ҳазинанинг қалити	124
Устод	129

На узбекском языке

Расул Рахманов

ЛЕГЕНДАРНЫЙ КАЗБЕК

Издательство «ЁШ ГВАРДИЯ»—1977.

Редактор Э. Усмонов

Рассом Н. Гавриленко

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор М. Тоиров

ИБ 156

Босмахонага берилди 27/1-1977 й. Босишига руҳсат
этилди 16/IX-1977 й. Формати 70×108 $\frac{1}{2}$. Босма листи
4,25. Шартли босма листи 5,95. Нашр листи 6,13. Тиражи
30.000. Заказ № 496. Баҳоси 40 т. Қоғоз № 2.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашириёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома
№ 132—76. Р-09324.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашириётининг Мех-
нат Қизили Вайроқ орденли босмахонасида босилди.
«Правда Востока» кўчаси, 26.